



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

18 ноябрь —

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
DAVLAT BAYROFI
QABUL QILINGAN KUN



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 29.11.2024 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8, 8 босма табак.

Буюртма № 3. Адади 1330.

Баҳоси келишилган нархда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

4

СУДЛАР ТОМОНИДАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ
НОРМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

6

КОНСТИТУЦИЯДА СУДЬЯЛАР
ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

7

КОНСТИТУЦИЯ ВА СУД

8

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚ ВА
ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

ЖАРАЁН

10

ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ДАРАЖАСИНИ
ОШИРИШДА СУД ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

11

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ БИЛАН
БОҒЛИҚ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА СОДИҚ

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

12

ФРАНЦИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДА СУДГА ҚАДАР
ИШ ЮРИТИШ ЖАРАЁНИДА ШАХС
ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА СУД НАЗОРАТИ

14

ДАВР КЎЗГУСИ

СУДЬЯЛАР МАЪНАВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
АҲАМИЯТИ

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

15

МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ
АМАЛГА ОШИРИШДА АҲОЛИ ҲУҚУҚИЙ
САВОДХОНЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

16

ҚАНДАЙ ИШЛАР ОЧИҚ, ҚАЙСИЛАРИ ЁПИҚ СУД
МАЖЛИСИДА КЎРИЛАДИ?!

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

17

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ
ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

20

МУШОҲАДА

ҚҲРИҚЛАШ ХИЗМАТИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ВУЖУДГА
КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

22

ЭКОЛОГИК – ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРНИНГ
АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

24

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ЖИНОЯТ ИШИ БЎЙИЧА ДАЛИЛЛАР
МАҚБУЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
МУАММОЛАРИ

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

27

ЖИНОЯТ ИШЕНИ СУДГАЧА ЮРИТИШДА
РЕАБИЛИТАЦИЯ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

30

НУҚТАИ НАЗАР

АХЛОҚ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-
МОҲИАТИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ
ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ РОЛИ

СУДЬЯ МИНБАРИ

32

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ
СУДЛАР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

34

ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИЛГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР СУДЛАРДА
ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ТАДҚИҚОТ

35

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ-
НИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИГА РИОЯ
ЭТИЛИШИ МОНИТОРИНГИ

36

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТДА
ТУЗИЛАДИГАН ВАСИЯТНОМАЛАР ВА
УЛАРНИ ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИШ
МАСАЛАЛАРИ

38

ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТУШУНЧАСИ
ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

40

КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ИЛМИЙ
ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС
ЖИҲАТЛАРИ

42

МЕНИНГ ФИКРИМ

КОРРУПЦИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ-
ИҚТИСОДИЙ ТАЪСИРЛАРИ

ВАЖНАЯ ТЕМА

43

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ, ПОРЯДОК И
ЗНАЧЕНИЕ ПРЯМОГО ПРИМЕНЕНИЯ
СУДАМИ НОРМ КОНСТИТУЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

46

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

ВОПРОСЫ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОГО
ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ НЕЛЕГАЛЬНОЙ
ЛОББИСТСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В
ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

50

ОБЪЕКТИВНЫЕ И СУБЪЕКТИВНЫЕ
ФАКТОРЫ В ВОЗНИКНОВЕНИИ ПЕРВОГО
ПЕРИОДА ВОСТОЧНОГО РЕНЕССАНСА
(IX-XII ВВ.)

54

ЖИЗНЬ И ЗАКОН

ПРЕСТУПЛЕНИЯ, НАРУШАЮЩИЕ
ПРАВА ДЕТЕЙ В КИБЕРПРОСТРАНСТВЕ:
ВИДЫ, ОСОБЕННОСТИ И МЕРЫ
ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ

ПРОЦЕСС

57

НЕСПРАВЕДЛИВЫЕ УСЛОВИЯ В
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ
ДОГОВОРАХ И ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА ИХ
ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ

60

ТЕМА ДНЯ

СЧЕТА ЭСКРОУ ДЛЯ ЗАЩИТЫ
ГРАЖДАН И УДЕШЕВЛЕНИЯ
СТРОИТЕЛЬСТВА ЖИЛЬЯ ПРИ
ИПОТЕЧНОМ КРЕДИТОВАНИИ

СУДЛАР ТОМОНИДАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этган меъёрларга риоя этилиши барча учун бир хил эканлиги, унга ҳамма бирдек амал қилиши ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, судлар учун ҳам конституциявий нормаларга амал қилиш мажбурий эканлиги борасида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: Конституция, қонун, фуқаро, инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаат, суд ҳимояси, маъмурий суд, конвенция, устав, шартнома, ҳокимият органлари, Конституция нормалари.

Конституция ҳар бир давлат тараққиётининг пойдевори бўлган тарихий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Бугунги Ўзбекистон шароитида янги таҳрирдаги Конституциямизнинг энг муҳим жиҳатлари инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуриш билан боғлиқ ўзгаришларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Маълумки, у ёки бу соҳада қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари Бош қомусимиз белгиланган нормалар асосида, бошқача қилиб айтганда, шу ҳужжатнинг ўзаги сифатида қабул қилинади. Бу билан, Конституцияда белгиланган нормалар маълум маънода қолган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилиб, аниқлаштиради.

Судга мурожаат қилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқаролик бурчларига доир масалалар юзасидан узил-кесил қарор қабул қилиш вазифаси юклатилган судларнинг одил судлов фаолиятида Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланилиши маълум маънода алоҳида маъсулият ва мажбурият юклайди.

Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилнинг биргина май ойи мобайнида судлар томонидан жами 174 та жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ва материаллар юзасидан 218 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари чиқаришда Конституциянинг 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 34, 35, 65-моддалари тўғридан-тўғри қўлланилган.

Шунингдек, 37 та жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ва материаллар юзасидан 39 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари чиқаришда эса асосий Қонунимизнинг бошқа моддаларига таянилган.

Ўз навбатида, 8 та фуқаролик иши юзасидан ҳам Конституциянинг 20-моддаси асосида қарорлар қабул қилинган.

Таъкидлаб ўтиш керакки, судлар томонидан конституция нормаларини тўғридан тўғри қўллашнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

биринчидан, Конституция нормаларини олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаш лозимлиги;

иккинчидан, Конституция нормасини тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги важи билан қўллашни рад этишга йўл қўйилмаслиги;

учинчидан, муайян ишда қўлланилиши зарур бўлган Конституция нормасида бошқа норматив-ҳуқуқий

ҳужжатга ҳавола қилинганда, ишни кўриб чиқаётган судлар Конституция ва тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи қонунга асосланиши;

тўртинчидан, ҳуқуқий асос сифатида биринчи навбатда, қоида тариқасида, Конституциянинг тегишли нормалари ва ундан кейин юридик кучига қараб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, башарти қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига зид бўлганлиги аниқланган тақдирда эса, фақатгина Конституциянинг тегишли нормалари қўлланилиши лозимлиги.

Шу ўринда, бугунги кунда маъмурий судлар томонидан Конституция нормаларини тўғридан тўғри қўллаш масаласига тўхталиб ўтсак. Бу борада маъмурий судлар томонидан энг кўп қўлланилаётган Конституция меъёрларига урғу берамиз.

Маъмурий судлар томонидан энг кўп қўлланиётган норма Конституциянинг 55-моддасидир. Мазкур меъёрга кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланган.

Ушбу норманинг маъмурий судлар томонидан қўлланилиши табиий ҳолат ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 4-моддасида ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли, деб белгиланган.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 46-моддаси маъмурий судлар томонидан тўғридан-тўғри қўлланилмоқда. Ушбу меъёрга кўра, ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.

Бу маъмурий судлар томонидан пенсияга оид низолар сони кўплиги билан боғлиқдир. Мисол учун, фуқаро А.нинг 03.09.1990-24.04.1991 йилларда МП “Файз”да, 25.08.1991-30.08.1995 йилларда МП “Новда”да, 01.09.1998-14.06.1999 йилларда “Улуғбек номидаги Тошкент халқаро мактаби”да, 06.07.1999-31.07.2000 йилларда яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлиги унинг меҳнат

дафтарчасида қайд этилган, аммо мазкур ташкилотларда фаолият юритганлиги тўғрисидаги тегишли маълумотлар архив ҳужжатларида сақланмаганлиги ва ИНПС маълумоти йўқлиги сабабли юқорида қайд этилган меҳнат фаолияти даври бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан унинг иш стажига қўшилмаган.

Мазкур ҳолатда маъмурий суд Конституциянинг 47-моддаси, Меҳнат, Солиқ кодекслари, Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги 592-сонли қарори 1-илоvasи "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибида тўғрисида"ги Низом талабларидан келиб чиқиб, мазкур қарорни ҳақиқий эмас деб топган.

Шунингдек, маъмурий судлар томонидан хусусий мулк ва уй-жой дахлсизлигига оид конституциявий нормалар ҳамда Конституциянинг 20-моддаси ҳам кенг қўлланилмоқда. Ушбу моддада давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принцигига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган. Маълумки, мазкур мутаносиблик таомили янги таҳрирдаги Конституция қабул қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунда белгиланган эди. Мазкур таомилнинг конституция даражасида белгиланиши унинг фақатгина маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик доирасида эмас, балки барча оммавий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида қўлланилиши лозимлигини англатади.

Конституциянинг 20-модда 5-қисмида "Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади" деб белгиланган. Мазкур қоидага ўхшаш нормалар Божхона, Солиқ кодекслари, шунингдек "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, амалиётда қонунчиликдаги номувофикликлар истеъмолчилар, солиқ тўловчилар, тадбиркорлик субъектлари фойдасига талқин этилмоқда. Эндиликда ушбу қонуннинг Конституцияда мустаҳкамланиши унинг қўлланиш доирасини янада кенгайтиради. Яъни, нафақат солиқ ёки тадбиркорлик соҳасида, балки инсон иштирок этиши мумкин бўлган ҳар қандай ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилади.

Конституциянинг 55-моддаси 5-қисмида ҳар ким давлат органлари ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Мазкур норма билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 27-моддасида берилган "Аризачи ушбу моддада кўрсатилган ариза (шикоят) билан бир қаторда ушбу талабларга сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабни ҳам тақдим этишга ҳақли. Ушбу моддада кўрсатил-

ган талаблардан алоҳида тарзда билдирилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судда ёки иқтисодий судда кўриб чиқилиши лозим" деган нормага алоқадор эканлигига эътибор қаратиш лозим. Мазкур турдаги низоларни ҳал қилишда Конституциянинг ушбу нормаси асос бўлиши лозим.

Қонуности ҳужжатларининг ниҳоятда кўпайиб кетганлиги ҳамда уларнинг айримлари бир-бирига зид бўлиб қолиши туфайли Конституция нормалари бюрократия қурбонига айланаётган эди. Соддароқ айтганда, энди Конституцияни яхшилаб ўргансак, ундаги нормалар ва ҳуқуқ-мажбуриятларни билсак, шунинг ўзи манфаатларни ҳимоя қилиш учун етарли бўлади. Ҳеч ким Конституциядан ташқари қайсидир ҳужжатни рўқач қила олмайди.

Умуман олганда, бугунги кунда судлар томонидан янги таҳрирдаги Конституция нормаларини тўғридан тўғри қўллаш амалиёти йўлга қўйилган. Бу борада ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Сардорбек ЮСУПОВ,

*ТДЮУ "Маъмурий ва молия ҳуқуқи" кафедраси
мудир, юридик фанлар доктори.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Akhrovov A. Environmental control of public administration bodies in the Republic of Uzbekistan. Proceedings of the International Scientific and Current Research Conferences, 2021, no. 1 (1), pp. 175–179. Available at: <https://orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/522/>.
2. Gozиеv K. Democratization of state power and governance is an important condition for the principle of separation of powers. Proceedings of the International Scientific and Current Research Conferences, 2021, November, pp. 124–132. Available at: <https://www.orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/166/>.
3. E.Porokhov Administrative act as a legal fact, a form of law enforcement and a method of individual legal regulation]. // Yearbook of Public Law 2016: - Administrative act. - Moscow: Infotopik media, 2015. - p. 403.
4. Juraev S. Protection of the right of human environmentally safe living. Proceedings of the International Scientific and Current Research Conferences, 2021, April, pp. 153–157. Available at: <https://orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/518/>.
5. Library of Congress (2020), Continuity of Legislative Activities during Emergency Situations, <https://www.loc.gov/law/help/emergency-legislative-activities/index.php>.
6. Rajabova K. Stages of legislation development regarding court review of disputes regarding the actions (decisions) of election commissions. Eurasian Journal of Academic Research, 2022, no. 2 (12), pp. 1371–1378. Available at: <https://www.in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/6765/>.
7. Sardorbek Y. Analysis of problems in the process of parliamentary consideration of budget execution reports in Uzbekistan. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, Legal sciences, 2021, vol. 1, no. 1.4. Available at: <https://berlinstudies.de/index.php/berlinstudies/article/view/189/>.
8. Saidazimov y. Teoreticheskiy i pravovoy analiz administrativnykh dokumentov [Theoretical and legal analysis of administrative documents]. Review of Law Sciences, 2020, no. 3, spec. iss., pp. 19– 24. DOI: 10.24412/2181-919X-2020-3-19-24/.

КОНСТИТУЦИЯДА СУДЬЯЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Судьялар ўз фаолиятлари давомида қотиллар, ўғрилар, фирибгарлар, товламачилар ва бошқа шу каби турли жиноятчиларнинг суд ишларини кўришлари ва уларга қонуний жазо учун ҳукм чиқаришларига тўғри келади. Бундай вазиятда уларнинг хавфсизлиги суд хонасида тайинлансада, лекин ишдан кейинги ҳаёти ёки оила аъзолари хавф остида қолиши ёинки, бир қанча жиноятлар учун одилона ҳукм чиқаришга қарши босим бўлиши эҳтимоли йўқ эмас. Конституциямизда ана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб унинг 136-моддасида судьяларнинг дахлсизлиги таъминланиши ҳақидаги меъёр қайд этилган:

Судьялар дахлсиздир. Давлат судья ва оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлайди. Судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга, унинг ваколатларини бекор қилишга ёки тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилади. Суднинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши судьяни лавозимидан озод этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Судьяларнинг дахлсизлигини таъминлашда уларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувларга чек қўйиш муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам қонунчилигимизда суд ишларини ҳал этишга аралашганлик, ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилганлик, судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Суд ишларини ҳал қилишга аралашуш деганда фуқаро ёки мансабдор шахс томонидан муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида қонунга хилоф тарзда судьяга қандай бўлмасин, бирон-бир тарзда таъсир этиш тушунилади.

Судьяга қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш орқали суд ишларини ҳал қилишга аралашуш қуйидигича содир этилиши мумкин:

• суд биноти ёки бошқа жойда муайян ишни ҳал қилишга қаратилган талаблар баён қилинган плакатлар, лозунгларни намойиш қилиш орқали ноқонуний пикетлар, митинглар уюштириш ва ўтказиш;

• муайян ишни ҳал қилишга қаратилган талаблар баён қилинган ҳолда оммавий-ахборот воситалари орқали кампаниялар ташкил қилиш;

• судья ёки халқ маслаҳатчисига муайян ишни ҳал қилиш ҳақида талаб қўйиш, илтимос қилиш;

• судья ёки халқ маслаҳатчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига таҳдид қилиш;

• судья ёки халқ маслаҳатчисига таъсир ўтказиш мақсадида уларнинг яқин қариндошлари билан ўзаро муносабатга киришиш;

• судья ёки халқ маслаҳатчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига ва бошқа шахсларга муайян моддий манфаатдорликни таклиф қилиш;

• мансабдор шахслар томонидан муайян ишларни мазмунан ҳал қилиш юзасидан топшириқлар, йўл-

ланмалар бериш ва бошқа ҳаракатлар орқали содир этилиши мумкин.

Суд ишларига аралашуш икки хил кўринишда, яъни ички ва ташқи тарзда бўлиши мумкин. Бундай аралашувларнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, ушбу ҳаракат орқали суд ҳокимиятининг нуфузига, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончига путур етади, суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги тўғрисидаги қоидалар бузилади. Фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етади. Шу сабабли суд ишларига аралашганлик ҳолатлари аниқланган пайтда судьянинг зудлик билан Судьялар олий кенгашига хабарнинг бериши бундай салбий оқибатлар юзага келишининг олдини олади. Агар судья томонидан берилган бундай хабар судьялар малака ҳайъатларига келиб тушган бўлса, тегишли судьялар малака ҳайъати дарҳол бу ҳақда Судьялар олий кенгашини хабардор қилиши шарт.

Бундан ташқари, судьяларнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ амалга оширишда уларга нисбатан ўтказилиши мумкин бўлган таҳдид ва тазйиқларнинг олдини олиш мақсадида мазкур характердаги хатти-ҳаракатлар учун қонунчиликда юридик жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Жиноят кодексининг одил судловга қарши жиноятлар бобидаги 230¹-модда (далилларни сохталаштириш), 230²-модда (тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш), 236-модда (тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашуш), 238-модда (ёлғон гувоҳлик бериш), 239-модда (суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш), 240-модда (жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаш) назарда тутилган жиноятлар одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган қилмишлар сифатида баҳоланса, 232-модда (суд ҳужжатини ижро этмаслик), 233-модда (банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш) суднинг нуфузига путур етказиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга тўсқинлик қилишга қаратилган қилмишлар ҳисобланади.

Иброҳим АЛИМОВ,

Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари –
Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси.

КОНСТИТУЦИЯ ВА СУД

Янги таҳрирдаги конституциямиз Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, халқимизнинг фаровонлигини янада оширишга қаратилгандир.

Жумладан, конституциямизнинг 27-моддасида ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланган.

Бу моддага шарҳ беришдан аввал, ушлаб туриш нима эканлигига аниқлик киритиб олсак. Ушлаб туриш маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноий фаолият билан шуғулланишга барҳам бериш мақсадида қўлланилади. Шунга кўра, ушлаб туришнинг икки тури мавжуд: маъмурий ушлаб туриш ва жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб туриш. Бундан ташқари, ички ишлар органлари ходимлари шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган кишининг шахсини аниқлаш мақсадида ички ишлар органларига боришини сўрашлари мумкин.

МЖТКнинг 285-моддасига биноан маъмурий йўл билан ушлаб туриш қуйидаги ҳолларда қўлланилади: бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш мақсадида; шахсни аниқлаш учун; башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун; ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ушлаб туриш ёки ички ишлар органларига олиб бориш асосларини муҳокама қилиш баъзи ҳолларда фойдасиз бўлиши мумкин. Қонунда белгиланган ушлаб туриш муддати тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга чақиртирилган пайтдан бошлаб ҳисоблаб чиқилишини инобатга олсак, бундай тортишув асоссиз кечиктиришга олиб келади.

Янги таҳрирдаги конституциямизда шахснинг суд қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслигининг қатъий белгиланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиниши кафолатларидан бири ҳисобланади. Суд институти орқали ҳимояланиш ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан биридир.

Шунингдек, конституциямизнинг 28-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, агар

уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги, ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ва жазога тортилиши мумкин эмаслиги, озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгаллиги, шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги каби конституциявий нормаларнинг белгиланиши одил судлов тамойилларига мос келади, десак муболаға бўлмайди.

Бундай конституциявий нормаларнинг ўрнатилиши жамиятда суд органларининг нуфузини ошириш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини ва фақат қонунга асосланиб иш юритишини таъминлашга хизмат қилади. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги муҳим шартлардан биридир. Хулоса қилиб айтганда, Асосий қомусимизга киритилган нормалар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада самарали ҳимоя қилиш ва амалда таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан биргаликда, сўнгги йилларда судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлар ҳам судьяларнинг мақоми, уларнинг мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш, судьяларнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча бир қатор имкониятларни яратди.

Фазлиддин ЁДГОРОВ,

Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси.

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи моҳият эътиборига кўра, ўзига хос аҳамиятга эга. Эркинлик ҳуқуқи таъминланган инсон ижод қилиши, ўқиши, ишлаши ва бошқа ижтимоий фойдали машғулотлар билан шуғулланиш орқали мамлакатимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Минг афсуски, бу бешафқат ҳаёт бир маромда кечмайди. Баъзида инсон адашади, хатога йўл қўяди, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган вазиятлар ҳам бўлади. Шундай пайтларда, табиийки, унга нисбатан турли ҳуқуқий чоралар кўришга тўғри келади. Аммо, бу жараёнда ҳам инсоннинг кадр-қимматини жойига қўйиш, қонунчиликда белгиланган яшаш, эркин бўлиш ва дахлсизлик ҳуқуқларига риоя этиш муҳим ўрин тутади. Айниқса, жиноий-процессуал ушлаб туриш жараёнида бу қоидаларга риоя этиш долзарб аҳамиятга эга.

Конституциямизнинг 27-моддасида бу борада қуйидагича норма қайд этилган:

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.

Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас.

Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт.

Аввало, юридик нуқтаи назаридан ушлаб туриш институтининг моҳиятига эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ. Ушлаб туриш маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноий фаолият билан шуғулланишга барҳам бериш мақсадида қўлланилади. Шунга кўра, ушлаб туришнинг икки тури мавжуд: маъмурий ушлаб туриш ва жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб туриш. Бундан ташқари, ички ишлар органлари ходимлари шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган кишининг шахсини аниқлаш мақсадида ички ишлар органларига боришини сўрашлари мумкин.

МЖТКнинг 285-моддасига биноан маъмурий йўл билан ушлаб туриш қуйидаги ҳолларда қўлланилади: “бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш мақсадида; шахсни аниқлаш учун; башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойининг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун; ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқирилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўрикдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади”.

Президентимиз Ш. Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқида “Хабеас корпус” институтини ривожлантириш зарур. Яъни, шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас. Агар суд томонидан шахсни ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқа турдаги озодликни чеклаш ҳақида қарор белгиланган муддатда қабул қилинмаса, бундай шахсни дарҳол озод қилиш керак” эканини таъкидлаганди.

Фуқароларимиз бирон бир суриштирув ёки тергов органларига олиб келинганда уларга ҳуқуқлари, шунингдек, ушлаб турилиши асослари, нега давлат органига келтирилгани тушунтирилиши шарт. Бу эса “Хабеас корпус” институти тушунчасини акс эттиради.

“Хабеас корпус”га кўра, қамоққа олинган шахс ёки унинг номидан бошқа бир фуқаро нима сабабдан ҳибсга олинаётгани ёки қамоққа олиш тўғрисидаги ҳужжат бўйича судга муурожаат қилиши ва ҳибсга олиш ёки ушлаб туришнинг қонунийлигини текшириш учун махсус суд қарорини талаб қилиши мумкин. Яъни, гумонланувчи маълум сабаб билан ҳибсга олинганидан сўнг уни ушлаб туришлари қонунийлигини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Суднинг қарори бўлмаган тақдирда шахсни 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкин бўлмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 12-моддасига биноан, жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади. БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9-моддасига кўра, **ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга; ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас; ҳеч ким қонунда белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.**

Шунингдек, халқаро пактнинг 9-моддасининг давомида шундай меъёр бор: *ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақлаб турилиши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқирилиши ҳуқуқига эга, токи суд унинг ушлаб турилиши қанчалик қонуний эканлиги борасида дарҳол қарор чиқара олсин ва агар уни ушлаб туриш ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш бера олсин.*

АҚШ конституциясининг 5 ва 6-қўшимчаларида ҳеч ким жиноий ишларда ўзига ўзи қарши гувоҳлик беришга мажбур қилиниши; ҳеч бир шахс қонуний судда кўрилмай ҳаёти, эркинлиги ёки мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, шунингдек, айбланувчи айбловнинг моҳияти ва асосларидан хабардор бўлиш ҳуқуқига эгаллиги, у ўзига қарши кўрсатув бераётган гувоҳлар билан юзма-юз учрашиши, ўзи томонидан гувоҳларни мажбуран келтириш ёки ўз ҳимояси учун адвокат изматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Мазкур талаб бир қатор давлатлар, хусусан, Испания, Греция, Нидерландия, Хорватия, Словения конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шахсий эркинлик ва дахлсизлик тўғрисидаги юқоридаги конституциявий меъёрлар жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Масалан, унда ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас, деб белгиланган. Шунингдек, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳибсга олинган ҳар бир кишига ҳибсга олиш чоғида унинг ҳибсга олиниши сабаблари айтилиши ва унга қўйилган ҳар қандай айблов дарҳол маълум қилиниши белгиланган бўлиб, шахсни ушлаш вақтидаги унинг ҳуқуқлари тўғрисидаги меъёр мамлакатимиз Жиноят-процессуал кодексида ўз аксини топган. Унга кўра, ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг Жиноят-процессуал кодексида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита аниқласа ёки бошқа гувоҳларнинг сўзларидан аниқлаган тақдирда:

биринчидан, ўзини таништириши ва ушлаб турилган шахснинг талабига кўра ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши;

иккинчидан, гумонланувчига жиноят содир этишда гумонланиб ушланганини маълум қилиши;

учинчидан, ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши;

тўртинчидан, ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши;

бешинчидан, ушлаб турилган шахсдан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт.

Шунингдек, "Миранда қондаси"га (ингл. *Miranda warning*) биноан шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши, айбланувчи айбловнинг моҳияти ва асосларидан хабардор қилиниши, бундан ташқари, сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши, жиноят ишларида ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбур қилинмаслиги, малакали юридик ёрдам таъминланиши талаб этилади.

Кўпчилик тергов органлари томонидан кимдир қўлга олинганида, у нима учун ушлангани айтилмаслигидан, айтилганида ҳам ушлаш сабаблари ва айбноманинг асл маъносини тушунмаслигидан шикоят қилади.

Одатда, ушланган шахс ўз ҳуқуқларини билмаган шароитда тергов органлари томонидан айбига иқрорлик кўрсатмалари беришга мажбурланиши хавфи катта. Айнан процессуал ушлаш вақтида инсон оғир руҳий ҳолатга тушади ва ҳуқуқий ёрдамга, айниқса муҳтождир, чунки у бундай мураккаб вазиятда жиноятда айбдор ёки айбсизлигини исботлаш мажбурияти унга эмас, аксинча, тўлиқ тергов органларига юклатилганлигини англай олмайди.

Муҳими, мазкур қоидага кўра, шахснинг ҳуқуқлари у яхши тушунадиган тилда тушунтирилиши ва бу тил айнан унинг она тили бўлиши шарт бўлмай, шахс одатда мулоқот қиладиган ва яхши тушунадиган тил бўлиши талаб этилади.

Шу нуктаи назаридан, ушбу қоида ушланган шахсга унинг ҳуқуқлари реал таъминланишини кафолатлайди ва унга нисбатан тергов органлари томонидан алдов, нотўғри маълумот бериш ва бошқа ҳар қандай қонунга хилоф усуллар қўлланилишининг олдини олади.

Ушбу қонданинг конституцияга киритилгани шахснинг асоссиз ушланиши, адвокат иштирокисиз ёки ўзига қарши кўрсатма беришга мажбур қилинишининг олдини олади.

Шахс эркинлигини таъминлашнинг кафолатларидан яна бири қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганидир. Шунингдек, ҳуқуқий асоссиз, яъни била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш учун ҳам жиноий жазо белгиланган.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодексида қонуний ушлаб туришнинг мақсади белгиланган бўлиб, унга кўра, ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахснинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.

Ушлаб туриш жиноят иши кўзғатилгунга қадар ҳам, иш кўзғатилгандан кейин ҳам фақат жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан амалга оширилади. Бу эса жиноят-процессуал ушлаб туришнинг асосий мақсади ва унинг моҳияти эркинликни чеклашнинг вақтинчалигидир. Эркинликни қисқа вақтга чеклаш ушланган шахснинг жиноятга ҳақиқатан ҳам алоқадорлиги ёки йўқлигини аниқлаб олиш учун амалга оширилади.

Ушлаб туриш асосларининг қатъий тартибда белгилаб қўйилиши ҳозирги замон қонунчилигида устувор бўлиб, шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларининг яна бир кафолатидир. Шунинг учун жиноят-процессуал қонунчилигининг асосий вазифаларидан бири жиноятни тезлик билан ва тўла очиш ҳамда айбдорларни аниқлаш ҳисобланади. Ушбу вазифа ҳеч қачон шахс ҳуқуқлари ва дахлсизлиги бузилишига олиб келмаслиги керак.

Хулоса сифатида айтидиган бўлсак, ҳуқуқий давлатда энг олий қадрият бу – инсон ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатлари бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклланиши ҳамда фуқаролик жамиятининг ривожланиши ҳам бевосита мана шу олий қадрият билан чамбарчас боғлиқ.

Шундай экан янгиланган Конституциямизнинг нормалари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, кафолатларини кучайтириш гоёси билан янада кўпроқ суғорилгани, бутун давлат фаолиятининг мезонини, қонунчилик фалсафасининг руҳини намоён этади. Бугун янги Ўзбекистонда қарор топаётган "инсон – жамият – давлат" гоёси инсон қадрини улуғлаш сиёсатини ҳам янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Иззатулло ТОЛИБОВ,

юридик фанлар доктори, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси "Жиноят ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Конституциямизда акс эттирилаётган Хабеас корпус акти қандай вужудга келган?", С.Уралов., <https://yuz.uz/news/konstitutsiyamizda-aks-etirilayotgan-habeas-korpus-akti-qanday-vujudga-kelgan>.<https://lex.uz/docs/6445145>
2. "Конституциявий ислохотларимизнинг бош мақсади – инсон қадри, халқ манфаатини амалда таъминлашдир", "Янги Ўзбекистон", № 122 (644), 2022 йил 21 июнь, сешанба <https://yuz.uz/file/newspaper/b4a17b9009c51a254ff6ea6e31963288.pdf>.
3. "Ушлаб туриш жараёнида инсон ҳуқуқлари кафолатланади" А.Абдибоситов., <https://yuz.uz/news/ushlab-turish-jarayonida-inson-huquqlari-kafolatlanadi>.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси., <https://www.lex.uz/acts/97664>.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish., 2023 й. -112б., 16-бет.

ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА СУД ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ихтисослашган давлат таълим ва илмий тадқиқот муассасаси – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши суд-ҳуқуқ ислохотлари самарадорлигини янада оширди. Жумладан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш орқали профессионал ва етук судьялар корпусини шакллантириш янги босқичга кўтарилди.

Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши халқаро экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Хусусан, Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича БМТ махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Судьялар олий кенгаши ташкил этилганини мустақил ва холис судлов тизимини яратиш борасидаги ижобий қадамлар сифатида баҳолаган. Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, элчи Шарлотт Адриан Судьялар олий мактаби томонидан тайёрланаётган бўлажак судьялар билимли ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлашга хизмат қилишига ишонч билдирган.

Шиддат билан ўзгараётган замон ҳар бир тизим олдида янги талабларни қўймоқда. Шундан келиб чиқиб таълим жараёнида эскирган ўқув-услубий ёндашувлардан воз кечилди. Ўқув жараёни билан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш “70 фоиз амалиёт – 30 фоиз назария” тизими асосида ташкил этилди. Шунингдек, касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини егаллашга, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган ёндашувлар асосида дарс машғулотларининг мавзулари шакллантирилди.

Масалан, психологик ҳолатни назорат қилиш кўникмасини шакллантириш учун “Стресс ва стрессни келтириб чиқарувчи ҳолатларни бошқариш”, “Конфликтология”, “Тайм менеджмент: иш жараёнини тўғри ва самарали ташкил этиш” каби дарс машғулотларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ўқув курсининг барча ихтисосликлари бўйича “Суд тизимида манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши курашиш” ҳамда “Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар” каби янги ўқув машғулотлари киритилган.

Таълим жараёни “судьяни судья ўқитади” тамойили асосига қурилгани ўзини тўла оқламоқда дейиш мумкин. Бунда ўқув машғулотларига профессор-ўқитувчилардан ташқари тизимда узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатиб келаётган тажрибали судьялар ҳам жалб қилинган. Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчиларининг аксарияти, яъни 11 нафари (85 фоизи) юридик фанлар бўйича илмий даражага эга, 9 нафари (70 фоизи) узоқ йиллар давомида судьялик лавозимларида фаолият юритган. Бундан ташқари, дарс машғулотларига доимий равишда амалиётчи мутахассислар жалб қилинмоқда.

Судьяликка номзодларни тайёрлашнинг жаҳон стандартларига асосланган бутунлай янги тизими жорий қилингани ҳам ўзининг ижобий натижаларини бераётир. Хусусан, ўтган беш йил давомида Судьялар олий мактабининг судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсида 498 нафар тингловчи тахсил олган. Улардан 445 нафари судьялик лавозимида бўлишнинг биринчи беш йиллик муддатига тайинланган. Эътиборлиси, улар фаолиятининг рейтинг кўрсаткичлари ҳам юқори даражада: рейтингни ўрганилган жами 312 нафар судьяларнинг 224 нафари аъло, 46 нафари яхши, 42 нафари қониқарли баҳоланган.

Судьялар олий мактабига кириш синовлари, шунингдек, тингловчилардан оралиқ ва якуний имтиҳонлар олиш жараёни бўйича тўлиқ шаффоф тизим яратилган. Хусусан, имтиҳон комиссияси таркибига Судьялар олий мактаби

профессор-ўқитувчилари киритилмайди, комиссия Судьялар олий кенгаши томонидан Кенгаш, Олий суд ва Конституциявий суд судьялари, вилоят ва шаҳар судлари раислари, ҳуқуқшунос олимлар, нуфузли таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Судьялар ва суд аппарати ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув дастурлари Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг тавсиялари асосида ишлаб чиқилади. Бу эса суд амалиётида дуч келаётган муайян муаммоларга ечим топиш ҳамда судьяларнинг ўзаро тажриба алмашиш имконини яратади. Жумладан, 2019-2024 йиллар давомида Судьялар олий мактабида жами 1536 нафар судьялар ҳамда 942 нафар суд ходимлари ўз малакаларини оширишди.

Таълим самарадорлиги ўқув адабиётларининг мазмунли ва сифатли бўлишига ҳам бевосита боғлиқ. Сўнгги беш йил давомида Судьялар олий мактаби томонидан жами 10 та дарслик, 10 та ўқув қўлланма, 47 та ўқув-услубий қўлланма, 10 та монография ва 6 та илмий конференция материаллари тўплами чоп этилиб, амалиётда тингловчилар томонидан фойдаланиб келинмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, барча судьялар бир хил мақомга эга бўлиб, суд раислари ва уларнинг ўринбосарлари айни вақтда судья ҳисобланади. Бироқ, раҳбарлик судьялардан билим ва касбий маҳоратдан ташқари ташкилотчилик, бошқарувчилик, истиқболни олдиндан кўра билиш каби кўникмаларга эга бўлишни ҳам талаб этади. Шундан келиб чиқиб, Судьялар олий мактабида раҳбарлик лавозими захирасига қабул қилинган судьялар учун қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш йўлга қўйилган. Мазкур курсларда психология, конфликтология, бошқарув, суд этикаси, нотиклик санъати, судларни моддий-техник таъминлаш бўйича ҳам махсус машғулотлар ўтказиб келинмоқда. Ҳозирга қадар 96 нафар судья мазкур қайта тайёрлаш курсида тахсил олган.

Судьялар олий мактабида таълим жараёнининг амалиёт билан узвийлигини таъминлаш, суд ишларини юритишга оид қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда ягона суд амалиётини жорий қилиш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ҳам самарали фаолият йўлга қўйилган. Сўнгги беш йил давомида 70 дан ортиқ таҳлилий материаллар ва қонунчиликка таклифлар, 30 дан ортиқ Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳаларига таклифлар, 80 дан ортиқ қонун лойиҳаларига хулосалар ишлаб чиқилиб, 30 дан ортиқ Давлат дастурлари ва бошқа норматив ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилган.

Бўлажак судьяларнинг назарий билимларини ошириш ва амалий кўникмаларини шакллантириш, судьялар ва суд ходимларининг мунтазам малакасини ошириб боришнинг янги тизими халқаро стандартларга тўлиқ мос бўлиб, унинг самараси ва ижобий натижаси Судьялар олий мактабининг беш йиллик фаолияти мисолида ўз аксини топмоқда. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини судларда ишончли ҳимоя қилиш, суд ҳокимияти нуфузини ошириш, энг муҳими, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Дилшод Арипов,

Судьялар олий мактаби директори маслаҳатчиси.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА СОДИҚ

Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлиғига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан таълим олишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши билан боғлиқ конституциявий қонданинг янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда мустаҳкамланиши – Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида болалар ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш деб белгиланганидан далолат беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач дастлабки ратификация қилинган халқаро ҳужжатлардан бири – БМТнинг болалар асосий ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциядир. Мамлакатимизда ушбу конвенция 1992 йил 9 декабрь куни, яъни мамлакатимиз Асосий қомуси қабул қилинган куннинг эртасигаёқ ратификация қилинди.

Ушбу конвенциянинг асосий ғояси – боланинг манфаатларини таъминлаш бўлиб, у 4 та асосий талаб: омон қолиш, ривожланиш, ҳимоя қилиш ва жамиятда фаол иштирокни қамраб олади.

Болажон бўлган мамлакатимизда мазкур конвенцияни ратификация қилиш билангина чекланилмади. Ҳозирги кунга қадар “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протокол (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) ва болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протоколи (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) ҳам ратификация қилинди.

Конвенция 54 та моддадан иборат бўлиб, унга биноан, бола мустақил шахс сифатида қабул қилинади. Конвенция болани ўзига хос ҳуқуқларга эга бўлган шахс сифатида тавсифлайди. Кейинчалик, 2008 йилда Ўзбекистон парламенти томонидан “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Бундан ташқари, болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги тегишли қарори билан “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция талабларини ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган болаларнинг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўрин-

босари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими ташкил этилди.

Шунингдек, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришнинг таъсирчан тизимини яратиш учун 2020 йил 29 май куни “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими тугатилиб, Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) институти таъсис этилди.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, юртимизда болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунларнинг ратификация қилиниши, миллий қонун ва қарорларимизнинг қабул қилиниши ва йилдан йилга такомиллаштирилиб, камчиликлари тўлдирилиб борилиши ва яқунда конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилиши бежиз эмас албатта. Чунки, ўз орзу интилишларини рўёбга чиқаришга зарур шароитлар яратилса, хусусан, болаларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун шароит ва унинг ҳуқуқий асоси бўлса, уларда олдинга интилиш, ҳаракат бўлади, келажакда етук шахс бўлиб нафақат ўз оиласига, балки, мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшади. Шундай экан, янги таҳрирдаги Конституциямизда ўз ифодасини топган ушбу меъёрлар шубҳасиз, фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом, ҳур фикрли авлод сифатида камолга етишишига хизмат қилади.

Гулру ЭСАНОВА,

Самарқанд вилоят суди судьяси,

Шахноза МУХАММАТКУЛОВА,

фуқаролик ишлари бўйича Ургут туман судининг судьяси.

ФРАНЦИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДА СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШ ЖАРАЁНИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА СУД НАЗОРАТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Романо-герман ҳуқуқ оиласининг энг илғорларидан бири ҳисобланган Франция жиноят-процессуал қонунчилигида судга қадар иш юритиш амалга ошириш жараёнида суд назорати, уни амалга ошириш механизмлари, одил судловни рўёбга чиқаришга ва шахс ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилувчи нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи аниқ таклифлар баён қилинган.

Калит сўзлар: Романо-герман, суд полицияси, айблов, тергов судьяси, шахс ҳуқуқлари, суд назорати.

Романо-герман ҳуқуқ оиласига кирувчи давлатлар қонунчилиги орасида асосий ўринни Франция қонунчилиги эгаллайди. Уни тадқиқ этмасдан туриб мазкур ҳуқуқ оиласи бошқа вакилларининг қонунчилиги борасида сўз юритиш бир мунча ўринсиздир.

Францияда жиноий таъкиб қилиш функциясининг асосий ижрочилари прокуратура ва суд полицияси ҳисобланади.

Суд полицияси дастлабки терговнинг мустақил органи сифатида тан олинган, чунки у муҳим процессуал аҳамиятга эга бўлган полиция суриштирувини амалга оширади. Суд полициясининг функциялари асосан миллий ва шаҳар полицияси, шунингдек миллий жандармерия томонидан амалга оширилади.

Францияда полиция суриштируви прокурор назорати остидаги полиция комиссарлари, суд полицияси ходимлари ва агентлари томонидан олиб борилади. Баъзи ҳолларда суриштирув дала кўриқчилари, ўрмон кўриқчилари ва бошқалар томонидан ҳам амалга оширилади.

Полиция суриштирувидан фарқли ўлароқ, дастлабки тергов кўпроқ тортишув шаклида амалга оширилади. Француз процессуалистлари дастлабки терговнинг рақобатбардошлигини таъкидлаб унинг қуйидаги хусусиятларини қайд этадилар:

➔ **терговчининг процессуал позицияси (у суд тизимида тегишли) уни прокуратурадан мустақил қилади;**

➔ **айблов томони (прокурор ва полиция) билан ҳимоя нуқтаи назаридан тенг ҳуқуқларга эга;**

➔ **апелляция судида айблов камераси шаклида дастлабки тергов учун иккинчи инстанция мавжуд. Тортишув тамойилига мувофиқ у айбланувчини судга олиб келади ва дастлабки терговнинг қонунийлиги ва асоплилигини кўриб чиқади;**

➔ **полиция фаолияти устидан қатъий суд назорати ўрнатилган ва унинг вазифалари аниқ белгиланган;**

➔ **тергов қилинаётган шахс ҳибсга олинганда процессуал кафолатлар аниқ белгиланган.**

Франция ЖПКнинг 78-1 ва 78-2-моддаларига мувофиқ мамлакат ҳудудида суд полицияси ходимлари ва агентлари томонидан жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни шахсий тинтувдан ўтказиш ва унга нисбатан бошқа мажбурлов чораларини қўллаш тўлиқ суд назоратида ва унинг қарорига асосан амалга оширилади.

Судья иш учун аҳамиятли деб топса, ҳар қандай жойга бориши, бино иншоотларда тинтув ўтказиши мумкин. Бунда судья жой, бино жойлашган ҳудуд прокурорини хабардор қилади, агар прокурор лозим топса, тинтувда иштирок этиши мумкин.

Содир этилган жиноят учун қонунда 2 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланадиган ишлар бўйича тергов судьяси телекоммуникация орқали амалга ошириладиган ёзишмаларни ушлаб туриш ва ёзиб олиш ҳақида қарор чиқариши мумкин. Бунда қарор судья томонидан мустақил

равишда чиқарилади. Ушбу ҳаракат 4 ой давомида амалга оширилиши мумкин. Мазкур ҳаракат якунида тергов судьяси ёки у томонидан тайинланган суд полицияси ходими томонидан баённома расмийлаштирилади.

Парламент аъзолари ёки сенаторларнинг телефон линияларида тўсиқлар бўлиши мумкин эмас, агар ушбу ҳаракатлар амалга оширилган тақдирда ассамблея раисига хабар қилинади. Худди шунингдек, адвокатларнинг телефон қўнғироқлари эшитилганида адвокатлар уюшмаси раҳбари хабардор қилинади.

Ушбу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ЖПКда иммунитет ва дахлсизликка эга шахсларни ушлаш чоғидаги алоҳида тартиблар белгиланган бўлса-да, бироқ уларнинг телефон сўзлашувларини эшитиб туришнинг алоҳида тартиблари белгиланмаганлиги ҳам миллий қонунчилигимизнинг Франция қонунчилигидан фарқли томони ҳисобланади.

Шу билан бирга, шахсни мажбурий келтириш ва уни ҳибсда сақлаб туриш ҳақидаги ордерлар судья томонидан мустақил равишда қабул қилинади. 24 соат ичида сўроқ қилинмаса ушлаб турилган шахс ўзбошимчалик билан ушлаб турилган ҳисобланади. Шахсни ҳибсга олиш, унинг муддатини узайтириш ва лавозимидан четлаштириш фақатгина суднинг қарорига асосан амалга оширилади (137-1-модда).

Бизнинг қонунчилигимизда мажбурий келтириш, ушлаб туриш масалалари суриштирувчи, терговчи томонидан мустақил ҳал этилиб, бунда суд назорати шакллари деярли кўзга ташланмайди.

Франция қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири бу шахс ҳуқуқларини чекловчи процессуал мажбурлов чоралари, тергов ҳаракатларининг турлари, қўллаш асослари, қўлловчилари ва чораларни қўллаш муддатлари аниқ белгиланганлигидир.

Жумладан, Франция қонунчилигига кўра,

– шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ҳуқуқини чекловчи телекоммуникация орқали амалга ошириладиган ёзишмаларни ушлаб туриш ва ёзиб олиш, телефон сўзлашувларини эшитиб туриш;

– турар жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тинтув;

– шахс устида тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилмаслигига бўлган ҳуқуқни чекловчи тиббий кўриқдан ўтиш, даволаниш учун тиббий муассасага жойлаштириш;

– эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини чекловчи муайян белгиланган ҳудудни, яшаш манзилини тарқ этмаслик (агар тергов судьяси лозим топса, қўшимча чекловларни белгилаши мумкин), муайян жойларга бормаслик ёки фақат тергов судьяси томонидан белгиланган жойларга бориш, тергов судьяси томонидан белгиланган чегаралардан ташқарида бўлган ҳар қандай ташрифлар тўғрисида хабардор қилиш, ваколатли органларда вақти-вақти билан ҳозир бўлиш, суд текшируви бориши ҳолатларини сир сақлаш, шахсини тасдиқловчи барча ҳужжатларни судга топшириш, барча турдаги ёки айрим турдаги транспорт воситаларини бошқармаслик ёхуд ҳайдовчилик гувоҳномасини судга топшириш, гаров;

– мулк ҳуқуқини чекловчи мол-мулкни хатлаш, олиб қўйиш (шу жумладан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни), пул маблағларини олишга хизмат қилувчи чекларни судга топшириш, ҳеч қандай қуролини ушлаб турмаслик ёки олиб юрмаслик, тергов судьяси томонидан белгиланган сумма ва муддатда қимматли қоғозларни тақдим этиш, оила ва маиший техник хизматлар учун, субсидия ёки бадаллар учун тўловлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб юриш ва судга тақдим қилиш;

– меҳнат қилиш ҳуқуқини чекловчи айбланувчини лавозимидан четлаштириш, муайян касбий ёки ижтимоий фаолият билан шуғулланмаслик (сайлов ҳуқуқи ва касаба уюшмалари мажбуриятлари бундан мустасно) каби чоралар қўлланилади.

Мазкур давлат қонунчилигидаги эътиборли ҳолат бу шахс ҳуқуқларини чекловчи чораларнинг барчаси суд (тергов судьяси) томонидан қўлланилишидир.

Франция қонунчилигида шахс ҳуқуқларини чекловчи чоралар доирасининг кенглиги, самарадорлиги ва терговчи ролининг бир мунча мустақамлиги билан ажралиб туради.

Шунга қарамадан Франция жиноят-процессуал қонунчилигида прокурор дастлабки тергов давомида катта ваколатларга эга.

Жумладан:

1) дастлабки тергов фақат прокурорнинг талаби (жиноий даъво) мавжуд бўлганда бошланиши мумкин;

2) суд терговчиси иш юритишни шахсан қўзғатиш ҳуқуқига эга эмас, у прокурорнинг даъвоси доирасида ҳаракат қилади. Шу билан бирга, суд терговчиси терговни ўтказишда мустақил, унинг фаолияти прокуратура ҳулосалари билан боғлиқ эмас ва тўпланган далиллар билан чекланмайди. У тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали далилларни ўзи тўплаш ҳуқуқига эга. Терговчи томонларнинг далилларини ҳисобга олган ҳолда энг муҳим процессуал қарорларни, шу жумладан ишнинг йўналиши ва айбланувчига эҳтиёт чораларини қўллаш тўғрисида қарорларни мустақил ўзи қабул қилади.

Шу тариқа, иш юритув давомида шахс ҳуқуқларини таъминлаш тергов судьяси томонидан амалга оширилади.

Тергов судьяси – бу республика Президенти томонидан уч йил муддатга лавозимга тайинланган иккинчи даражали суд (катта инстанция суди) таркибидаги судья ҳисобланади. Тергов судьяси адолат функциясини бажариши керак, бу эса тортишув жараёнида прокуратура ва ҳимоя функцияларидан ажралиб туради. Тергов судьясининг процессуал позицияси прокурордан мустақиллигининг ҳақиқий кафолатларини яратди.

Ушбу соҳада тадқиқот олиб борган В.Лазареванинг фикрига кўра, суд ҳимояси – шахсни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашнинг жаҳон ижтимоий амалиётида ишлаб чиқилган энг самарали механизмидир. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг амалда мавжуд эмаслиги эса шахснинг эркинликлари даражасини чеклайди. Яна бир олим С.А.Шейфер суд назорати процессуал қарорлар қабул қилишда субъективизмга чек қўйиш имконини бериши ва жиноят ишларини юритишда шахс ҳуқуқлари кафолати бўлиб хизмат қилишини таъкидлаган. Бизнинг фикримизча В.Лазарева ва С.А.Шейферларнинг фикрлари ўринли ҳисобланади. Чунки, фақатгина суд назорати шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг ишончли кафолатларини яратиши мумкин.

Судга қадар иш юритуви жараёнида муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишга, мажбурлов чораларини қўллашга ва Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат тергов судьяси томонидан берилади.

Тергов судьяси Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туман ва шаҳар судларининг судьяси ҳисобланади.

Тергов судьяси ваколат муддати давомида прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқишда; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёр-

лашда; дастлабки эшитув ўтказишда, ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқаришда ёки бошқа қарор қабул қилишда; ишни апелляция, кассация ва тафтиш тартибида кўриб чиқишда; ҳукми ижро этиришда иштирок этмайди.

Тергов судьяси қуйидаги материалларни, шу жумладан санкциялар ва мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқади:

а) санкциялар:

қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ илтимоснома;

қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома;

паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома;

мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги илтимоснома;

почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимоснома;

тинтув ўтказиш ҳақида илтимоснома;

телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш ҳақида илтимоснома;

мол-мулкни хатлаш тўғрисида илтимоснома;

б) мажбурлов чоралари:

айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома;

шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги илтимоснома;

айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома;

в) бошқа материаллар:

прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустақамлаш тўғрисидаги илтимосномаси.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Франция жиноят-процессуал қонунчилигидаги шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ айрим механизмларни миллий қонунчиликка тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, шахсларнинг мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмларини яратиш ҳамда узоқ вақт давомида тасарруф этиш имкониятлари чекланишининг олдини олиш мақсадида мол-мулкни хатлаш процессуал ҳаракатини мажбурлов чоралари қаторига қўйиш, уни ўтказишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш, мол-мулкни хатлашнинг амалда давом этиш муддатларини белгилаш, гумон қилинувчи, айбланувчига шахсини тасдиқловчи барча ҳужжатларни ва ўзининг паспортини белгиланган тартибда судга топшириш, барча турдаги ёки айрим турдаги транспорт воситаларини бошқармаслик ёхуд ҳайдовчилик гувоҳномасини судга топшириш, судья томонидан белгиланган шахслар билан кўришиш, учрашиш ва ҳар қандай усулда улар билан алоқа қилмаслик каби мажбурлов чораларини қўллашни миллий қонунчиликка тадбиқ этиш лозим. Бу эса судга қадар иш юритув жараёнида шахс ҳуқуқларини таъминлашда муҳим омил саналади.

Бекзод ҚОБУЛОВ,
ҳуқуқшунос.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Боботов С.В. Правосудие во Франции. М., 1994. С.131–132. УПК Франции имеет сложную структуру, включая в себя собственно закон, подзаконные акты, в том числе ведомственные.
2. Голунко Л. В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. М., 1995. С.20–22.
3. Давид Р. Основные правовые системы современности. М., 1988. С.129.
4. Лазарева В. Теория и практика судебной защиты в уголовном процессе. – Самара: 2000. -С. 21.
5. Решетников Ф. М. Правовые системы стран мира: Справочник. М., 1993. С.218.
6. Уголовно-процессуальный кодекс Франции. Принят 23.12.1958. Вступил в законную силу 02.03.1959 г.
7. Шейфер С.А. Следственные действия. Основания, процессуальный порядок и доказательственное значение. Самара, 2004. с.13

СУДЬЯЛАР МАЪНАВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мустақил Ўзбекистон тараққиётига ҳуқуқий асос бўлган Конституция-миз 32 ёшга тўлмоқда. Ўтган 2023 йил мамлакатимиз ҳуқуқий тараққиётида тарихий — конституциявий ислохотлар йили сифатида муҳрланди. Яъни, Ўзбекистон Конституцияси янги таҳрирда қабул қилинди.

Конституциямизнинг 136-моддасида судьялар мустақиллигининг конституциявий кафолатлари мустаҳкамланган бўлиб, қуйидагича норма қайд этилган: Судьялар мустақилдирлар, фақат Конституция ва қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайди.

Айтиш жоизки, суд ҳокимияти мустақиллиги ва ҳолислигини таъминлаш билан боғлиқ нормалар кўплаб халқаро ҳужжатларда у ёки бу тарзда белгиланган. Аммо, “Суд органларининг мустақиллигига оид асосий принциплар тўғрисида”ги резолюция бугунги кунда суд ва судьяларнинг мустақиллиги қандай таъминланиши керак деган саволга атрофлича жавоб берган муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур шартномага Ўзбекистон 1997 йил 30 августда қўшилиб, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳолислигини таъминлашга қаратилган резолюциядаги асосий нормалар конституция ва “Судлар тўғрисида”ги қонунда ўз ифодаси топган.

Жумладан, резолюциянинг 1-бўлимида қайд этилишича, суд органларининг мустақиллиги давлатлар томонидан кафолатланади ва конституция ёки қонунларда мустаҳкамланади. Барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар суд органларининг мустақиллигини ҳурмат қилиши ва унга риоя қилиши шарт.

Резолюцияда суд органлари фаолиятининг мустақиллиги, судьяларнинг алмаштирилмаслиги, судьянинг дахлсизлиги, фавқулодда судлар тузиш тақиқланиши ҳамда судлов жараёнида томонларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги таъминланиши каби тамойиллар белгиланган.

Юқорида кўриб ўтганимиз судьялар мустақиллигининг қонуний асосларидан бир қисми холос. Қуйида биз судьяларнинг маънавий мустақиллигига эътибор қаратсак, яъни ўз навбатида судьяларимиз ҳам судья одоб ва ахлоқининг умумэтироф этилган қоидаларига амал

қилиши, ҳар қандай вазиятда ҳақиқатпарвар бўлиши, суд ҳокимиятининг нуфузини туширадиган ёки унинг ҳолислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

Чунки, судьянинг одил судлов билан боғлиқ фаолияти, шунингдек хизматдан ташқари ҳолатда жамиятда ўзини тутиши жамоатчиликнинг доимий диққат-эътиборида бўлганлиги боис, агарда судьянинг хатти-ҳаракатида ўзи ёки суднинг нуфузига путур етказадиган ёки унинг ҳолислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган ҳолатлар кузатилса, бу ўз навбатида жамоатчиликнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатади.

Шундай экан судья аввало, ўзида барча инсоний фазилатларни мужассамлаган ҳолда, жамиятда одил судловнинг малакали, мустақил, ҳолис ва адолатли суд томонидан амалга оширилаётганига бўлган ишончини мустаҳкамлашга кўмаклашиши шарт.

Шунингдек, судьялар ўз касбий мустақиллиги йўлида тинимсиз изланишлари керак. Судьянинг фикр эркинлиги унинг мустақиллигига хизмат қилади. Мустақил судья ҳолис ва адолатли қарорлар қабул қилиши учун ўз касбий фаолияти доирасида фикр ва мулоҳазаларини эркин ифода эта олиши керак. Яъни, судьялар доимо ўрганишдан, илмий, маърифий асарларни ўқишдан тўхтаб қолмасликлари лозим.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, судьяларнинг мустақиллиги конституциямизнинг бир қанча моддалари ва бошқа қонунларимиз орқали кафолатланиб қўйилган бироқ, ўз касбий фаолияти туфайли судья адолат, ҳолислик ва мустақиллик тамойилларига риоя қилиш бўйича кўшимча мажбуриятларга ҳам эга. Демак, судья фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланишда суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончини сусайтирмаслиги, унинг мустақиллиги ва ҳолислигини таъминлаш учун муайян чекловлар ва юқори хулқ-атвор стандартларига риоя қилишни талаб қилади.

Гулбахор ШАХАРОВА,

Фориш тумани ФХДЁ бўлими мудираси.

МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АҲОЛИ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада конституциявий мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш ҳамда аҳоли саводхонлигини оширишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуқий одат, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий ҳулқ-атвор.

Мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш учун, аввало, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият деган тушунчаларни теран англашимиз лозим бўлади. Шунинг учун, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлишликни тақозо этади.

Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг муҳим қисми бўлиб, бу инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даражасидир. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар: конституция, қонунлар, кодекслар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий манбалар ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этади.

Ҳуқуқий онг – ижтимоий онг шакли, жамият аъзоларининг мавжуд ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқни тушуниши, ҳуқуқ-тартибот ҳақидаги тасаввурда ўз аксини топади. Ҳуқуқий онг нафақат амалдаги ҳуқуқ, балки унинг тарихи, шунингдек бошқа жамиятлардаги воқеликлари билишни ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқий нормалар, шу жумладан, мурожаатлар соҳасига доир ҳуқуқий қоидалар ўз-ўзидан вужудга келмайди. Улар – ҳуқуқий онг маҳсулидир, ҳуқуқий онгнинг ўзи эса уларнинг гоёвий манбаидир. Ҳуқуқ нормаларининг гоёвий манбаи бўлган ҳуқуқий онгда мавжуд бўлмаган нарсалар ҳуқуқий нормаларда акс этолмайди. Янада аниқроқ айтганда, ҳуқуқий онг – бу шахснинг ҳуқуққа ва уни қўллаш амалиётига муносабати, унинг ҳуқуқий нуқтаи назари ва мақсадларидир.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, мамлакатимизнинг узоқ йиллик истиқболли дастурларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ—60-сон фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ни 20-мақсадида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим ташкилотлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонлигига эришишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 сентябрдаги 588-сон қарори билан тасдиқланган “2024-2025 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг 28-мақсадида: “Маҳалла еттилиги”га қонунчилик ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини оддий ва халқчил тилда мунтазам равишда тизимли етказишни Ягона ҳуқуқий ахборот алмашиш тизимини “Online-mahalla” платформасига интеграция қилиш орқали йўлга қўйиш; 42-мақсадида: давлат органлари ва ташкилотларида давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, коррупцияга қарши курашиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича билимларини кучайтиришга қаратилган: “Ҳуқуқий билимлар ойлиги”; 57-мақсадида: “1008” ишонч телефонида келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиш ва унинг натижасига кўра манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш учун тарғибот материалларини тайёрлаш ва масъул давлат органларига етказган ҳолда, аҳолига қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини етказиш бўйича чоралар кўриш назарда тутилган.

Шуни айтиш ўринлики, фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаоллик кўрсатишлари учун қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда давлат органларининг фаолиятдан яхши хабардор бўлишлари лозим. Бу конституциянинг 30-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим”, деган қоидага мос келади.

Аҳолининг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари назарда тутилган ҳуқуқий нормалардан хабардорлиги ва барча даражадаги идоралар фаолияти билан яқиндан танишиб боришлари ҳуқуқий саводхонлиқнинг юксалишига олиб келади, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг жамият ва давлат ишларида фаол иштирок этишларига хизмат қилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қанчалик чуқур билсалар, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол иштирок этишлари даражаси шунчалик юқори бўлади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ривожланганлик даражаси шу институт субъектларининг ҳуқуқий саводхонлиги билан боғлиқ бўлади. Зеро, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги қанча юқори бўлса, мурожаат қилиш ҳуқуқининг бузилиши шунчалик кам бўлади.

Шунинг учун бу институт муносабатларини ижтимоий воқеликка тадбиқ этишнинг зарур омилларидан бири ҳуқуқий саводхонлиқнинг юксак даражада ривожланишидир. Бу биринчидан, жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширганда ёки қонуний манфаатларини рўёбга чиқарганда; иккинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокида; учинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда қатнашувида намоён бўлади.

Шу нарса аёнки, қонунчилик ҳужжатлари қанчалик мукаммал бўлмасин ёки давлат органлари, ташкилотлар, улар мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишда ўз вазифаларига масъулият билан ёндашмасин фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги юксак даражада бўлмаса мурожаатлар институти ривожланмайди ва бу соҳада ҳеч қачон илгари силжишга эришилмайди.

Мухтасар айтганда, мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасининг ошиши ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда онгли равишда ва билимдонлик билан фаол иштирок этишига хизмат қилади. Зеро, ҳуқуқий саводхонлиқнинг юксак даражада бўлиши чинакам ҳуқуқий давлатнинг ва адолатли фуқаролик жамиятининг ажралмас жиҳатидир.

Содик ЮЛДАШОВ,

Жамоат хавфсизлиги университети профессори, ю.ф.б.ф.д. (PhD),

Шерзод ИКРАМОВ,

Жамоат хавфсизлиги университети камта ўқитувчиси, ю.ф.б.ф.д. (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2002.
2. “Халқ сўзи” газетаси. 2024 йил 1 февраль, № 24.
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Тошкент: “Адолат”, 2009.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 7-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Фармон.–Т.: “Адолат” нашриёти, 2018.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й.
9. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2023 й., 06/23/67/0269-сон.
10. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. Фармон. –Т.: “Адолат” нашриёти, 2022.
11. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.09.2024 й., 09/24/588/0732-сон.

ҚАНДАЙ ИШЛАР ОЧИҚ, ҚАЙСИЛАРИ ЁПИҚ СУД МАЖЛИСИДА КЎРИЛАДИ?!

Бугун ахборот нафақат ҳар бир инсоннинг балки, давлат органлари ёки умуман жамият ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланиб улгурди. Шу соҳа мутахассисларининг таъбири билан айтганда, “ахборот оқими ҳеч кимсани – на оддий одамларни, на жамиятни ва на давлатларни ҳоли-жонига қўймайдиган кўзга кўринмас юҳога айланди.”

Конституциямизнинг 137-моддасида судларда ишлар очик кўрилиши қайд этилган. Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Шундай экан судья ёки суд органлари фаолиятини, шунингдек суд процессларини профессионал даражада (фақат қонун талаблари асосида) ёритишда судья қонунчиликда белгиланган тартибга қатъий амал қилиши ва қонунчилик талаблари асосида журналистларга қўмак бериши лозим. Ўз ўрнида суд процессларини ёритиш мақсадида иштирок этаётган журналист ва блогерларнинг ҳуқуқий маданияти тўғрисидаги масалани ҳам судья унутмаслиги керак.

Конституциямизнинг 28-моддасига асосан, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний қучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади”.

Қонунчиликда оммавий ахборот воситалари ҳам ўзининг эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ норма қуйидагича акс эттирилган:

“муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний қучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади”.

Суд процессларининг ошкоралигини, шу билан биргаликда суд органлари, судьялар фаолиятига доир ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи қонуний амалга оширилишини, шунингдек, судлар томонидан ушбу муҳим масалага оид қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида 2020 йил 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарори қабул қилинган. Унда ҳар битта суднинг ўзига хос хусусиятлари инobatта олинган ҳолда суд процессларини ёритиш бўйича алоҳида-алоҳида тартиб-қоидалар белгиланган.

Масалан, очик суд мажлисини фототасвирга тушириш, видеоёзувни амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида трансляция қилишга қуйидаги тартибда йўл қўйилади:

фуқаролик ишини кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати билан;

жиноят, маъмурий, иқтисодий ишни ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан.

Очик суд мажлисида аудиоёзувни амалга оширишга қуйидаги тартибда йўл қўйилади:

фуқаролик ишини кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати билан;

жиноят иши ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида - суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан.

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ҳар қандай иш бўйича эркин тарзда ёзма қайдлар қилишлари, стенограмма юриштишлари, иқтисодий иш ёки маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан иш кўрилаётганда эса шунингдек, аудиоёзув олиб боришлари мумкин.

Процесс иштирокчилари илтимосномаларини, оммавий ахборот воситалари вакиллари муносабатларини қаноатлантириш ёки рад этиш

ҳақида суд жойида ажрим чиқаради ва суд мажлиси баённомасига киритади.

Суд оммавий ахборот воситалари вакиллари тарқатилаётган ахборотнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги, ҳолислиги ва ишончилиги учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиради ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида ёзиб қўйилади.

Энди қандай ҳолатларда суд ишлари ёпиқ тарзда кўрилишига эътибор қаратсак. Жиноят процессуал кодексининг (ЖПК) 19-моддасида суд раиси ишни ёпиқ кўришда қайси процессуал ҳаракатларни амалга ошириши кераклиги тушунтирилган. Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Бу ҳақда ажрим чиқарилади. Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими буткул муҳокамага нисбатан ёки унинг алоҳида қисмларига нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисига йиғилганларга тааллуқли бўлиб, жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Яъни, суд иши ёпиқ кўрилишига маълум талаблар қўйилган. Мазкур талаблар бажарилгач, суд иш ёпиқ кўрилиши бўйича ажрим чиқаради, унда сабаблари кўрсатилади ва бу фақатгина суд мажлисига йиғилганларга татбиқ этилади.

Процесс иштирокчилари судга илтимоснома киритиши натижа-сида (асослантирилган), одатда жинсий эркинликка қарши жиноятлар (номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, бесоқолбозлик, аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), фарзандликка олиш билан боғлиқ ишлар, давлат сирин билан боғлиқ ва бошқа ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилади.

ЖПКнинг 19-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг ҳафсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишларни суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилиши айтилган.

Мазкур кодексда барча судларда жиноят ишлари ошкора кўрилиши, бундан давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилаётган ҳоллар мустаснолиги белгиланган.

Толиб ТИЛАВОВ,

жиноят ишлари бўйича

Сариосиё тумани суди судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни., <https://lex.uz/docs/1106870>.
2. “Суд муҳокамаси ошкоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори., <https://lex.uz/docs/4751577>.
3. Хуршид Дўстмуҳаммад., “Ахборот мўъжиза, жозиба, фалсафа”, Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 320 б., 10-бет
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси., Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish” 2023., 17-бет.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан сўроқ қилиш ва юзлаштириш тартиби ҳақида сўз юритилиб, унда алоҳида аҳамият бериладиган ҳолатлар ҳақида фикр билдирилган.

Калит сўзлар: давлат хариди, тергов ҳаракати, сўроқ қилиш, юзлаштириш, гувоҳни, гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан гувоҳ ва жабрланувчи (фуқаровий давогар) умумий тартибда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96-108, 114-121-моддалари тартибда сўроқ қилинади. Жиноят иши мураккаб ва кўп эпизодли бўлса жиноят ишини қўзғатиш билан бирга тергов гуруҳи тузилиб, ҳар бир гуруҳ аъзоси иш йўналиши ва вазифаларини тўғри тақсимлаб олиши иш самардорлиги ҳамда ижобий натижага эришишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Агар жиноят иши юзасидан гувоҳлар сони кўп бўлса, улар бериши мумкин бўлган маълумотлар, ишнинг эпизодларига кўра қайси бири биринчи навбатда, қайси бирлари кейинги навбатда сўроқ қилиниши белгилаб олинади.

Сўроқ қилиш – далил тўплашнинг жиноят ишини юритишда энг кенг тарқалган тергов ҳаракати бўлиб, бир шахсдан яъни, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчидан оғзаки маълумотларни олиш ва мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилади. Жиноят билан боғлиқ ҳолатларни билиб олиш, аниқлаш маълум тайёргарликни, унга жиддий тайёрланишни, шунингдек унинг ўзига хос хусусиятларини, айбланувчининг шахсини пухта ўрганишни талаб этади. Айбланувчининг шахсини ўрганишда унинг маънавий томони, турмушдаги ўрни, юриш-туриши батафсил ўрганилиши керак. Шу сабабли терговчи сўроқ ҳаракатини ўтказишдан олдин иш ҳужжатларини пухта ўрганиб, сўроқ қилинувчига бериладиган саволлар, сўроқ қилиш кетма-кетлигини белгилаб олган ҳолда сўроқ қилинувчи ишнинг қайси томонларини очиб бериши мумкинлигига қараб, сўроқ-тергов ҳаракатига пухта тайёргарлик кўриши керак.

Бу тоифадаги жиноят ишлари бўйича гувоҳлар ҳар хил шахслар бўлиши мумкин. Бу гувоҳларни сўроқ қилишдан олдин улар билан психологик алоқа ўрнатиб, иш юзасидан тўғри кўрсатма бериш қонуний ва маънавий бурчи эканлигини, тўғри кўрсатма берса, айбдор шахслар томонидан унга нисбатан таъсирлар ўтказилмаслиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан унинг хавфсизлигини таъминлаш учун барча чоралар кўрилиши, жиноят ишининг материаллари ошкор қилинмаслиги, улар адвокат олиш ҳуқуқига эга эканлигини билдириб, барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш керак бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-515-сонли қонунига асосан гувоҳ, жабрланувчи ва бошқа иштирокчиларни ҳимоя қилиш учун хавфсизлик чоралари қўлланиши, зарур ҳолларда шахсига оид маълумотлар жиноят ишининг бошқа иштирокчиларига ошкор қилинмаслиги таъминланади.

Сўроқ қилишни тўлиқ ва кетма-кетликда амалга ошириш керак бўлади, чунки сўроқ орқали айбдор шахсларнинг

доираси, уларнинг жиноят содир этиш механизм ва усуллари-ни аниқлаб олиш мумкин.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатларни аниқлаштириш керак:

— уларни давлат харидлари жараёнида иштирок этишдан кимлар асосиз четлаштирган ва бунинг сабаблари нималардан иборат?

— уларни давлат харидларида иштирок этишдан челаштириш ҳисобига кимлар ҳолиб деб топилган ва уларнинг манфаатдор шахсларга алоқадорлиги мавжудми?

— давлат харидларида ҳолиб деб топилган шахсларни (хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектини) давлат харидларини амалга оширувчи буюртмачиларга, давлат харидлари оператори ёки экспертлик ташкилотига қариндошлиги, алоқадорлиги ва яқинлиги мавжудми?

— давлат харидларини амалга оширишга манфаатлар туқнашувига йўл қўйилганми?

— давлат харидларининг буюртмачиси мулк етказиб берувчининг бенефициар мулкдори (бенефициар мулкдор – мулк ҳуқуқларига эгалик қиладиган ёки товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчини амалда назорат қиладиган жисмоний шахс) ҳисобланадими?

— давлат харидларининг иштирокчилари харид қилиш тартиб-тамойиллари иштирокчисининг аффилиланган шахси (харид қилиш тартиб-тамойиллари иштирокчисининг аффилиланган шахси – қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва (ёки) харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатадиган, шу жумладан ёзма келишув асосида таъсир кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисига нисбатан шундай ҳуқуққа эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс) ҳисобланадими?

— кам миқдорда (ҳажмда) ва сифатсиз етказилган (бажарилган) товарлар (ишлар, хизматлар)ни кимлар етказиб берган, етказиб бериш шарт-шароити ҳақидаги маълумотлар;

— давлат харидлари электрон равишда биржа орқали амалга оширилган бўлса, қачон ва ким томонидан савдога қўйилган, савдога қўйишда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг техник тавсифи ва улар ҳақида аниқ маълумотлар қайд этилганми, давлат харидларининг айнан қайси турлари орқали амалга оширилган?

— Биржа савдоларида бошқа иштирокчиларнинг иштирок этишига чеклов ва тўсиқлар бўлганми, биржа савдолари қонуний амалга оширилганми? Шу каби иш тафсилотидан келиб чиқиб саволлар қўйилади.

Давлат харидлари кўпчилик ҳолларда электрон равишда амалга ошириладигани сабабли жиноятчилар томонидан янги

кўринишда электрон техникалар орқали жиноятлар содир этилаётгани гувоҳларнинг кўрсатмалари орқали аниқланиб қўшимча текшириш учун тезкор бўлинмаларга топшириқлар бериш мумкин. Бу тоифадаги гувоҳларни сўроқ қилишда терговчи ўзини димоғдор тутмасдан, гувоҳнинг ўзини эркин тутиши ва самимий кўрсатма беришига шароит яратиши керак.

Тафтишни ўтказган ёки текширувга жалб қилинган мутахассисларни сўроқ қилишда уларнинг функционал вазифа мажбуриятлари, иш юзасидан қандай текширувларни амалга оширганликлари, текширувда “Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги қонун, “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини бузиш ҳолатлари аниқланганлиги, қонун ҳужжатларининг бузилиши натижасида давлат манфаатларига зарар етказилганлиги, зарар қайси мансабдор шахслар томонидан етказилганлигини аниқлаш зарур. Шуни қайд этиш керакки, сўроқ давомида тафтиш ва текширувни ўтказган шахс тафтиш қарориди кўрсатилган фаолиятга кирмайдиган, бошқа фаолиятни текширмаганига аниқлик киритиш зарур бўлади. Чунки, мутахассислар тафтиш доирасига кирмайдиган ҳолатларни текширган бўлса бундай ҳужжатлар келгусида номақбул деб топилишига олиб келиши мумкин.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан гумон қилинувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилишда сўроқ қилинувчи мансабдор шахслар корхоналарнинг раҳбарлари, ҳисобчилари, таъминотчилари, омбор мудирлари, биржа ходими ёки оператори, тадбиркорлик субъекти ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари бўлгани сабабли сўроқ қилишга пухта тайёргарлик кўриш керак. Ушбу тоифадаги шахслар мансабдор шахслар бўлгани, ҳуқуқий ва ўзининг соҳасида билими юқори бўлиши мумкинлиги сабабли сўроқ давомида ўзларига енгилликлар бериш ёки жавобгарликдан қутилиш мақсадида ҳар хил важларни келтиришади. Шу сабабли сўроқ қилинувчи кейинги саволларга қандай важлар келтиришини олдиндан ўйлаб, ушбу важларини инкор қилувчи саволларни ва далилларни келтириш зарур бўлади.

Гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилиш чоғида улар кўрсатма бермаслик ҳуқуқига эга эканлигини инобатга олиш керак. Агар улар кўрсатмалар беришса, берган ҳар бир кўрсатмаларини бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш йўли билан текшириб кўриш тақозо этилади. Хусусан, бошқа гумон қилинувчи ҳамда айбланувчиларнинг кўрсатмалари ва тўпланган ҳужжатлар билан гувоҳларнинг кўрсатмалари тасдиқланаётганига эътибор қаратилади. Мансабдор шахсларни сўроқ қилишдан олдин уларнинг фаолиятини тартибга солиш қонун ва қонун ости ҳужжатлари, корхоналарнинг йўриқномалари, тузилган шартномалар, функционал (лавозим) вазифа ва мажбуриятларини ўрганиб чиқиб, унинг жавобгарлигини ва масъулигини белгилловчи мажбуриятларини қўллаган ҳолда сўроқ давомида берилиши лозим бўлган саволномаларни тузиш лозим. Агар зарурат тақозо этса, сўроқ қилинувчининг ишлаган соҳасига қараб, ушбу соҳани чуқур билувчи мутахассисни жалб қилиб, сўроқ қилишдан олдин соҳага оид қўшимча маълумотлар олиниб ва сўроқ қилинувчига берилиши мумкин бўлган саволнома қўшимча тузиб олинади.

Сўроқ қилиш тергов вазиятига қараб ҳар бир эпизодлар юзасидан алоҳида-алоҳида ўтказилиши мумкин. Гумон қили-

нувчи ва айбланувчининг шахсини ва феъл-атворини ўрганиб, ундан келиб чиқиб сўроқни ташкиллаштириш мақбул ҳисобланади. Баъзида сўроқ қилинувчининг феъл-атвори ва шахсини ўрганиш учун тезкор бўлинмаларга топшириқ берган ҳолда уларни ҳамкорликка жалб қилиб, сўроқ қилинувчининг иш ва яшаш жойидан шахсини ўрганиб олиш лозим бўлади. Агар сўроқ қилинадиган гумон қилинувчи, айбланувчи юқори лавозимдаги масабдор шахс бўлса, уни тажрибали терговчи томонидан сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ ва шунда сўроқ қилинувчи билан психологик алоқага киришиш осон кечади.

Сўроқ қилиш, аввало, давлат харидлари соҳасидаги жиноятларнинг содир этилиш механизми, шарт-шароити, жиноят содир этган шахслар доираси, талон-тарож қилинган пул маблағлари ва мол-мулкларни аниқлашга қаратилиши лозим.

Сўроқ қилишда жиноятни содир этиш босқичлари: жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноятни содир этган шахслар вазифаларининг тақсимлини, шартномаларни тузиш, товарлар, ишлар ва хизматларни бажариш вақтидаги суиистеъмоллик ва талон-тарож қилиш, сифатсиз, қиммат нархда ёки кам миқдорда ўтказилган товарлар, ишлар ва хизматнинг ўрнатилиши, пул маблағларини ўзлаштириш механизми, жиноят фош бўлишининг олдини олиш мақсадида ҳужжатларни сохталаштириш жараёнларини аниқлаш зарур.

Жиноят иши бўйича бир неча гумон қилинувчилар бўлса, уларни сўроқ қилишдан олдин содир этган қилмишдаги даражаси ва роли ҳамда уларнинг феъл-атвори ўрганилиб, сўроқ қилиш кетма-кетлиги белгилаб олинади. Гумон қилинувчиларга ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси қўлланилмаган бўлса, улар иш ҳолатларини ва терговчи уларга бераётган саволларини ўрганиб ўзаро келишган ҳолда терговни чалғитиш мақсадида бир хилда кўрсатмалар беришининг олдини олиш мақсадида уларни бир-бирларини кўрмаган ҳолда, бир вақтнинг ўзида терговга чақириб тергов гуруҳи таркибида сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ. Тергов гуруҳи раҳбари бўлган терговчи ҳар бир гумон қилинувчи ва гувоҳлар берган кўрсатмаларидан келиб ёлғон кўрсатма бераётган гумон қилинувчиларга қўшимча саволларни қўйиши мумкин. Гумон қилинувчиларга тўғри кўрсатма берса ва жиноят иши доирасида давлат манфаатларига етказилган зарарни қоплаб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган тақдирда Жиноят кодексига рағбатлантирувчи нормалар ва айблов хулосасини тузиш вақтида жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар қўлланилиши тушунтирилиши керак.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар мансабдорлик жиноятлари туркумига кириши ва ушбу жиноятларни содир этиш вақтида кўплаб ёлғон маълумотлар киритилган ва бошқа ҳужжатлар тузилиши мумкинлиги сабабли сўроқ қилинувчи ҳолатларни эслай олмаса уларга ўзлари тузган, танишган ёки имзолаган ҳужжатлари эслаб олишлари учун тақдим этилиши мумкин.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятни содир этгани учун ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи, айбланувчи тергов ҳибсхонасидан айбини бўйнига олиш тўғрисидаги ариза (пушаймонлик хати, иқдорлик аризаси) билан мурожаат этса, терговчи ушбу ариза юзасидан гумон қилинувчи, айбланувчини тўлиқ сўроқ қилиши керак. Сўроқ вақтида айбини бўйнига олиш тўғрисидаги аризани ўз ихтиёри билан ёзгани, унга

нисбатан ариза ёзиш юзасидан тазйиқ ўтказилган-ўтказилмаганини аниқлаштириб олиш лозим бўлади. Агар бирор-бир кўринишда тазйиқ ўтказилган бўлса мажбурий равишда хизмат текшируви ва тегишли экспертизаларни ўтказиб, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ушбу кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериш зарур.

Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина айбланиш учун асос қилиб олиниши мумкин. Бошқача айтганда, айбланувчининг айбига иқдор бўлиши “далиллар маликаси” сифатида тан олинган ўтмиш сабоқлари инobatта олиниши лозим.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан юзлаштириш ўтказишнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 122-моддасига кўра юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда бу қарама-қаршиликларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказилади.

Юзлаштириш ЖПКда белгиланган умумий қоидаларга кўра амалга оширилиб, ушбу тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин терговчи юзлаштирилувчиларнинг олдиндан бир-бирлари билан кўришиб, гаплашиб олмаслиги, юзлаштириш вақтида имо-ишора ва бошқа белгилар билан кўрсатувларини ўзгартирмасликлари чораларини кўриши керак.

Агар юзлаштириш давлат харидлари буюртмаси корхона раҳбари ва унинг қўл остида ишлаган ходими ўртасида ўтказиладиган бўлса, юзлаштириш вақтида раҳбарнинг ходимига босим қилиш эҳтимоли мавжудлиги, ходимнинг раҳбарига нисбатан ҳурмат, андиша, қўрқув ёки ҳаяжонланиш оқибатида кўрсатувларини ўзгартариши эҳтимоли юқори бўлгани сабабли уларнинг бир-бирларидан имкон қадар узоқроқда ўтиришларини таъминлаб, агар вазият тақозо этса ходимга босим бўлишининг олдини олиш учун раҳбарига қарама-қарши эмас, балки ён томонидан ўтиришини таъминлаб, видеотасвирни қўллаган ҳолда юзлаштирган афзал.

Юзлаштириш давлат харидлари буюртмачиси ва товарлар, ишлар ва хизматларни бажарувчи корхона вакиллари ўртасида ўтказилаётган бўлса, юзлаштиришда шартнома қай тартибда тузилганлиги, шартнома юзасидан давлат харидларини амалга оширишда қонун бузилиш ҳолатлари кимнинг ташаббуси билан содир этилганлиги, давлат харидларини амалга ошириш чоғида ёки шартнома тузиш вақтида пул ёки моддий қимматликлар берилган-берилмагани ҳолатларига аниқлик киритилиб, кўрсатувлардаги зиддиятлар бартараф этилади. Юзлаштириш вақтида терговчи жиноят ишида тўпланган ҳужжатлардан келиб чиқиб ҳақиқатни гапираётган сўроқ қилинувчига биринчи навбатда эркин сўзлаб беришни таклиф этади ва навбатма-навбат зиддиятли ҳолатлар юзасидан савол-жавоб ўтказилади.

Юзлаштириш вақтида томонлар ўзларининг олдинги кўрсатувларини ўзгартирмаса, қарама-қаршилик ва зиддият бартараф этилмаса терговчи иш ҳужжатларида тўпланган далиллардан келиб чиқиб томонларнинг кўрсатувларига баҳо беради.

Юзлаштириш давлат харидларини амалга оширишда қонун ҳужжатларини бузиб, зарар етказган гумон қилинувчи ва кам миқдорда ҳамда қиммат нархда товарлар етказиб берилгани, кам ҳажмда, сифатсиз ишлар ва хизматлар бажарилганини кўрган ёки бунинг натижасида жабрланган гувоҳлар ўртасида ҳам ўтказилиши мумкин. Шунда гувоҳлардан уларнинг кўрсатмаларини тасдиқловчи бошқа гувоҳлар бор ёки йўқлигига ҳам ойдинлик киритиб, давлат харидлари соҳасидаги жиноятни кимлар содир этгани, уларнинг товарлар, ишлар ва хизматлар юзасидан шартнома тузишларига кимлар кўмаклашгани, товарлар, ишлар ва хизматлар нархи тўғрилиги юзасидан қайси экспертлик ташкилоти томонидан хулоса берилгани, нотўғри хулоса бериш эвазига эксперт манфаатдор қилинган-қилинмагани, товарлар савдосини амалга оширишда биржада тил бириктириш ҳолатлари содир этилган-этилмагани юзасидан батафсил кўрсатувларидаги қарама-қаршилик юзасидан юзлаштирилади.

Гумон қилинувчилар жиноий фаолиятдан топган даромадлари ҳисобига кўчмас мулк, транспорт воситалари ва бошқа мулкларни қўлга киритиб ушбу мулкларини бошқа шахсларнинг номига расмийлаштирган ёки тасарруфидида сақлаётган бўлиши мумкин. Улар мол-мулклари давлат фойдасига ўтиб кетишининг олдини олиш мақсадида мол-мулклар унга тегишли эмаслигини таъкидлашади. Бундай ҳолларда ушбу мол-мулк бошқа шахс номига расмийлаштирилган бўлса уни қурган қурувчилар, архитектура чизмасини чизган лойиҳачилар, таъмирлаш ишларини олиб борган усталар, ушбу уйга хизмат кўрсатган шахсларни аниқлаб, сўроқ қилиб сўнг кўрсатувлардаги қарама-қаршилик юзасидан юзлаштириш ўтказилади. Бир шахс билан юзлаштирилувчи шахслар сони кўп бўлса, дастлаб кам аҳамиятли кўрсатув берган шахсларни юзлаштириб кейинроқ асосий гувоҳлар билан юзлаштириш самарали ҳисобланади. Чунки, бу ёлғон кўрсатув бериб турган юзлаштирувчининг руҳиятига таъсир қилиб, тўғри кўрсатув беришига олиб келиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни билдириш мумкинки, сўроқ қилиш ва юзлаштириш натижалари давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ва келгуси тергов ҳаракатлари кетма-кетлигини тўғри белгилаб олишга ёрдам беради.

Хуршид САФАРОВ,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Ш.Умархонов Одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий чоралари. Юрид фан. ном. дис. автореф. –Т. 2004 й. 23 б.
2. Д.Миразов Далилларни тўплаш усуллари. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Дарслик. У.А.Тухташева бошқа муаллифлар жамоаси. Тошкент давлат юридик университети. –Т. 66-б.
3. Жиноят процесси. Б.А.Миренский, А.Х.Раҳмонкулов ва бошқаларнинг умумий таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. –Т. 2004 й. 132-б.
4. Криминалистика тактикаси. Р.Алимова ва бошқалар муаллифлигида. –Т. 2000 й. 62-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-515-сонли Қонуни. Қонун ҳужжатлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон., Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 02683/0375-сон

ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси хусусий ҳуқуқнинг қадимий институтларидан ҳисобланиб, қадимги рим ҳуқуқида хизмат кўрсатиш жараёнида кенг қўлланилган ҳамда батафсил ишлаб чиқилган шартнома конструкциялари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Фуқаролик муомаласининг ўзига хос қисми сифатида муайян шартномадан келиб чиқадиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳодисаси XVIII-XIX-асрларда шахсан ёлланган институтининг ривожланишида муҳим рол ўйнаган.

НКВДнинг 1917 йил 28 октябрдаги “Ишчи милиция тўғрисида”ги қарори милиция ташкилий фаолиятининг йўлга қўйилишида муҳим ўрин тутди ва унинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди. Шу муносабат билан, янги ташкил топган давлатнинг социалистик мулкни ҳимоя қилиш аниқроқ кўринишга эга бўлди.

1920 йил 3 мартда РСФСРда фуқаролар уруши шароитида стратегик аҳамиятга эга бўлган саноат объектларини, маҳсулот ва хом ашё захираларини (нефт, дон ва ҳ.к.) қуролли ҳимоя қилиш учун давлат бюджетидан молиялаштириладиган саноат милицияси бўлинмалари ташкил этилди. Ушбу бўлинмаларда хизмат қилувчилар сони бир йил ичида ўн беш минг кишига етди.

1922 йилда қўриқлаш институти янада ривожланди. Шу йили 24 майда ВСИК ва СНК НКВД тўғрисидаги Низомни қабул қилди ва унда милициянинг ташкилий тузилиши ҳамда структураси тасдиқланди. Ушбу Низомнинг битта бандида милициянинг вазифаларидан бири умумдавлат ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган фуқаролик муассасалари ва иншоотлари (телеграф, телефон, почта, сув таъминоти, шунингдек ўрмонлар, давлат питомниклари, ёқилғи, хом ашё, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари омборлари ва бошқалар)ни қўриқлаш эканлиги белгиланди.

1924 йилда милиция соҳасидаги ислохотлар давом эттирилиб идоравий милиция ташкил этилди, уни моддий жиҳатдан таъминлаш эса “улар томонидан қўриқланадиган корхоналар ҳисобидан амалга оширилди, чунки ижроия қўмиталарида ушбу милицияни сақлаб туриш учун маблағ йўқ эди”. Идоравий милициянинг ўзини ўзи молиялаштириш фаолияти РСФСРнинг 1924 йил 6 февралдаги “Идоравий милиция тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солина бошланди.

Идоравий бўлмаган қўриқлаш хизмати ривожланишининг кейинги босқичи СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши томонидан 1931 йил 25 майда қабул қилинган “Ишчи-деҳқонлар милицияси тўғрисида”ги Низомнинг қабул қилиниши бўлди. Ушбу милициянинг вазифаларига давлат ва жамоат мулкни ҳимоя қилиш, фуқаролар ва уларнинг мол-мулк хавфсизлигини таъминлаш ҳам киритилган эди.

Ўша даврда СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳузуридаги милиция ва жиноят қидирув бош бошқармаси идоравий милициянинг алоҳида мол-мулк объектларини қўриқлаши бўйича биринчи намунавий (типовой) шартномани ишлаб чиқди, қўриқлаш хизматидан тушадиган даромадлар маҳаллий бюджетга эмас, балки СССР НКВДнинг вилоят, ўлка ва республика милиция ва жиноят қидирув бошқармаларининг мақсадли маблағлари сифатида идоравий милициянинг бўлинмаларини сақлаш учун йўналтирилган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда, шунингдек, Улуғ Ватан уруши даврида мудофаа корхоналарини ҳимоя қилишни кучайтириш зарурати туғилди ва шунинг учун давлат мулкни ҳимоя қилиш СССР НКВДнинг барча бўлинмаларига топширилди. 1946 йилда НКВД Ички ишлар вазирлиги деб ўзгартирилди, Халқ Комиссарликлари вазирликларга айлантирилди ва қўриқлаш функцияси Давлат хавфсизлик вазирлигига ўтказилди.

СССР Министрлар Советининг 1952 йил 29 октябрдаги “Вазирликлар ва идораларнинг иқтисодий объектларини ҳимоя қилишни ташкил

этишни такомиллаштириш чоралари ва қўриқлашдан озод қилинган ходимлардан саноат, қурилиш ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланиш тўғрисида”ги 4633-1835-сонли қарори билан ИИВ органлари ҳузурида ноидоравий ташқи қоровуллик қўриқлаш хизмати (НТҚҚХ) ташкил этилди.

СССР Министрлар Советининг 1959 йил 24 январдаги “Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни қўриқлашни тартибга солиш тўғрисида”ги 93-42-сонли қарори билан идоравий қўриқлашнинг икки тури белгиланди: ҳарбийлаштирилган қўриқлаш (ВОХР) ва қоровуллик қўриқлаш – объектни, қоида тариқасида, қуролсиз қоровуллар (фуқаровий шахслар) томонидан қўриқлаш.

Ноидоравий қўриқлаш фаолияти маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларининг кейинги ривожланиши қўриқлаш фаолиятига техник воситаларнинг жорий қилиниши билан боғлиқ бўлиб, 1961 йилга келиб қўриқланадиган объектларнинг тахминан 6 фоизига қўриқлаш сигнализациялари ўрнатилди.

Шу муносабат билан, СССР Министрлар Советининг 1962 йил 18 майдаги “Идоравий қўриқлаш, қоровуллик қўриқлаш ва ноидоравий қўриқлаш хизматлари томонидан қўриқланадиган объектларда СваКТВни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 670-сонли қарори билан техник қўриқлаш воситалари (хавфсизлик, ёнғин сигнализация тизимлари)ни жорий қилиш, объектларни марказлашган ҳолда қўриқлашни ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Бироқ, қўрилган чоралар жиноятчиликка қарши курашда вазиятни тубдан ўзгартира олмади ва 1965 йилда СССР Министрлар Советининг 1965 йил 8 февралдаги 76-30-сонли қарори билан ноидоравий қўриқлаш хизматида истеъмолчилар кооперацияси объектларида ва қишлоқ жойлардаги бошқа ташкилотларда қўриқлаш ҳолатини текшириш топширилди, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги ноидоравий қўриқлаш тузилмасидан чиқариб ташланди.

Кейинги босқичда, СССР Министрлар Советининг 1966 йил февраль ойидаги 129-сонли қарори билан “Ички ишлар органлари ҳузуридаги ноидоравий қўриқлаш тўғрисидаги намунавий Низом” тасдиқланди. Унга кўра, ноидоравий қўриқлаш бошқармаси тузилди ва хизмат ниҳоят мустақил бўлинма сифатида расмийлаштирилди. 1967 йилдан бошлаб қўриқланиши лозим бўлган барча объектларда милиция қўриқлови жорий этилди.

1969 йилдан бошлаб фуқароларнинг квартираларини ҳам шартнома асосида марказлаштирилган қўриқловга қабул қилиш бошланди. Ноидоравий қўриқлаш таркибида тунги милиция бўлинмалари тузилиб, уларнинг вазифаларига кейинчалик СССР Давлат банки муассасаларини, фаолияти хавфли манбаларни эксплуатация қилиш ёки аҳолининг ҳаётий фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ объектларни қўриқлаш киритилди.

Қўриқлаш соҳасининг ривожланиши йўлидаги энг муҳим босқич – бу СССР Министрлар Советининг 1989 йил 25 январдаги “СССР Ички ишлар вазирлигининг ташкилий тузилиши тўғрисида”ги 86-26-сонли Қарорининг қабул қилиниши бўлди. Унга кўра, ноидоравий қўриқлаш

бош бошқармаси Бутуниттифоқ "қўриқлаш" уюшмаси сифатида қайта ташкил этилди ва 1991 йилга қадар фаолият юритди.

Мустақиллик даврида қўриқлаш хизматининг ривожланиши ва тарққий этиши бевосита республикада мулкчиликка бўлган муносабатнинг ўзгариб бориши билан ҳамоҳанг кечди. Шу билан бир қаторда кейинги йилларда терроризм балосининг жаҳон бўйлаб авж олиши, хусусан Ватанимизда ҳам тинч аҳолига нисбатан бир-неча ёвуз, ғайриинсоний тажовузларнинг амалга оширилиши хизматнинг ўз фаолиятини такомиллаштиришга ва юзага келган вазиятга мослашишга ундади. Шу даврдан хизматда амалга оширилган туб ўзгаришлар асосан, хизматни бозор иқтисодига мослаштириш, бугунги кун шароитига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш ва кўрсатилаётган хизматнинг ишончилиги ва самарадорлигини оширишга қаратилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўриқлаш соҳасидаги илк ислохотлар 1991 йилнинг ноябрь ойида Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Республика "Қўриқлаш" бирлашмасининг ташкил этилиши билан бошланди. Шу асосда қўриқлаш хизматининг таркибий тузилиши ислох қилинди, хизмат кўрсатиш сифати секин аста кўтарилди бори.

Ислохотларнинг кейинги босқичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 мартдаги 110-сон қарори билан "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг муассасадан ташқари қўриқлаш Бош бошқармаси тўғрисида"ги Низомни тасдиқланди ва Республика "Қўриқлаш" бирлашмаси мавжуд шахсий таркибий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг муассасадан ташқари қўриқлаш Бош бошқармаси этиб қайта ташкил қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур Низомнинг 6-банди 1-хатбошисига асосан, бошқарма ва унинг бўлинмалари ўзларининг фаолиятини ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида ташкил қиладилар, мулкдорлар билан шартнома муносабатлари асосида ишлайдилар ва қўриқлаш хизматлари кўрсатганлик учун шартномалар бўйича тушадиган маблағлар ҳисобига таъминланади.

Юқоридаги қоидадан кўриниб турибдики, муассасадан ташқари қўриқлаш Бош бошқармаси ўз фаолиятини тўлиқ қўриқлаш хизматини кўрсатиш орқали тушадиган маблағлар ҳисобига молиялаштирган. Бу эса бевосита қўриқлаш шартномаси асосида амалга оширилган. Бу ҳолатни бозор муносабатларига ўтган давлатимизда қўриқлаш хизматини шартнома асосида амалга ошириш янги босқичга кўтарилгани билан изоҳлаш мумкин.

Жумладан, мазкур Низомнинг 9-бандига кўра, муассасадан ташқари қўриқлаш бўлинмаларининг мулк эгалари билан ўзаро муносабатлари ва томонларнинг масъулияти объектларни қўриқлаш тўғрисидаги намунавий шартнома асосида тузилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган шартномага биноан белгиланади.

Қўриқлаш хизматини кўрсатиш соҳасида навбатдаги ислохот Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги "Ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати фаолиятини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 421-сон қарори асосида амалга оширилиб, унга кўра Ички ишлар вазирлигининг муассасадан ташқари қўриқлаш Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати сифатида қайта ташкил этилди. Мазкур қарор билан "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати ҳақида"ги Низом тасдиқланиб, унинг 2-бандида қўриқлаш хизмати – республика ички ишлар органларининг давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни шартнома асосида қўриқлашни ташкил этувчи таркибий бўлинмалари тизими сифатида таърифланди. Ушбу таърифдан қўриқлаш

хизматининг асосий фаолияти қўриқлаш шартномаси асосида ташкил этилишини кўришимиз мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 555-сон қарорига асосан Ички ишлар вазирлигининг Қўриқлаш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси таркибига ўтказилди.

Ислохотларнинг кейинги босқичи Президентимизнинг 2021 йил 20 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4997-сон қарорига асосан амалга оширилди. Мазкур қарорнинг 2-бандида Қўриқлаш бош бошқармасининг асосий вазифаларидан бири сифатида "шартнома асосида давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни, шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлаш" белгиланди.

Навбатдаги ислохот Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июнда қабул қилинган "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги қонуни асосида амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур Қонуннинг 3-моддасида қўриқлаш фаолиятининг тўртта тури санаб ўтилган бўлиб, шундан икkitаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг таркибий бўлинмаси томонидан шартнома асосида амалга оширилиши белгиланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қўриқлаш шартномаси ҳақ эвазига хизмат курсатиш шартномасининг бир тури бўлиб, унинг тарихий илдизи қадимги Рим ҳуқуқида шаклланган хизматларни ёллаш шартномасига бориб тақалади. Бироқ, қўриқлаш хизматини кўрсатиш шартномаси илк бора 19 аср бошларида қабул қилинган қонун ҳужжатларида назарда тутила бошлади. Қўриқлаш билан боғлиқ муносабатларнинг ривожланиб бориши, янги технологиялар ва техник воситаларнинг пайдо бўлиши қўриқлаш шартномасини такомиллаштириб бориш заруриятини юзага келтирди. Бу эса ўз навбатида замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қўриқлаш муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва шартномаларнинг такомиллашиб боришига туртки бўлди. Назар ташлайдиган бўлсак, дастлаб Собиқ Иттифоқи даврида қўриқлаш муносабатлари корхона ва ташкилотлар билан тузиладиган шартнома асосида расмийлаштирилган бўлсада, мажбурий хусусиятга эга бўлган. Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларидан ташқари, жисмоний шахсларга ва тадбиркорлик субъектларига тегишли объектларни қўриқлаш, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларнинг ихтиёрига кўра тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Олим УМБЕТОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Тошкент минтақавий ўқув маркази катта ўқитувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абрамов В.А. Правовые и организационные основы деятельности вневедомственной охраны при органах внутренних дел // дисс. ... канд. юрид. наук. М.: 2001.
2. Белоус В.Г. организационные формы охраны собственности государством до создания вневедомственной охраны в системе МВД СССР (1917–1952 гг.) // История государства и права. 2002. № 1.
3. Ведомственная милиция в период ее организации. – М.: НКВД СССР, 1929.
4. Григорян А.А. Подготовка специалистов вневедомственной охраны в системе повышения квалификации к выполнению профессиональных функций. // дисс. ... канд. пед. наук. Самара. 2009.
5. Измайлов Е. В. Место договора на выполнение маркетинговых исследований в системе гражданско-правовых договоров // Юрист. 1999. N 8. С. 58-60.

ЭКОЛОГИК – ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада экология ҳуқуқи муаммоларининг айрим ҳуқуқий масалалари таҳлил қилинди.

Таянч сўзлар: экологик – ҳуқуқий муаммолар, маҳалла, табиатни асраш, экологик фаолият.

Бугунги кунда жамоатчилик институти сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг экологик мазмун-моҳияти ортиб бормоқда. Улар экологик-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳаққоний субъектига айланиб, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини, шунингдек жамиятнинг экологик манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони 1-илловаси билан тасдиқланган Тараққиёт стратегиясида “маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш” белгиланган.

Зотан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари узоқ вақтдан буён маҳаллий экологик муаммоларни ҳал этишда асосий институт бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда экологик ҳуқуқий муаммолар бўйича муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, уларда экологик фаолиятда маҳаллаларнинг иштироки ҳозиргача алоҳида масала сифатида кенг тадқиқ этилмаган. Шунинг учун мазкур муаммони фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида ҳал қилиш йўллари илмий ёндашув орқали тадқиқ қилиш муҳимдир.

Қабул қилинган қонунчилик нормаларининг айримлари экологик муаммоларни ҳам ҳал этишга қаратилган.

Мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича мамлакатимизда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан экологик фаолият амалга оширилмоқда.

Шу ўринда, қандай фаолиятни экологик фаолият дейиш мумкин? – деган табиий савол туғилади. Атроф табиий муҳит ва унинг объектларини тиклаш, соғломлаштириш, қайта ишлаб чиқариш ва муҳофаза қилишга қаратилган барча фаолият турлари экологик фаолиятдир.

Мамлакатимизда юритилаётган оқилона экологик сиёсат давлат ва жамоатчилик томонидан табиатни муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланишни назорат қилиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга оид экологик фаолият амалга оширилишини тақозо қилади.

Россия юридик манбаларида экологик фаолият тушунчасига аниқ таъриф берилмаса-да, экологик фаолият экологик назорат, экологик экспертиза ва бошқа шу каби кўринишларда намоён бўлиши ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш, экология соҳасида инсоннинг ҳўжалик фаолияти, лицензиялаш, иқтисодий фаолият, экологик аудит, экологик экспертиза, экологик назорат фаолияти каби тушунчалар акс этган ва экологик фао-

лият экологик хавфсизликни таъминлаш шакли эканлиги келтирилган.

Адабиётларда экологик фаолиятга оид қонунчиликни ривожлантириш мақсадида “Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатганлик учун тўловлар тўғрисида”, “Экологик фаолиятни рағбатлантириш тўғрисида” ги қонунлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифлар илгари сурилган.

Мамлакатимизда ҳам экологик фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида” ги ПҚ-2915-сонли қарори, 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш ҳақида” ги ПФ-5041-сонли фармони, 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш ҳақида” ги ПФ-5018-сонли фармони қабул бундай фаолиятни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Бироқ, адабиётларда ва қонунчиликда экологик фаолият тушунчасига аниқ таъриф берилмаса-да, унинг мазмун-моҳияти ёритиб берилди.

Бунда қонунчиликда “экологик фаолият” тушунчасининг мазмуни акс этганлигини қуйидагиларда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонунининг 29-моддасида экологик назорат вазифаларидан бири сифатида “табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва экологик дастурларнинг бажарилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини таъминлаш” белгиланган.

Ушбу нормада табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида, яъни экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки кўрсатилган.

Шунингдек, “Экологик назорат ҳақида” ги қонуннинг 3-моддасида “Экологик назоратнинг табиатдан фойдаланишдаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизими” эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сонли қарори билан тасдиқланган Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомнинг 12-бандида “фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик экологик назорат соҳасидаги фаолияти тегишли ҳудудда амалга оширилиши” қайд этилган.

Экология соҳасидаги нормаларда “табиатни муҳофаза қилиш фаолияти”, “экологик назорат соҳасидаги фаолият”, “ҳўжалик фаолияти”, “зарарли фаолият”, “ўзга хил фаолият”,

“бошқа йўсиндаги фаолият”, “бошқа хил фаолият”, “зарарли объектлар фаолияти” каби тушунчалар ишлатилиб, уларнинг ҳеч қайси бирига таъриф ёки изоҳ берилмаган.

Шунга кўра, умумий маънода экологик фаолият бу – тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколат доирасида амалга оширадиган атроф табиий муҳитга бевосита ёхуд билвосита таъсир кўрсатадиган экологик муаммоларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш фаолиятидир.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш фаолиятида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчилиги ҳамда бир қатор экологик қонунчилик нормалари билан тартибга солинади.

Шу ўринда, “иштирок этиш” тушунчасининг мазмун - моҳияти нимадан иборат эканлигига алоҳида тўхталиб ўтасан.

Айтиб ўтиш керакки, “иштирок этиш” тушунчаси жиноят қонунчилигида “иштирокчилик” тушунчаси тарзида очиб берилган бўлса, бу масала фуқаролик қонунчилигида муносабат субъектларининг “иштирок этиши” шаклида намоён бўлади. Энди конституциядаги иштирок этиш тушунчаси нимани англатишини кўриб ўтамиз.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг “иштирок этиш” институти янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 36-моддасида ҳам белгиланган.

Бунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат ишларини, жумладан экология соҳасидаги фаолиятини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

2013 йилдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунда маҳалла тузилмаларининг экология соҳасидаги фаолиятини тартибга солинадиган бир қатор нормалар ўз ифодасини топган бўлиб, унинг 11-моддасида маҳалла фуқаролар йиғинларининг табиатни муҳофаза қилишда кўмаклашиш фаолияти, қонун ҳужжатлари ва ўз қарорларининг ижроси устидан жамоат назоратини ўтказиш фаолияти, табиатни муҳофаза қилиш юзасидан тегишли ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш фаолияти кабилар ўз ифодасини топган. Ушбу ҳолатлар маҳалла тузилмаларининг экология соҳасидаги фаолиятда иштирок этиши белгиланганлигини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳақида” ги қонуннинг 10-моддасида “фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ташкил этилиши, муҳофаза қилиниши ва улардан фойдаланиш тадбирларини ўтказишда давлат органларига кўмаклашиши, бунда улар таклифларининг иноватга олиниши” ҳам иштирок этишнинг муҳим хусусиятларидан бири эканлигини кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, экология муаммоларини ҳал қилишга оид ҳуқуқий масалаларда жамоатчиликнинг иштирок этиши халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам назарда тутилган. Мазкур масалалар бўйича 1998 йилда Орхусда қабул қилинган “Атроф муҳит масалаларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича ахборотни қўлга киритиш, қарорлар қабул қилиш жараёнлари-

да жамоатчиликнинг иштирок этиш ҳуқуқи ва оид судловга эришиш тўғрисида”ги Конвенцияси муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳолатларда ҳам ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф муҳитни муҳофаза қилишда давлат органларига кўмаклашиш орқали экологик муаммоларни ҳал этишда иштирок этиши масаласи ҳуқуқий акс эттирилган.

Албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолиси учун муносиб экологик қулай ҳудудни ташкил қилмасдан туриб, уларнинг жамият ишларида фаол иштирок этишини тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик фаолиятига эътибор берилаётганининг иккита муҳим сабаби бор, деб ҳисоблаймиз. Буларнинг биринчиси, мамлакатимизда бу тузилмаларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилишда фаол иштирок этиш зарурияти бўлса, иккинчиси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юкланган айрим экологик ваколатларни такомиллаштириш орқали жамиятимиз ҳаётини демократлаштиришдан иборатдир.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик фаолиятда иштироки атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид турли қонунлар ва қонуности ҳужжатларида ҳам акс этганлигини таъкидлаш ўринли.

Келтирилган фикр-мулоҳазаларга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ, иштирок этиш деганда, жисмоний ёки юридик шахсларнинг давлат ва жамиятнинг турли соҳаларига оид масалаларида муайян даражада қатнашишини тушуниш мумкин.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари экологик-ҳуқуқий муносабатларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Жамшид СУВАНКУЛОВ,

*Жиззах давлат педагогика университети доценти,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.К.Голыченков. Экологическое право России: Словарь юридических терминов. Учебное пособие для вузов. - М.: Издательский Дом. “Городец”, 2008., Ст.169.
2. Бринчук М. М. Концепция развития экологического законодательства Российской Федерации. – СПб.: Издательство Юридического института (Санкт-Петербург), 2009. Ст.82, 90-91.;
3. Ж.Сафаров. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатларига оид қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштириш истиқболлари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. №3, 2016 й. 41-6.
4. Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Дис.... докт. юрид. наук. –М., 1996. –С. 362.;
5. М. Бринчук. Экологическое право. Учеб. -М. 2008 г.; С.Боголюбова. Экологическое право. -М.: Издательство, Юрайт, 2011.-482ст.
6. Nig'matov A. Ekologiya nima?, T.: Turon-iqbol, 2005. –Б.48.
7. С. Макаров С., Л.Шагарова. Проблемы экологического аудирования выход из ряда второстепенных // Финансовые известия. 1996 г. 22 октябрь. ст.7.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони // www.Lex.uz
9. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуни. // www.Lex.uz
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 1-сон, 1-модда.
12. www.Lex.uz
13. Ўзбекистон Республикаси янги тахрирдаги Конституцияси.

ЖИНОЯТ ИШИ БЎЙИЧА ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят иши бўйича далиллар мақбуллигини таъминлаш масалалари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидаги далиллар мақбул-лигига доир нормалар тадқиқ қилинган. Таҳлил ва тадқиқотлар натижаларига кўра муаллифнинг асослантирилган таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноят иши, далил, мақбуллик, далилларни тўплаш, далилларни текшириш, далилларни баҳолаш, исбот қилиш.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда далиллар мақбуллигини таъминлаш механизмларини бойитишга қаратилган қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинишига қарамасдан юритилаётган жиноят ишларида бу нарса етарли даражада қўлланилмаётганлиги ва қонун нормаларида айрим бўшлиқларнинг мавжудлиги кўринмоқда. Ушбу бўшлиқларни аниқлаш эса даставвал ЖПК меъёрларида белгиланган қоидаларни ўрганишни тақозо қилади.

ЖПК 95-моддасининг учинчи қисмига кўра белгиланган тартибда тўпланган далилларнинг мақбуллиги ЖПКнинг 5 та моддасида белгиланган шартларга боғланган. Яъни, унга кўра “Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу Кодекснинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади”.

Ушбу қоидаларни умумлаштирган ҳолда айтиш жоизки, **далил мақбул бўлишлиги учун: биринчидан** уни тўплашнинг қонунда белгиланган тартибига риоя қилинган бўлиши; **иккинчидан** далил ЖПКнинг юқорида кўрсатилган моддалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Агарда далиллар қонунда белгиланган тартибда тўпланган бўлса-да, бироқ, ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга номувофиқ бўлса, улар мақбул далил сифатида баҳоланиб, жиноят ишида фойдаланилиши мумкин эмас. Худди шунингдек, ЖПКнинг юқоридаги моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлиб, бироқ қонунда белгиланган тартибда тўпланмаган далилларни ҳам мақбул далил сифатида баҳолаш мумкин эмас.

Мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

Мақбул бўлмаган далилларнинг айблов асосига қўйиш ҳолатлари амалиётда учраб келаётган ҳолат ва уларни сўнгги йилларда чиқарилган оқлов ҳукмлари мисолида кўриш мумкин. Биргина 2023 йилнинг ўзида судлар томонидан **1 минг 244 нафар** шахс оқланган. Оқлов ҳукмларини ўрганиш тергов ва суднинг сифатига баҳо беради ва унда аввал ўтказилган процессуал ҳаракатларнинг ҳаммаси сарҳисоб қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва жиноят процессида далиллар мақбуллигини таъминлашдаги мавжуд муаммоларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) далиллар мақбуллигини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий муаммолар;

2) далиллар мақбуллиги билан боғлиқ назарий муаммолар;

3) далиллар мақбуллигига доир қонунчиликдаги бўшлиқ ва номувофиқликларнинг мавжудлиги билан боғлиқ муаммолар;

4) далиллар мақбуллигини аниқлашга масъул бўлган исбот қилиш субъектларининг ҳуқуқий билим, кўникма ва малакаларининг етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар.

1. Далиллар мақбуллигини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий муаммоларнинг асосийларидан бири сифатида далилларни тўплашга қўйилган ташкилий талабларнинг ўта мураккаблигини келтириш мумкин. Буни терговга қадар текширув, тергов, суд жараёнидаги процессуал ҳаракатлар, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий муаммолар деб ҳисоблаш мумкин.

Б.А.Ражабов “Далиллар мақбуллигини таъминлаш мақсадида ҳаракат қилаётган исбот қилишни амалга оширувчи субъект биргина ҳаққоний маълумотни мақбул далилга айлантириши учун жуда кўп меҳнат ва куч сарфлашига ҳамда ортиқча чиқимлар қилишига тўғри келади”, деб таъкидлайди. И.В.Абросимов эса далилларни мақбул эмас деб топишда исботлаш субъектларининг айнан ташкилий масалаларда йўл қўйилаётган хатоликларига алоҳида эътибор қаратиб, ушбу бузилишлар тергов ҳаракатининг вақти, процессуал тартибда тайинлаш ва амалга ошириш; иштирокчилар таркиби; далилларни тўплаш ва текширишни белгиловчи қонун талабларига тегишли эканлигини айтади. Унинг фикрига тўлиқ қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, иш бўйича тўпланган далилларнинг келгусида номақбул далил сифатида баҳоланишининг энг асосий сабабларидан бири исботлаш субъектлари томонидан бу борада йўл қўйилган қонунбузилишлардир.

Далиллар мақбуллигини таъминлаш билан боғлиқ **ташкилий муаммолардан яна бири** сифатида ЖПКнинг ҳолислар деб номланган 73-моддаси иккинчи

қисмида белгиланган тергов ҳаракатларини юри-тишда иштирок этиш учун камида икки нафар фуқа-рони холис сифатида жалб этиш билан боғлиқ шарт-ни келтириш мумкин.

Амалиётда процессуал ҳаракатларни бажаришда холисларни қидириш, уларнинг розилигини олиш ва тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга олиб бориш, барча жараёнлар якунланганига қадар холисларнинг вақтларини банд қилиб қўйиш каби ортиқча овора-гарчиликларни юзага келтиради. Бундан ташқари, исбот қилиш субъектлари далиллар мақбуллигини таъминлаш учун нафақат холисларнинг ёш ва фуқа-ролик цензини, балки уларнинг эгаллаб турган лаво-зимида қўйилган цензни ҳам ҳисобга олишлари талаб этилади.

Бизнингча, бу каби муаммоларнинг ечими си-фатида ЖПКнинг 73-моддасини янги қисм билан тўлдириш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир: *“Ушбу Кодексда белгилан-ган алоҳида ҳолатларда тергов ва бошқа процес-суал ҳаракатлар холисларнинг иштирокисиз, уз-луксиз видеотасвирга тушириш орқали техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин”*.

2. Далиллар мақбуллиги билан боғлиқ на-зарий муаммолар. Жиноят процессининг келгуси босқичларида фойдаланилмайдиган номақбул далил-га “далил” атамасининг қўлланилиши мантиқ қоида-ларига тўғри келмайди. Чунки, ЖПКнинг 81-моддаси-га кўра ҳам далилнинг асосини ҳақиқий маълумотлар ташкил этади. Номақбул деб ҳисобланадиган далил-ларнинг ҳақиқий маълумотлардан иборат эканлиги доимо шубҳа остида бўлади ёки нотўғри маълумот-лардан иборат бўлиши мумкин.

Бизнингча, “далил” атамаси жиноят-процессуал назариясида ва қонунчилигида фақатгина мақбул да-лилларга нисбатан ишлатилиши лозим.

Е.Э.Курзинер таъкидлаганидек, “Мақбул далил-лар деб уларни тўплаш ва текшириш жараёнлари далилларнинг ишончилигига ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилинганлигига шубҳа солмайдиган далилларни тан олиш даркор”.

Е.А.Купрашина эса “Мақбул бўлмаган далиллар” масаласига алоҳида тўхталиб ўтиб, бундай маълу-мотлар юридик кучга эга бўлмаслиги ва айбловнинг асосига қўйилиши мумкин эмаслигини таъкидла-ган ҳолда “Мақбул бўлмаган далиллар”ни “Кодекс талабларини бузиш орқали олинган бошқа маълу-мотлар” деган сўзлар билан алмаштиришни таклиф этган.

Хорижий мамлакатларнинг бу борадаги жиноят-процессуал қонунчилиги таҳлиллари ҳам мазкур масалада турли ёндашувлар борлигини кўрсатади. Хусусан, **Арманистон Республикаси** Жиноят-про-цессуал кодексининг 105-моддасида “далил-ларнинг номақбуллиги” жумласи ўрнига **“далил сифатида номақбул ҳисобланадиган материал-**

лар” жумласи ишлатилган. Албатта буни ижобий тажриба деб баҳолаш мумкин. **Молдова Республи-каси** ЖПКнинг 94-моддасида эса “далилларнинг номақбуллиги” жумласи ўрнига **“Далил сифатида номақбул ҳисобланадиган маълумотлар”** жум-ласи ишлатилган. **Япония** Жиноят-процессуал қо-нунининг 319-моддасида мажбурлаш, қийноқ ёки қўрқитиш остида олинган иқрорлик кўрсатувлари, узоқ вақт давомида қамокда сақлаб турилганидан кейин айбни бўйнига олиш учун берилган иқрорлик кўрсатувлари, шунингдек ихтиёрий равишда бе-рилмаган ҳар қандай кўрсатувлар шубҳали иқрор-ликлар нафақат мақбул ёки номақбул далил, балки **умуман далил деб ҳисобланмаслиги** белгилан-ган.

Фикримизча, Арманистон, Молдова ва Япония каби давлатлар қонунчилигидаги ушбу меъёрлар-ни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процес-суал кодексига ҳам тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. Далиллар мақбуллигига доир қонунчилик-даги бўшлиқ ва номувофиқликларнинг мавжуд-лиги билан боғлиқ муаммолар. Жиноят-процессуал қонунида далиллар мақбуллигининг аниқ таърифи ишлаб чиқилмаган ва у шунчаки ҳаволаки диспози-ция бўлиб, муфассал тартибни идрок қилиш имкони-ни қийинлаштиради.

Янада аниқроқ қилиб айтганда: биринчидан, қо-нун чиқарувчи ЖПКнинг 95-моддасида далил қачон мақбул бўлиши мумкинлигига доир талабларни аниқ жумлалар билан ифодаламасдан ушбу қонуннинг 87, 88, 90, 92-94-моддаларидаги қоидаларга риоя этили-шига ҳавола қилиш билан чегараланган; иккинчидан, ЖПКнинг 95-1-моддасида далил сифатида мақбул эмас деб топилиши лозим бўлган маълумотлар кел-тирилган бўлса-да, ушбу процессуал қоидалар қонун-нинг бир қатор нормаларидаги процессуал қоидалар-ни такрорлаган; учинчидан, ЖПКнинг 95-1-моддасида келтирилган ва ушбу қонунга зид ҳаракатлар содир этилганда далил мақбул деб ҳисобланмаслигига доир қоидалардаги қонунбузилишларнинг аниқ рўйхатини тузиш мушкул ҳамда бу рўйхатга айнан шу моддада-ги “ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган” жумласи мазмунидаги Кодекснинг чегараси аниқ бўлмаган бир қанча талаблари мазмунан сингдириб юборилган.

Фикримизча, қонунчиликдаги мазкур бўшлиқ ва номувофиқликлар келгусида бартараф этиш, шунинг-дек исбот қилишни амалга оширувчи субъектлар томонидан бу борадаги қонунбузилишларига йўл қўйилмаслиги учун керакли тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Далилларнинг мақбуллигини аниқлаш масаласи уларни исботловчи субъектлар томонидан баҳола-ниши натижасида ҳал бўлишини инобатга олган-да, қуйидагиларни инобатга олиш мажбурийлигига алоҳида аҳамият бериш талаб этилади: биринчидан, далилларни аниқлашга қаратилган процессуал ҳа-

ракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектнинг шу ҳаракатни амалга ошириш учун ҳуқуқи бор ёки йўқлиги; иккинчидан, далил мазмунини ташкил этувчи манбанинг мақбуллиги; учинчидан, далилларни тўплаш учун ўтказилган процессуал ҳаракатларнинг қонун талабларига жавоб бериши; тўртинчидан, далилларни тўплаш воситаси сифатида хизмат қилаётган процессуал ҳаракатни амалга ошириш тартибининг тўғрилигига қараб текшириш ва баҳо бериш лозим.

4. Далиллар мақбуллигини аниқлашга масъул бўлган исбот қилиш субъектларининг ҳуқуқий билим, кўникма ва малакаларининг етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар. Далиллар мақбуллигини баҳолаш аввало исбот қилиш субъектларининг ҳуқуқшунослик фанлари, хусусан жиноят-процессуал ҳуқуқи фанидан ва бу борада қонун чиқарувчи ҳамда ваколатли органлар томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бўйича зарур билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишларини талаб этади.

Зотан, ЖПКнинг далилларни баҳолашга оид қоидаларни белгилловчи 95-моддасининг биринчи қисмида исбот қилиш субъектларининг ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо бериши лозимлиги бежизга белгиланмаган. Амалиётдаги жиноят ишларининг таҳлили айнан бир хил далилни иккита субъект турлича баҳолашини инкор этмайди. Ушбу фикрни оқлов ҳукмларидаги фактлар ҳам исботламоқда.

Фикримизча, далиллар мақбуллигини аниқлашга масъул бўлган исбот қилиш субъектлари келгусида бу борада қонунбузилишларига йўл қўймасликлари учун уларнинг билимларини бойитишга доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Далиллар мақбуллигини аниқлашга масъул бўлган исбот қилиш субъектлари айрим ҳолатларда далилларни баҳолаш жараёнида “Мантиқ” фанига доир қонуниятларга амал қилмайдилар. Зеро, мантикий қонунларга риоя қилиш жиноят-процессуал билишнинг зарур шарти ҳисобланади, чунки бу билан билиш жараёнида юзага келадиган вазибаларни ҳал қилишда ҳақиқий натижаларга эришишни кафолатлайди, шунинг учун исботлаш жараёнида ҳам ҳуқуқий кўрсатмаларнинг ҳам мантикий қонунларнинг бузилишига бир хил даражада йўл қўйилмаслиги лозим.

Е.Д. Горева “Мантиқли элемент далилларни баҳолашни формал мантиқнинг асосий қонунларига мувофиқ, билимдонликнинг илмий методологиясига риоя қилган ҳолда амалга ошириладиган ҳамда исботловчи ахборотнинг қимматлиги тўғрисидаги фикрлаш билан боғлиқ ақлий фаолият сифатида намоён қилади” деб таъкидлайди. Ушбу фикрга қўшилиш мумкин бўлиб, ЖПКнинг 95-моддасида исботлаш субъектларининг

ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо беришлари белгиланганлигини, ички ишонч эса қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиш билан бир қаторда мантикий фикрлаш қобилияти билан боғлиқлигини айтиб ўтишнинг ўзи kifоя.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилган ҳолда фикримизча, далиллар мақбуллигини аниқлашга масъул бўлган исбот қилиш субъектлари келгусида бу борада қонунбузилишларига йўл қўймасликлари учун қуйидагиларни тавсия этиш мақсадга мувофиқдир: 1) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг ихтисосликка доир тегишли фанларининг маърузалар курси ва ишчи фан дастурларини амалиётда далиллар мақбуллигига доир қонунчилик талабларини бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар акс этган мисоллар, кейслар ва казуслар билан бойитиш; 2) тажрибали профессор-ўқитувчилар ва соҳа ходимларини жалб этган ҳолда суриштирувчи ҳамда терговчилар билан “Далиллар мақбуллигига доир процессуал қонунчилик талаблари ва унга амал қилиш борасида учраётган камчиликлар” мавзусида ҳар йили камида икки маротаба бир кунлик малака ошириш курсларини ташкил этиш; 3) олий таълим муассасаларининг тегишли ихтисосликка доир ўқув режаларига “Мантикий фикрлаш” номли янги фан киритиш.

Анвар ТАДЖИЕВ,

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <http://lex.uz>.
2. Suyunova D.J., Koniushenko Y.Y., Nguindip N.C. A Comparative Understanding of Criminal Liability Formation for Crimes Against Women in Uzbekistan and Cameroon // *Ius Humani, Revista de Derecho*. – 2021. – Т. 10. – С. 129.
3. Абросимов И.В. Актуальные вопросы обеспечения допустимости и достоверности доказательств в уголовном судопроизводстве: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2007. – С. 10.
4. Куряшина Е.А. Источники доказательств и критерии их оценки в уголовном процессе РФ: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Воронеж, 2007. – С. 11.
5. Курзинер Е.Э. Актуальные вопросы доказывания в уголовном судопроизводстве Российской Федерации: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск, 2009. – С. 7.
6. Ражабов Б.А. Ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш: Юридик фанлар бўйича докторлик (DSc) диссертацияси. – Т., 2019. – Б. 221-222.
7. Уголовно-процессуальный закон Японии // <https://wipo.lex.wipo.int/ru/text/187786>
8. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения // <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1450&%20lang=rus>
9. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=117
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори // <http://lex.uz/docs/3895986>
11. Яцишина О.Е. Внутреннее убеждение как основание свободы оценки доказательств в российском уголовном процессе: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск, 2004. – С. 7-8.

**Фулом ШОДИЕВ,**

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси марказ катта прокурори, юридик фанлари номзоди, доцент

ЖИНОЯТ ИШИНИ СУДГАЧА ЮРИТИШДА РЕАБИЛИТАЦИЯ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят ишини судгача юритиш босқичида ЖПКнинг 83-84-моддаларига асосан тугатиш жараёнида шахсни реабилитация қилиш, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор, унга қўйиладиган талаблар ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган. Хусусан, ЖПКнинг судгача иш юритиш босқичида жиноят ишини тугатишни тартибга солувчи нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан муаллиф томонидан таклифлар берилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: реабилитация, қарор, жиноят ишини судгача юритиш, жиноят ишини тугатиш.

Жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракат (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорларидан жабрланган шахсни реабилитация қилиш жиноят процессуал воситалар тизими билан таъминлансагина реабилитациянинг процессуал тартиби ҳақида гапиришга имкон беради.

Бу ёндашув ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборат бўлган жиноят-процессуал нормаларига мувофиқ реабилитация институтининг тартибга солиш механизмини белгилаб беради (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2-моддаси).

Шуниси эътиборга лойиқки, жиноят процессининг мақсадини назария ва амалиёт учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган декларатив-сиёсий жиҳатдан эмас, балки ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан бир хил тушуниш ушбу фаолият натижалари билан боғлиқ бўлиши керак.

Бироқ, қачонки агар реабилитация этишнинг мавжуд процессуал тартиби муайян мезонларнинг мавжудлигини назарда тутса, қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, агар жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракат ҳамда қарорларидан жабрланган шахслар ҳақиқатан ҳам реабилитация қилинса, қонунга ҳилоф, асоссиз ва адолатсиз жавобгарликка тортилган ҳамда жазоланган ҳар бир шахснинг реабилитациясини амалда таъминлаши мумкин.

Реабилитациянинг процессуал тартиби жиноят-процессуал қонуни билан тартибга солинадиган нормаларга асосланган бўлиб, мажбурий ва бошқариладиган субъектларга қаратилган, ўзаро мувофиқлаштирилган ва ягона мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар мажмуини ўз ичига олади. Бу қонунда назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширишнинг аниқ шаклланган, изчил ва мақсадга мувофиқ тартиби мавжудлигини, ушбу жараёни ташкил этиш аниқ натижага эришишга қаратилган қарорлар қабул қилинишини ва тўғри бажарилишини таъминлайди ва ре-

билитация этишнинг мавжуд ҳуқуқий режимини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида гапиришга имкон беради. Бу ерда эътибор жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракат (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорларидан жабрланган шахсни реабилитация этиш, шунингдек жабрланган шахсга етказилган зарар учун компенсация талаб қилиш ҳуқуқини тан олиш мажбуриятдан келиб чиқадиган долзарб муаммо аниқ ажратилмаган, ҳамда ушбу муаммолар ечимга муҳтожлигига қаратилади.

Кўрииб турибдики, қўзғатилган жиноят иши юзасидан ҳал қилувчи қарорни қабул қилишда шахсни реабилитация этиш олдиндан белгиланган мақсад бўлиши мумкин эмас. Бироқ, бу жиноят ишини судга қадар юритиш ҳамда судда кўриб чиқиш пайтида жиноят-процессуал қонунида жиноят иши (жиноий таъқиб)ни реабилитация асосларига кўра тугатганда ва унга эришиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган реабилитация этиш билан боғлиқ бўлганда пайдо бўлади.

Шунинг учун шахсни реабилитация этиш тўғрисида фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, тегишлича жиноят ишини юритишга ваколатли субъектлар жиноят иши (жиноий таъқиб)ни реабилитация асосида тугатишга қарор қилганларида, оқлов ҳукми чиқарганларида гапириш мумкин.

Демак шахсни реабилитация этиш судгача иш юритиш босқичида ҳам, суд босқичида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Шахсни реабилитация этиш билан боғлиқ бўлган қарорларни тавсифлаб, расмийлаштириладиган процессуал ҳаракатлар ва қарорларнинг қонунчиликда мустаҳкамланганлиги процессуал ҳужжатларнинг муҳим белгиси ва хусусияти ҳисобланишига эътибор қаратиш лозим.

Бинобарин, жиноят ишини судга қадар юритиш ёки судда кўриб чиқиш муайян вазиятга мос келадиган қарор қабул қилинишига олиб келади.

Одил-судловнинг асосий мақсадларидан бири бўлган объектив ҳақиқатни аниқлашга далилларни тўплаш, текшириш, баҳолашдан иборат бўлган исбот қилиш жараёнида эришилади. Ушбу фаолиятда далилларни тўплаш ва унинг тарқи-

бий қисми – процессуал ҳужжатлаштириш муҳим ўрин тутлади.

Судга қадар иш юритиш жараёнида жиноят процессуал ҳужжатни – ваколатли мансабдор шахс томонидан қонун билан ўрнатилган процессуал шаклгари қилган ҳолда иш учун аҳамиятга эга фактик маълумот ёки қарорлар мустаҳкамланган ҳужжат деб тушунишимиз лозим.

Шу билан бирга, жиноят процессида шахсни реабилитация қилувчи далилларни тўплаш, текшириш, баҳолаш ва расмийлаштириш реабилитациянинг процессуал тартибини амалга оширишнинг дастлабки босқичидир.

Қабул қилинган қарор тўғри расмийлаштирилиши керак. Шу муносабат билан, процессуалчи олимларнинг таъкидлашича, бу ечим қонунда белгиланган процессуал шаклда чиқарилган ҳуқуқий акт бўлиб, унда ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахс ўз ваколати доирасида белгиланган ҳолатлардан келиб чиқадиган ҳаракатлар ва жиноят процессининг мақсадларига эришишга қаратилган қонун кўрсатмалари тўғрисида муайян тартибда ишда юзага келган ҳуқуқий саволларга жавоб беради ва ишнинг ваколатли ифодасини ифодалайди.

Ҳужжатдаги фактлар тўғрисидаги маълумотлар нафақат ўрнатилган қонуний тартибда олиниши, балки, тегишли тартибда расмийлаштирилиши билан юридик кучга эга бўлади. Процессуал ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва процессуал шакл иш бўйича ҳақиқатни аниқлашни, қонунийликни мустаҳкамлашни, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлайди.

Айнан шу ҳужжатлардан қонун мутлақ юридик кучни талаб қилади.

Ҳужжатларнинг юридик кучга эга бўлиш масаласи муайян шартларни ўрнатиш ва норматив мустаҳкамлашга бориб тақалади. Барча шартлар тўртта асосий талабларга боғлиқ бўлиши мумкин:

- 1) ҳужжат аниқ бир жиноят иши доирасида ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан тузилиши лозим;
- 2) қонун билан ўрнатилган процессуал шаклга эга бўлиши лозим;
- 3) процессуал ҳужжатни расмийлаштириш жараёнида маълумотнинг ўзгариши, алмашиши, зарарланиши, йўқолишидан ҳимоялашни таъминловчи барча зарурий шартларга амал қилиниши лозим;
- 4) ушбу ҳужжатнинг таркиби қонунда ўрнатилган тартибда ишончли тасдиқланган бўлиши лозим.

Шундай қилиб, юқоридагилардан келиб чиқиб, шахсга нисбатан юритилган жиноят иши (жиноий таъкиб)ни реабилитация этиш асослари бўйича тугатиш, жиноят процессида реабилитациянинг ҳуқуқий таби-

аига мос келадиган оқлов ҳукми, қарор, ажрим қабул қилиш зарурлигини тақозо этади деган хулосага келишимизга асос бўлади.

Одатда қарор уч қисмдан: кириш, тавсиф ва қарор қисмларидан иборат бўлади.

Қарорнинг кириш қисми қарор қандай ходисага ёки қайси шахсга оид эканлигини аниқ белгилаб берувчи ўзига хос ёрлиқ вазифасини бажаради. Унда қарорнинг номланиши, қарор чиқарилган жой ва вақт, ким томонидан ва қайси жиноят иши юзасидан тузилганлиги кўрсатилади.

Қарорнинг тавсиф қисми марказий ўринни эгаллайди. Унда фақат юридик аҳамиятга эга фактлар ифодаланиши, яъни ишнинг ҳақиқий ҳолатлари, қандай хулоса ва тўхтамга келинганлиги, қандай асосларга кўра шу қарор қабул қилинганлиги, шунингдек жиноят-процессуал кодексининг шу қарорни қабул қилишга асос бўлган моддаси кўрсатилиши керак.

Қарорнинг учинчи қисми кириш ва тавсиф қисмларининг мазмунидан келиб чиқадиган хулосадан, яъни қабул қилинадиган қарордан иборат бўлади. Ушбу қисмда қўшимча қарорлар ҳам ўз ифодасини топиши мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб реабилитациянинг ўзаро кетма кетликдаги ва бир бири билан боғлиқ ҳаракатларни ўз ичига олган процессуал тартиби бўйича қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

- жиноят ишини реабилитация этиш учун тугатиш асосларини яратиш;
- ҳолисона реабилитация асосларига кўра шахсни оқлаш, жиноят иши (таъкиб)ни тугатиш, унинг чекланган, маҳрум этилган ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги қарор, ҳукм (ажрим)ни қабул қилиш;
- қабул қилинган қарорнинг тегишли процессуал шаклига риоя қилиш, унинг реабилитацион табиати ва у билан боғлиқ оқибатларни акс эттириш ҳамда ижросини таъминлаш.

Қарор қабул қилишда, агар шахсни реабилитация этиш учун асослар мавжуд бўлса, шахс ҳақиқатан ҳам жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан қонунда белгиланган тартибда реабилитация қилинишини айтиш мумкин.

Шуни ҳисобга олиш керакки, оқланган ёки ўзига нисбатан қўзғатилган жиноят иши тугатилган шахс қабул қилинган қарордан қониққан тақдирда ўзига нисбатан жиноят ишини юритишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракат ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарни талаб қилмаслиги мумкин. Бироқ, зарарни қоплаш ҳуқуқи бундан қатъи назар, у учун тан олиниши керак. Реабилитация қилишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш, шу жум-

ладан оқланган ёки ўзига нисбатан қўзғатилган жиноят иши (жиноий таъқиб) олиб борилган шахснинг зарарни қоплаш ҳуқуқини тан олиш, уни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятни оптималлаштириш уни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар таркибига баъзи ўзгаришлар киритишни тақозо этади.

Фикримизча, Жиноят-процессуал кодексида белгиланган реабилитация билан боғлиқ қарорларнинг шакли ва мазмунига қўйиладиган қоидаларни аниқлаштириш учун уларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Аввало, жиноят процессининг судгача бўлган босқичларида гумон қилинувчи, айбланувчини реабилитация қилиш асосида жиноят ишини тугатиш билан боғлиқ жиноят-процессуал қонунининг нормаларини ўрганишга мурожаат қилайлик.

Реабилитация қилишнинг процессуал тартиби бўйича кўриб чиқилаётган масалаларга келсак, ЖПКнинг 83-моддасида белгиланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлигини, унинг қилмишида жиноят таркибининг бўлмаганлигини, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлигини кўрсатадиган маълумотларнинг ҳақиқий мавжудлигини таъкидлаймиз.

Юқоридаги қонун нормасида мустаҳкамланган қоидаларга кўра ўз ваколатлари доирасида терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси суриштирувчи, суриштирув бўлинмаси раҳбари, терговчи, тергов органи раҳбари, прокурор томонидан қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор билан расмийлаштирилади.

Процессуал ҳужжатнинг мазмуни учун талаблар-жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор (ЖПКнинг 373, 374, 381¹¹-моддалари) билан тартибга солинади. Лекин, юқоридаги жиноят ишини тугатиш ва жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорларни тартибга солувчи ЖПК нормаларида шахсни реабилитация этиш билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топмаган деб ҳисоблашимиз учун асослар етарли.

Жумладан, реабилитация характеридаги якуний процессуал қарорларнинг мазмунига қўйиладиган талабларни тўғри тартибга солиш нуқтаи назаридан қонун чиқарувчининг ушбу камчиликлари Жиноят-процессуал кодексининг 374-моддасига тегишли қўшимчалар киритиш орқали бартараф этилиши мумкин. Унга кўра 374-модданинг 2-қисми, 3-банди қуйидаги тахрирда баён қилиниши таклиф этилади: **"Жиноят ишини тугатиш ва шахсни реабилитация этиш асослари"**.

Шунингдек 3-қисмини қуйидаги 5-банд билан тўлдириш: **шахс жиноят ишини юритиш жараёнида етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқига эга деб тан олинади ва уни амалга ошириш тартиби**

ушбу Кодексининг 37-бобига мувофиқ унга тушунтирилади."

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 375-моддаси 3-қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади: **"жиноят иши 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар бўйича тугатилган ҳолларда, терговчи реабилитация қилинган шахс томонидан унга зарарни қоплаш учун тан олинган ҳуқуқни амалга ошириш тўғрисида ушбу Кодексининг 37-бобиди назарда тутилган чораларни кўради."**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 381¹¹-моддаси 4-қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

Суриштирувчи ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқаргач, бу ҳақда гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига, худди шунингдек иш корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаронинг берган хабари билан қўзғатилган бўлса, шу корхона, муассаса, ташкилот вакилларига ёхуд фуқарога хабар қилади. Жиноят иши 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар бўйича тугатилган ҳолларда, суриштирувчи реабилитация қилинган шахс томонидан унга зарарни қоплаш учун тан олинган ҳуқуқни амалга ошириш тўғрисида ушбу Кодексининг 37-бобиди назарда тутилган чораларни кўради. Айни вақтда уларга ишни тугатиш тўғрисидаги қарор устидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воскобитова Л. А. Проблемы понимания назначения, целей и задач современного уголовного судопроизводства (материалы межвузовской научно-практической конференции//Академия Управления МВД России. - М., 2009. С. 56, 59.
2. Дастлабки текширишда жиноят ишини қўзғатиш ва эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисидаги процессуал актлар. Муаллифлар жамоаси. Т., 1985. Б. 6.
3. Иноғомжонов З.Ф. Жиноят ишлари бўйича процессуал ҳужжатлар. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 13-б.; Иноғомжонов З.Ф.; Абдурахмонов У.А. Жиноят ишлари бўйича процессуал ҳужжатлар. Т.: 2007. 19-б.; Дастлабки текширишда жиноят ишини қўзғатиш ва эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисидаги процессуал актлар. Муаллифлар жамоаси. Т., 1985. 7-б.; Давлетов А.Ж. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси асосида жиноят процессининг суриштирув ва дастлабки тергов босқичида тузиладиган процессуал ҳужжатлар (талаблар ва тузилиш тартиби). Услубий қўлланма. Т., 1995. 8-б.; Рахмонкулов А.Х. Ички ишлар органларида дастлабки тергов. Дарслик. –Т.: - Уз.Р. ИИВ Академияси, 2005. 81-б.
5. Ф.В.Вахобов. "Дастлабки терговдаги процессуал ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятлари". Ю.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация. 2011 йил, 31 б.
4. Лупинская П. А. Решения в уголовном судопроизводстве. Их виды, содержание и формы. - М.: Юридическая литература, 1976. С. 18.

АХЛОҚ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ РОЛИ

АННОТАЦИЯ: мақолада ахлоқ тушунчаси, мазмун-моҳияти ва унинг жиноят процессуал қонунчилигидаги ролининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантиришда аввало уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг амалий ва самарали механизмларига урғу бериб ўтилган.

Калит сўзлари: конституция, ислохотлар, жиноят процесси, одил судлов, ахлоқ, ўзаро бозглиқлиги, хорижий тажриба, ҳуқуқ ва эркинликлар.

Охирги йилларда мамлакатимизда амалга оширилётган суд-ҳуқуқ ислохотлари инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Унга биноан, давлат органлари маъсулиятини ошириш, суд амалиётидан келиб чиққан ҳолда суриштирув ва тергов органлари ходимларининг амалий кўникмалари ҳамда малакасини ошириш, айниқса судьялар ва суд ходимларида юксак муомала маданиятини шакллантириш масаласи тобора долзарблигини кўрсатмоқда.

Шу боис, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантиришда аввало уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан бирга, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ саналади.

Айтиш жоизки, олиб борилган суд-ҳуқуқ ислохотлари жиноят-процессуал қонунчилиги номукамаллигининг сабабларидан бири XX-XXI асрларда илм-фанда эришилган ютуқларни мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг совет даври илм-фан ютуқлари сифатида инкор этиш, жиноят иши бўйича далиллар ва процессуал ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларнинг тизимда ишончли ҳимояланишини таъминлаш ҳамда эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган қонунчиликни такомиллаштириш ҳисобланади.

Шубҳасиз, юртимизда олиб борилаётган ислохотларда илмий мактаблар энг муҳим таянч ҳисобланади. Албатта, миллий қадриятларга асосланган янги жиноят-процессуал қонунчилигини яратиш жараёни кучайди. Айни пайтда бу нарсани илм-фан ютуқларидан фойдаланиш орқали давлат тараққиётини белгилаб берувчи объектив омиллардан саналади.

Демак, давлатимиз томонидан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари Янги Ўзбекистонда: биринчидан, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигида инсонпарварлик ғоялари, тамойиллари мазмун-моҳиятидан келиб чиқиш; иккинчидан, собиқ иттифоқ ҳуқуқий тизимидан воз кечиш; учинчидан, одил судлов муаммоларини, шу жумладан тарбиявий (ахлоқ-одоб) характердаги муаммоларни ҳал этишнинг процессуал воситалари самарадорлигини

ошириш; тўртинчидан, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилиш кафолатлари тизимини ишлаб чиқиш; бешинчидан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш; олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг қабул қилиниши билан жиноий процессуал ислохотларни янада жадаллаштириш ва фаол давом эттиришни назарда тутди.

Жиноят процессуал қонунчиликдаги узлуксиз ислохотлар жамоатчиликнинг фикрларидан келиб чиқиб, жиноий процессуал институтларга тузатишлар киритиш ёки тўлдириш йўли билан бартараф этишни тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида, жиноят процессуал қонунчиликдаги масалалар илдишларини янада чуқурроқ илмий ўрганишни талаб этади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, суд-ҳуқуқ ислохотлари мазмун-моҳиятида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солиш вазифасини бажарадиган ахлоқ масалаларига урғу бериш муҳимроқдир. Чиндан ҳам, қонунчиликда ахлоқ масалаларига урғу бериш орқали, жиноят процессуал қонунчилик вазифаларини самарали ҳал этиш мумкин, ёйинки, қонунчилик асоси янада ахлоқий қадриятларга асосланса балки, мансбдор шахслар томонидан жамиятдаги муаммоларни самарали ҳал этиш ва ҳурматга сазовор бўлиши мумкин.

И. Сухованинг фикрича, одил судловни ислоҳ қилиш даври жамиятдаги ахлоқий меъёрларнинг бузилиши ва уларнинг ролини унутиш билан бирга келди. Жиноят-процессуал қонуннинг ўзи энди ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳурмат қилинмай қўйди. Ахлоқий тамойиллар постсовет даврининг дастлабки босқичида самарасиз тартибга солувчи бўлиб чиқди.

Е. Мизулинга кўра, 20 аср охирида социалистик тузумнинг парчаланиши даврида МДХ давлатлари шошма-шошарлик билан жиноят процессуал қонундан совет иттифоқи ғояларни чиқариб, миллийлаштирилган қонунларни шакллантиришга шошилдилар. Шу аснода, баъзи давлатлар жиноят процессининг тарбиявий вазифасини тарк этдилар.

Дарҳақиқат, баъзи мамлакатлар давлатда мустақил тартиб қондани ўрнатиш, мустаҳкамлаш мақсадида жиноят процессуал қонунчиликнинг

асосий вазифаси этиб қонунийликни таъминлашни устувор вазифалардан бири сифатида мустаҳкамлаб қўйди. Тўғри, ўша пайтларда МДХ давлатларининг капиталистик ижтимоий муносабатларга ўтиши жиноят процессуал қонунчиликка таъсир қилмасдан қолиши мумкин эмас эди.

Лекин, Россия жиноят процессуал қонунчилигида биринчилардан бўлиб жамиятда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишни шакллантиришга, адолатни ўрнатишга кўмаклашишга қаратилган нормаларни ўрнатди (ЖПК 6-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида биринчидан, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамият ва давлатнинг олий қадрияти деб эътироф этилди (13-модда); иккинчидан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг марказий вазифалардан бирига айланди (2-модда); учинчидан, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, кафолатлаш масаласи, жиноят процессуал фаолиятининг асосий мақсадли ҳуқуқий таъсирчан талабига айланди.

Ҳар бир мамлакатда демократик ғояларни шакллантириш ҳамда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолатли тизимини яратиш нафақат қонунийлик тамойилини рўйбга чиқариш талаби билан, балки ушбу тамойилни амалга оширишнинг энг муҳим оқибати, ҳуқуқ-тартибот ва уни таъминлаш шарти билан ҳам боғлаш лозим. Демак, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг зарурий шарти, аввало ҳуқуқни ахлоқий мазмунда тўлдириш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ҳаракатга келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, асосий эътиборни жиноят процессуал фаолиятни ахлоқий жиҳатдан яхшилаш масалаларига қаратишимиз лозим, чунки айнан тергов даврида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг кўп камситилади.

Ҳуқуқшунос А.И. Александров, "Жиноят процесси - товар бўлмаслиги керак. Ҳуқуқ-тартибот идоралари амалдорлари айбдорни жавобгарликдан озод қилиш учун пора олиши ёмон, лекин у пул эвазига айбсиз одамни жиноий жавобгарликка тортиши янада даҳшатлироқ. Жиноят-процессуал нормалар тизими шундай бўлиши керакки, бу буюртма (буйруқ) кимдан келиб чиқишидан қатъи назар, буюртма бўйича жиноят ишларини истисно қилиши керак. Демократик ҳуқуқий давлатда жиноий репрессиялар олди-сотди предмети бўлиши мумкин эмас", - дейди.

Умуман олганда, ахлоқ - инсон ва жамият ўртасида юзага келадиган муносабатларда намоён бўладиган хатти-ҳаракатлар, ҳулқ-атворлар, одоблар мажмуидир. Ҳуқуқдан фарқли равишда ахлоқ талабларини бажариш-бажармаслик маънавий таъсир кўрсатиш шакллари (жамоатчилик томонидан баҳо бериш, қилинган ишни маъқуллаш ёки қоралаш) билан белгиланади.

Ахлоқ ижтимоий онг шаклидан кенгроқ бўлиб, таркибий элементлари сифатида нафақат ахлоқий онгни, балки ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини, шунингдек, одамларнинг ҳулқ-атворини ҳам ўз ичига олади.

В.Ф. Зибковец, ахлоқнинг маиший доирасини кенгайтирар экан, ахлоқ тузилишининг элементлари сифатида ҳулқ-атвор ва муносабат билан бир қаторда, унинг яна бир таркибий қисми фаолиятдир, дейди.

Мазкур ёндашувлар ахлоқ масалаларининг фақат маълум томонларини очиб беради. Келтирилган фикрларнинг барчаси маълум даражада тўғри, лекин ахлоқнинг тўлиқ хусусиятларини очиб бермайди.

Бизнинг фикримизча, инсонда тўғри ҳуқуқий онг шаклланиши ҳуқуқнинг кадр-қимматини англашга ва ҳурмат руҳида ҳаётий ҳаракат қилиш имкониятини мужассамлаштиради. Айнан ҳуқуқий онг орқали инсон ҳуқуқнинг аҳамиятини ва фаолиятнинг самарадорлигини қўлга киритади, айнан шу орқали ҳуқуқий куч ўзининг санкциясини олади, ўзининг маърифатини олади ва ўзининг ахлоқсиз, маданиятсиз характерини йўқотади.

Шундай қилиб, ахлоқ - инсон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги хатти-ҳаракатларини тартибга солади ва ҳулқ-атворнинг маълум бир мазмунини, одат тусига кирган хатти-ҳаракатларини назарда тутди.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,

Судьялар олий мактаби "Қасбий кўникмалар кафедраси" мудири, ю.ф.ф.н., (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сонли "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
4. Зинатуллин З. З. Российская уголовно-процессуальная наука : генезис развития и современные проблемы // Вестник Удмуртского ун-та. Серия "Экономика и право". 2018. Т. 28, вып. 1. С. 162-165.
5. Сухова И.И. Нравственные начала в уголовном судопроизводстве: динамика, тенденции и перспективы научного осмысления. Вестник ВГУ. Серия: Право. - С. 294-295.
6. Мизулина Е. Б. О технологической теории уголовного процесса // Уроки реформы уголовного правосудия в России (по материалам работы Межведомственной рабочей группы по мониторингу УПК РФ и в связи с пятилетием со дня его принятия и введения в действие) // Сборник статей и материалов / под ред. Е. Б. Мизулиной, В. Н. Плигина; науч. ред. Е. Б. Мизулина. М., 2006. С. 68-87.
7. "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 02.10.2024).
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2023.
9. Александров А.И. Уголовная (политика и уголовный процесс в Российской государственности: история, современность, перспектив, проблемы / Под ред. В.З. Лукашевича. СПб.: Изд-во СПбГУ, 2003. С. 7.
10. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Axloq>
11. Шишкин А.Ф. XX век и моральные ценности человечества. / А.Ф. Шишкин, К.А. Шварцман. -М.: Мысль, 1967. - С.20, 21.
12. Зыбковец В.Ф. Происхождение нравственности. - М.: Политиздат, 1974. - С.9-23.

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Корпоратив низо – бу корпоратив муносабат иштирокчилари ўртасида келиб чиқадиган турли хил зиддиятлар ёки муросасизликлардир.

Улар билан боғлиқ ишларнинг судлар томонидан кўриб чиқилиши тарихига назар солсак, аввало бу тоифадаги низолар фуқаролик судлари томонидан ҳал қилинган ва кейинчалик хўжалик судлари томонидан мазмунан кўриб чиқиш белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан Хўжалик процессуал кодексида қўшимчалар киритилиб, корпоратив низолар билан боғлиқ ишларнинг асосий қисми, яъни иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, акциядорлар ўртасида, акциядорлар билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятдан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш хўжалик судлари ваколатига ўтказилди.

Мазкур ўзгартиришга асосан Хўжалик процессуал кодексида “Корпоратив низолар бўйича иш юритиш” деб номланган янги боб киритилиб, корпоратив низоларни хўжалик судлари томонидан кўришнинг процессуал жиҳатлари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4966-сон фармонида асосан суд тизимига ўзгартириш киритилиши билан 2017 йил 1 июндан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари томонидан мазкур тоифадаги ишлар ҳал этиб келинмоқда.

Иқтисодий процессуал кодексининг 30-моддасида корпоратив низолар бўйича ишлар рўйхати белгилаб берилган. Бирок, унда барча корпоратив низолар қамраб олинмаганлиги сабабли муайян ҳолларда у ёки бу низонинг корпоратив низо ҳисобланиши масаласини судьялар ишнинг мазмунига кўра ҳал этмоқдалар. Бунда даъво судга тааллуқлилиқ қоидаларини бузган ҳолда иқтисодий судга тақдим этилган тақдирда, даъво аризаси (ариза) тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказилмоқда.

Агар, суд томонидан даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин даъво аризасидаги талаб ишни кўриш жараёнида корпоратив муносабатдан келиб чиқилмаган деган ҳулосага келинган тақдирда, иқтисодий суд иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва иқтисодий суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Корпоратив низолар фуқаролик-ҳуқуқий (масалан, таъсисчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги ишлар) ёки оммавий-ҳуқуқий (масалан, ваколатли давлат органининг юридик шахсни тугатиш ёки қайта ташкил этиш тўғрисидаги аризаси) муносабатлардан вужудга келиши мумкин. Шунингдек, судларда кўриладиган корпоратив низолар мулкӣ (дивиденд ёки акциялар қийматини ундириш) ёхуд номулкӣ (таъсис шартно-

маси, умумий йиғилиш қарори ёки бошқа турдаги ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш ва ҳ. к.) хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Айрим хорижий давлатларнинг қонунчилигида корпоратив низоларнинг бир қатор турлари фарқланади. Жумладан, Америка Қўшма Штатларининг қонунчилигида корпоратив низоларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- бошқарув органларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги низолар: акциядорлар ёки акциядорлар гуруҳининг директорлар кенгаши ёки компаниянинг бошқа бошқарув органларининг қарорларига бўлган даъволари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Ушбу низолар, масалан, содиқлик бурчини бузиш, манфаатлар тўқнашуви ёки қарор қабул қилишда шаффофликнинг йўқлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин;

- бирлашиш ва сотиб олиш бўйича низолар: компанияларни бирлаштириш, сотиб олиш ёки қайта куриш жараёнида пайдо бўлади. Бундай низолар акция нархи, компаниянинг баҳоси, битимдан кейинги мулк улуши ёки бирлашишнинг процессуал жиҳатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин;

- акциядорларнинг низолари: компания акциядорлари ўртасида юзага келади ва турли масалалар билан боғлиқ бўлиши мумкин, шу жумладан акциядорларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқлари, дивидендлар ҳуқуқлари, акциядорлар йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқлари ва компания бошқарувини назорат қилиш ёки таъсир қилиш ҳуқуқлари.

- корпоратив жавобгарлик тўғрисидаги низолар: акциядорлар ёки учинчи шахслар компанияга ёки унинг бошқарув органларига қарши даъво кўзғатганда, уларни ҳуқуқ ёки мажбуриятларни бузишда айблашганда пайдо бўлади. Ушбу низолар молиявий фирибгарлик, ваколатни суиистеъмол қилиш ёки нотўғри бошқарув билан боғлиқ бўлиши мумкин.

- шартномани бузиш бўйича низолар: корпоратив битимлар, шериклик ёки акциядорлар ёки компаниялар ўртасидаги битимлар билан боғлиқ шартнома мажбуриятлари бузилганда пайдо бўлади.

- интеллектуал мулкни бузиш бўйича низолар: муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, савдо белгилари ёки тижорат сирлари каби интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилганда пайдо бўлади. Бу низолар патент бузилиши бўйича даъволар (нусха кўчириш, ёки интеллектуал мулк ҳуқуқидан ноқонуний фойдаланиш)ни ўз ичига олиши мумкинлиги белгиланган.

Шуни таъкидлаш керакки, бу АҚШдаги корпоратив низоларнинг фақат умумий турлари бўлиб, ҳар бир низонинг ўзига хос хусусиятлари, табиати ва ривожланишига таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар ва ҳолатлар мавжуд.

Россия Федерацияси қонунчилигида эса корпоратив низоларнинг ҳам миллий қонунчилигимизда назарда тутилганидан фарқ қилувчи қуйидаги турлари мавжуд:

- хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав капиталидаги акцияларни (улушларни) сотиш шартномаларидан келиб чиқувчи низо, ундирувчи мазкур улушларга (акцияларга) қаратиш билан боғлиқ низо;лар;

- юридик шахс муассислари, иштирокчилари ёки аъзоларининг юридик шахсга етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги талаблари бўйича низо;лар;

- юридик шахснинг бошқарув ва назорат органлари аъзоси бўлган шахсларни тайинлаш ёки сайлаш, уларнинг ваколатини тугатиш ёки тўхтатиб туриш билан боғлиқ низо;лар;

- масъулияти чекланган жамиятлар устав капиталидаги улушга доир битимларни нотариуслар томонидан тасдиқлашдан келиб чиқадиган низо;лар.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигидаги корпоратив низо турларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг баъзилари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

Корпоратив низо;ларни қиёсий таҳлил асосида ўрганган олим А.Беседин корпоратив низо;ларни мураккаб ишлар сифатида эътироф этиб, бирорта корпоратив низо доирасида келишмовчиликлар жараёнида нормал фаолиятига тўсқинлик бўлган юридик шахснинг ўзининг манфаатлари, ҳуқуқлари бузилган ёки низолашिलाётган иштирокчилари (акциядорлари) манфаатлари, шунингдек, одатда учинчи шахсларнинг манфаатларига таъсир қилишини таъкидлайди.

Корпоратив юридик шахслар, корпорация иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, корпорация ишини бошқариш кабиларга оид асосий қоидаларни ҳам Фуқаролик кодексимизда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фуқаролик кодексининг 11-моддасига корпоратив ҳуқуқларни ҳимоя қилишни алоҳида усул сифатида киритилиши корпоратив муносабат субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг гарови бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддаси бешинчи қисмига биноан, жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга ўтади. Бунда жамият жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улушининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асл ҳолида бериши шарт.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 20 июндаги “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низо;ларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 262-сонли қарори 22.3-бандида жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчининг улуши чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланишини инobatта олиб, ишдаги ҳужжатлардан улуш қийматини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки ушбу масала юзасидан низо вужудга келганда тарафларнинг илтимосига асосан улуш қиймати экспертиза тайинлаш йўли билан аниқланиши кераклиги, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг мазмунига кўра улуш қиймати экспертизани тайинлаш йўли билан аниқланганда, эксперт

олдига иштирокчи улушининг бозор баҳосидаги қиймати эмас, балки улушнинг жамият бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотлар бўйича қийматини аниқлаш тўғрисида савол қўйилиши лозимлиги, чунки қонун ҳужжатларида иштирокчининг улуши бозор баҳосида тўланиши назарда тутилмаганлиги, бундан чет эллик инвестор бўлган иштирокчи мустасно эканлиги судлар томонидан алоҳида эътиборга олиниши лозимлиги тавсия этилган.

Мазкур Пленум қарорининг 22.4-бандида эса “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ чет эллик инвестор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонадан чиқиб кетган ёки бу корхона тугатилган тақдирда, корхона мол-мулкдаги ўз улуши пул ёки бозор баҳосига мувофиқ равишда товар шаклида қайтарилиши ҳуқуқини олиши, чет эллик инвестор улуши қийматининг бозор баҳосини ишдаги ҳужжатлардан аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки ушбу масала юзасидан низо вужудга келганда тарафларнинг илтимосномасига асосан улуш қийматининг бозор баҳоси экспертиза тайинлаш йўли билан аниқланиши кераклиги назарда тутилган.

Бундан келиб чиқадики, масъулияти чекланган ва (ёки) қўшимча масъулиятли жамият иштирокчиси Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлганда унга жамиятдаги улушининг бозор баҳосидаги қиймати эмас, балки улушнинг жамият бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотлар бўйича қиймати тўланса, аксинча жамият иштирокчиси бўлган чет эллик инвестор ушбу масъулияти чекланган жамияти шаклидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонадан чиқиб кетган ёки бу корхона тугатилган тақдирда, корхона мол-мулкдаги ўз улушини пул ёки бозор баҳосига мувофиқ равишда товар шаклида қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Бу ҳолатда аниқ бир жамият иштирокчиси бўлиши мумкин бўлган икки шахсга, яъни Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний ва юридик шахсга ҳамда норезидент инвесторга бир хил шартлар асосида жамиятдан чиқиб кетишида ёки уларнинг чиқарилиш вақтида икки хил имкониятлар берилиши, қолаверса резидент ҳисобланган иштирокчига тегишли мулкнинг жамият бухгалтерия ҳисоботларидаги қиймати унинг амалдаги (бозор) баҳосига ҳар доим ҳам мутаносиб бўлмаслиги (масалан, охириги ҳисобот давридаги қиймат билан таъсисчилар сафидан чиқиб кетиш пайтидаги қиймат орасида кескин тафовутлар бўлиши мумкинлигини) уларнинг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлишини ва бу орқали уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етиши мумкинлигини инobatта олиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, корпоратив низо;лар билан боғлиқ айрим ишларни ҳал қилишда мавжуд бўлган турли ёндашувларни келгусида бирхиллаштириш корпоратив муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Хабибулло МАДАТОВ,

Жиззах вилояти Зомин туманлараро иқтисодий судининг раиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Беседин А.Н., Ефименко Е.Н., Козина Е.А., Лаптев В.А., Тягай Е.Д. Корпоративные отношения: комплексные проблемы теоретического изучения и нормативно-правового регулирования. – М.: Норма, 2014.
2. Дорожинская Е.А. Корпоративное право: курс лекций. Е.А. Дорожинская: Изд-во Сиб АГС, 2016. – 264 с. (Dorojinskaya E.A. Corporate law: lecture course. E.A.Dorojinskaya: Izd-vo SibAGS, 2016. p. 264.
3. Principles of Corporate Governance and Effective Boards. In book: Enhancing Board Effectiveness (pp.15-29). DOI:10.4324/9781315169477-2.

ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР СУДЛАРДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугунги кунда амалга оширилаётган демократик ислохотлар суд ишларини юритишда тарафларнинг тортишуви принципини, давлат манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш судлар томонидан фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларни кўришда прокурорнинг иштирокига, шунингдек ишларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан шикоят қилишга тааллуқли процессуал нормаларни янада аниқлаштирилишини тақозо этмоқда.

Ана шу мақсадда 2024 йил 30 сентябрда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 968-сонли қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурорнинг ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ ишларда иштирок этиш ҳуқуқини, шунингдек давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, 50-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги биринчи ва иккинчи қисмлар билан алмаштирилди:

“Прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ ишларда ёки прокурорнинг даъво аризаси (аризаси) асосида қўзғатилган ишларда иштирок этиши мумкин. Прокурор бошқа шахсларнинг аризаси билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас.

Прокурор давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин”;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

Иқтисодий процессуал кодексига прокурорнинг ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки билан боғлиқ ишларда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, давлат бюджетидан ундирувлар, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш, хусусий мулк сифатида эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш фактини аниқлаш, божхона тўловларини ундириш билан боғлиқ ишларда иштирок этишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, 49-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи қисмлар билан алмаштирилди:

«Прокурор ўзининг даъво аризаси (аризаси) асосида қўзғатилган ишларда, шунингдек давлатнинг қонун би-

лан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки билан боғлиқ ишларда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, давлат бюджетидан ундирувлар, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш, хусусий мулк сифатида эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш фактини аниқлаш, божхона тўловларини ундириш билан боғлиқ ишларда иштирок этиши мумкин.

Прокурор бошқа шахсларнинг аризаси билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ишлар мустасно”.

Бундан ташқари Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодексларида ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига прокурорни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида прокурор тегишли тарзда хабардор қилинмасдан қўрилган, қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган ишлар бўйича кассация протести, тафтиш тартибида протест келтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли судлардан ишларни талаб қилиб олишга бўлган ҳуқуқи белгиланди, шунингдек мазкур тоифадаги ишларни кўриш якунлари бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш тартиби аниқлаштирилди.

Хусусан, 407-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилди:

“Прокурорнинг иштирокисиз қўрилган иш бўйича кассация протестига ушбу Кодекс 403-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг мазкур протестни келтиришга асос бўлиб хизмат қилган мурожаатининг кўчирма нусхаси илова қилинади, бундан қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан қўрилган ишлар мустасно”.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, ушбу қонун прокуратура органларининг одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш борасидаги фаолияти самарадорлигини янада оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ҳамда давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга, шунингдек судларда ишларни муҳокама қилишда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Алишер АЯПОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси суди судьяси.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ МОНИТОРИНГИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада давлат органларида давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини мониторинг қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ҳуқуқий асослари, ушбу соҳада ўтказиладиган ўрганишлар юзасидан махсус ваколатли давлат органига берилган ваколатлар ва қўлланиладиган таъсир чоралари таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: махсус ваколатли давлат органи, мониторинг, давлат фуқаролик хизмати, ҳуқуқий асослар, тақдимнома, огоҳлантириш

Давлат органларида давлат фуқаролик хизматини ташкил қилиш ва амалга оширишда ягона ташкилий-ҳуқуқий механизмларни қўллашнинг бир хил амалиётини таъминлаш мақсадида махсус ваколатли давлат органи томонидан мониторинг ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи эканлиги назарда тутилган ҳамда унга бир қатор ваколатлар берилган.

Жумладан, ушбу агентлик давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши учун тегишли шарт-шароитлар яратишга қўмаклашишга, давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларининг мониторинги ҳамда таҳлилини амалга ошириб боришга масъул этиб белгиланган.

Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши аҳоли тегишли ўрганишлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади ҳамда зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари жалб қилиниши мумкин. Мониторинглар натижасида қонунчилик бузилганлиги аниқланган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи тегишли давлат органи раҳбарига аниқланган қонун бузилишларни ҳамда уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар, кўрсатма ва огоҳлантиришлар киритади.

Масалан, 2024 йилнинг 6 ойлигида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан 490 та ўрганиш ўтказилиб, жами 2 671 та ҳолатда қонунбузилишларига йўл қўйилганлиги аниқланган. Жумладан, 630 та ҳолатда танлов ўтказиш тартибига амал қилинмаган, 189 нафар фуқаро давлат фуқаролик хизмати лавозимларига танловсиз ишга қабул қилинган ҳамда 5 та ҳолатда кадрлар бўйича раҳбарлик лавозимига номзод Агентлик билан келишмасдан тайинланган, 205 нафар давлат фуқаролик хизматчисининг меҳнатига ҳақ тўлашда уларнинг ҳуқуқлари бузилган, 80 нафар давлат фуқаролик хизматчисига меҳнат таътиллари беришда, 72 нафарига нисбатан интизомий жазо чорасини қўллашда қонунчилик талабларига амал қилинмаган, 211 нафар давлат фуқаролик хизматчисига эксклюзив ҳуқуқлар татбиқ этилмаган, 4 та ҳолатда ишдан бўшатиш тартибига риоя қилинмаган, 29 та ҳолатда жамоа шартномаси қабул қилинмаган ҳамда ходимларга имзо қўйдирган ҳолда таништирилмаган, 46 та ҳолатда давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари ва Одоб-ахлоқ комиссияси тасдиқланмаган, 889 та ҳолатда инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатлар “<http://argos.uz>” электрон платформаси орқали шакллантирилмаган.

Бунинг натижасида 113 та тақдимнома, 79 та маъмурий таклиф ва 194 та ёзма огоҳлантириш хати киритилган ҳамда қўлланилган таъсир чоралари натижалари бўйича 51 нафар давлат фуқаролик хизматчисининг меҳнатига ҳақ тўлашда уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган,

72 та ноқонуний қабул қилинган буйруқ бекор қилинган, 13 та ҳолатда Танлов комиссиясининг ҳулосаси бекор қилинган ва танлов қайта ўтказилган.

Шунингдек, фаолиятида камчиликларга йўл қўйган 62 нафар айбдор шахсга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилган, шундан 14 нафари билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳамда 57 нафар айбдор шахсга нисбатан (110,3 млн сўм) маъмурий жарима қўлланилган.

Бирок, давлат фуқаролик хизматчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ўтказиладиган ўрганишлар натижасида қўлланилган таъсир чораларини тегишли давлат ташкилотлари ўз вақтида ва лозим даражада бажармаса ёки бажаришни рад қилган тақдирда унинг ҳуқуқий оқибатлари қонунчиликда аниқ кўрсатилмаган, яъни шундай ҳолат юзага келган тақдирда тегишли таъсир чораларининг бажарилишини таъминлаш йўллари аниқ белгиланмаган.

Мисол учун, Адлия вазирлигининг қонун бузилишларини бартараф қилиш юзасидан киритган тақдимномаси тегишли давлат ташкилоти томонидан ўз вақтида бажарилмаса ёки рад қилинса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 198⁴-моддасида Адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Худди шундай Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларининг кўрсатмаларини бажармаганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Бирок, Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик учун ҳеч қандай жавобгарлик мавжуд эмас, шу боис Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга “Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик” деб номланган 198⁷-моддаси қўшимча янги норма сифатида киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, давлат органларида фаолият олиб бораётган давлат фуқаролик хизматчиси муайян соҳадаги давлат ҳокимияти ваколатларини амалга оширадиган экан, албатта у ўзининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларининг давлат ҳимоясида эканлигини билиши лозим ва бу ўз навбатида давлат фуқаролик хизматчисининг ўз вазифаларини виждонан, сифатли ва самарали бажарилишини таъминлайдиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Камарбек СЕИТНИЯЗОВ,

Қорақалпоқ давлат университети
мустақил иزلанувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

- <https://lex.uz/docs/6145972#6146907>.
- <https://lex.uz/docs/6145972#6146907>.
- <https://lex.uz/ru/docs/4552053>.
- <https://argos.uz/uz/press-center/news/744>.
- <https://lex.uz/docs/97664#200613>.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТДА ТУЗИЛАДИГАН ВАСИЯТНОМАЛАР ВА УЛАРНИ ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Васиятнома – васият қолдирувчининг шахсан ўзи томонидан тузиладиган бир томонлама битим ҳисобланади. Васият қолдирувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1127-моддасига асосан хоҳлаган вақтда васиятномани ўзгартириши ва бекор қилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда васиятномалар васият қолдирувчи томонидан шахсан тузилиб, нотариус томонидан ёки ваколат берилган лавозимли шахслар томонидан расмийлаштирилади.

Фуқаролик кодексининг 1125-моддасида нотариал тасдиқланган васиятнома васият қолдирувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Бундай васиятномани васият қолдирувчи касаллиги ёки саводсизлиги боис имзолай олмаса, Адлия вазирининг 04.01.2019 йилги 2-мҳ-сон билан чиқарилган буйруғи билан тасдиқланган ва 3113-сон билан рўйхатдан ўтган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 87-бандига асосан, васият қолдирувчининг илтимосига кўра нотариус ҳозирлигида бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Ушбу жараёнда имзо қўя олмаганлик сабаблари матнда кўрсатилади ва имзо қўйган шахсга Фуқаролик кодексининг 1128-моддаси талаблари (васиятноманинг сир сақланиши) тушунтирилади ва васиятнома матнига киритилади.

Васият қолдирувчининг ўрнига имзолаши мумкин бўлмаган фуқаролар қонунчилигимизда кўрсатиб ўтилган. ФКнинг 1124-моддасига асосан васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, унинг эри (хотини), ота-онаси, нева-чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари, тўлиқ муомала лаёқатида эга бўлмаган шахслар, саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар, ёлгон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар васият қилувчининг ўрнига имзо қўйиши мумкин эмас.

Махфий васиятномалар ҳам нотариал тартибда тузилиши мумкин. Бу вазиятда васият қолдирувчи васиятномани ўз қўли билан имзолайди ва нотариус икки гувоҳ иштирокида ушбу васиятномани хатжилдга солиб елимлайди ҳамда гувоҳларнинг исми-шарифлари ёзилади ва доимий турар жойларини кўрсатган ҳолда имзо қўйилади. Ушбу хатжилдни гувоҳлар иштирокида нотариус бошқа хатжилдга солиб елимлайди ва унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.

Нотариал тартибда тасдиқланган васиятномаларни имзолаш жараёни “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 88-бандига асосан аудио ва видео тасмага қайд этилади.

Инсон ҳаётида шундай вазиятлар бўладики, у васият қолдириш учун нотариал идорага бора олмаслиги мумкин, масалан касалхонада ёки қамоқхонада ва шу каби жойларда бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда Фуқаролик кодексининг 1126-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддаси талабларига асосан васиятнома қуйидагича расмийлаштирилиши мумкин. Унга кўра:

- агар васият қилувчи касалхонада, госпиталда, бошқа стационар даволаш муассасаларида ёки кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида яшаб турган бўлса,

ана шу касалхона, госпитал ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи шифокорлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, интернат уйларининг директорлари ёки бош шифокорлари томонидан васиятномалар тасдиқланиши мумкин;

- Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги кемаларда сузиб юрган вақтда ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан фуқароларнинг васиятномалари тасдиқланиши мумкин;

- қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедицияларда фуқароларнинг васиятномалари ана шу экспедиция бошлиқлари томонидан тасдиқланиши мумкин;

- нотариуслар бўлмаган жойларда жойлашган ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг, бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг васиятномалари ҳарбий қисмларининг командирлари томонидан тасдиқланади;

- озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг васиятномалари тегишли муассаса бошлиқлари томонидан тасдиқланади;

- нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг васиятномалари қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ушбу васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар деб талқин этилади. Ушбу шаклдаги васиятномалар Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасида кўрсатиб ўтилган ва шунингдек ушбу васиятномалар “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 92-бандига асосан ваколатли шахслар томонидан тасдиқланган ҳолда ушбу васиятноманинг бир нусхаси васият қилувчи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойдаги идоравий нотариал архивга сақлаш учун юборилиши шарт. Идоравий нотариал архив ходими шу куннинг ўзида тизимга ушбу васиятнома ҳақида маълумот киритади. Нотариус сақлаш учун келиб тушган васиятномани текшириб қўриши ва унда қонунчилик ҳужжатларига номувофиқлик аниқланган тақдирда бу ҳусусда васият қилувчига ва васиятномани тасдиқланган мансабдор шахсга маълум қилиши керак.

Васиятномани тузишда энг аҳамиятли бўлган жараён, васият қилувчининг аҳволи, яъни муомалага лаёқатлилиги ва унинг хоҳиш истаги бўлиб ҳисобланади. Васият қилувчи билан суҳбатлашиш жараёнида унинг ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуниб турганлигини, соғлигида ҳеч қандай муаммо (чалкашлик) йўқлигини ва ўз хоҳиши билан, яъни ҳеч қандай тазйиқсиз келиб турганлигини аниқлаш зарур. Акс ҳолда, келажакда васиятномалар ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда давлатимизда юқорида кўрсатилган васиятнома шакллари амал қилиб келинмоқда. Лекин, ҳозирги глобаллашув жараёнида инсон ҳаётида мисли қўрилмаган

ходисалар юз бериши мумкин. Ушбу жараён эса қонунчилигимизга қўшимчалар киритиш кераклигини тақозо этмоқда, яъни фавқулодда вазиятда тузилган васиятнома шаклини киритиш вақти келди. Ривожланган чет эл давлатларининг қонунларида фавқулодда вазиятда тузилган васиятномалар акс этганини кўрамиз. Масалан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1129-моддаси фавқулодда вазиятдаги васиятномага бағишланган. Унда, “Фуқаро ўз ҳаётининг хавф туғдирадиган ҳолатда, яъни фавқулодда вазиятда турганлиги боис қонунда кўрсатилган ҳолда васиятномани тузиш имконига эга бўлмаса, ўз хоҳишини оддий ёзма шаклда билдириши мумкин. Васиятномада васият қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-истаги билдирилган ва айнан унинг васиятномаси деб кўрсатилиши учун у васиятномани ўз қўли билан ёзган ва имзолаган бўлиши ҳамда бунда икки гувоҳнинг иштирок этган бўлишлиги талаб этилади. Ушбу талаб фақат фавқулодда тузиладиган васиятномани амалга оширганда қўлланилади. Агар, васият яхши томонга ўзгарган ва васият қолдирувчининг вазияти яхшиланган бўлиб у қонунда кўрсатилган шаклда васиятномани тузишга имкони бўлса-ю уни амалга оширмаган бўлса, фавқулодда вазиятда тузилган васиятнома ўз кучини йўқотади. Фавқулодда вазиятда тузилган васиятноманинг ижроси фақат суд томонидан манфаатдор шахснинг даъвоси билан кўриб чиқилади”, деб кўрсатилган.

Фавқулодда вазиятда тузилган васиятноманинг энг муҳим шарти – айнан васият қолдирувчининг ҳаёти хавф остида бўлганлиги билан белгиланади. Кўпчилик олимларимиз ушбу масалада ўз фикрларини келтириб ўтган. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича юридик фанлар доктори А.А.Рубановнинг фикрича, “Агар инсон вужудга келган вазият боис ўз ҳаётини хавф остида деб билса ва унда нотариал тартибда ёки бошқа ваколатли шахс томонидан васиятнома тузиш имконияти бўлмаса, унинг гувоҳлар иштирокида шахсан ўзи томонидан ёзиб қолдирган васиятномаси фавқулодда вазиятда тузилган васиятномаси”, деб талқин этилиши кўрсатилган.

Уруш ва низолар, техноген ҳодисалар, табиий офатлар инсон ҳаёти учун хавф деб кўрсатилиши мумкин. Лекин, олимларимиз фавқулодда ҳодиса ва фавқулодда вазият тушунчаларига қуйидагилар киришини таъкидлаб ўтганлар. Аниқ бир ҳудудда юз берган табиий ҳодисалар, масалан, транспорт аварияси, ёнғин, ер қимирлаши, чанг бўронлари, инфекцион эпидемия тарқалиши каби ҳодисалар шулар жумласидандир. Шунингдек, ички сиёсий ҳолатда юз берган ҳарбий низолар ҳам инсон соғлиги ва ҳаёти учун хавф бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Бундай вазиятни аниқлаш ва ушбу вазиятда васиятномани ҳақиқий деб топиш фақат суд томонидан амалга оширилиши туфайли судьяларга катта масъулият юклатилган. Сабаби, фавқулодда вазият тушунчалари ва унинг моҳияти қонунларда аниқ кўрсатиб ўтилмаган. Россия Федерацияси суд процессларида ушбу масалада бир қанча ишлар кўриб чиқилган. Масалан, васият қолдирувчи ўз уйида васиятномани ўз қўли билан икки гувоҳ иштирокида ёзиб кетган ва уч-тўрт кундан кейин вафот этган. Суд бу жараёнда васиятномани фавқулодда вазиятда тузилган васиятнома деб тан олмаган, сабаби бу вақтда васият қолдирувчининг нотариусни уйига чақириш имконияти мавжудлигини важ қилган. Яна бир ҳолатда васият қолдирувчи васиятнома икки гувоҳ иштирокида тузган. Бунда ҳам судья бу васи-

ятномани ҳақиқий деб топмаган. Сабаби, васият қолдирувчи бу васиятномани ўз қўли билан ёзмаган.

Агар, фуқаро фавқулодда вазиятда ўз васиятномасини ёзган, лекин ушбу вазиятдан халос бўлган бўлса, у васиятномасини нотариал тартибда ёки бошқа ваколатли шахс томонидан тасдиқлаб олиш имкониятига эга бўлса, уни зудлик билан амалга ошириши керак. Сабаби, хавфдан халос бўлиш, васият қолдирувчига ўз ҳуқуқларини эркин, қонуний амалга оширишга тўсқинлик қилмайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, глобаллашув жараёнида инсон турмуш тарзи, дунёқараши, муаммолари ҳам ривожланиб, кенгайиб боради. Шу сабабли уларнинг, яъни жамиятнинг ҳуқуқ ва манфатларини қонунчилигимизга мослаштириш лозим. Оддийгина васиятнома шакллари кўриб чиқилганда фавқулодда тузилган васиятнома қонунчилигимизга киритиш вақти келганлигини ҳис қиламиз. Сабаби, бугунги кунда қонунларимиз ҳар томонлама инсон ҳаёти учун жавоб берадиган, унинг ҳуқуқларини амалга оширадиган, таъминлайдиган даражада бўлиши керак.

Фавқулодда вазиятда тузилган васиятномада васият қолдирувчининг соғлиги эмас, айнан ҳаётига хавф туғилган бўлиши кераклиги энг муҳим роль эгаллайди. Сабаби, васият қолдирувчи васият қолдираётган вақтда тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлиши керак, акс ҳолда васиятнома ҳақиқий эмас деб топилади. Иккинчидан, ушбу васиятнома васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёзилган ва имзолаган, шунингдек икки гувоҳ иштирокида тузилган бўлиши лозим. Учинчидан, ушбу вазиятда тузилган васиятнома – айнан инсон ҳаётига хавф бўлган вақтнинг ўзида тузилган бўлиши керак. Ушбу ҳолатлар суд процессида биринчи навбатда муҳокама қилинади ва ҳал этилади.

Фавқулодда тузиладиган васиятномаларни тузишда айнан қайси вазият инсон ҳаёти учун хавф эканлигини аниқлаш ва қонунларимизга аниқлик киритиб кетиш зарур. Сабаби, айнан васиятноманинг тўғри талқин этилишида вазиятнинг ўзи муҳим роль ўйнайди.

Фавқулодда вазиятда тузилган васиятномалар ёзма шаклда тузилишини кўриб чиқдик, лекин кўпчилик ривожланган давлатларда, масалан Испания, Швецария қонунчилигида фавқулодда вазиятда тузиладиган васиятномалар оғзаки ва гувоҳлар иштирокида ҳам тузилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ривожланган давлатлар қонунчилигини, уларнинг аҳамияти ва амалиётини ўрганиш, ўз навбатида қонунчилигимизга мос келадиган томонларини кўриб чиқиш энг муҳим вазифа. Сабаби, инсонларнинг хоҳиш-истаклари, шу билан бирга муаммолари ҳам ўзгариб бормоқда. Жамият муносабатларини тартибга солиб туриш учун қонунларимиз замон талабига жавоб берадиган бўлиши керак.

Динора БЕКНИЯЗОВА,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома.
2. Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси.
3. Рубанов А.А., Конституционная гарантия права наследования свобода наследования.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
5. Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонун.

ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада ғарб ва шарқ олимларининг ижтимоий давлат тушунчасига берилган илмий таърифлари таҳлили, ижтимоий давлатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий давлатни тавсифлашда унинг таркибий мазмунини ташкил этувчи унсурлари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: ижтимоий давлат, ҳуқуқий давлат, ижтимоий сиёсат, жамият ва давлат, шахс ва давлат.

Ижтимоий давлат тўғрисидаги гоё биринчи марта XIX асрнинг 50-йилларида немис иқтисодчи олими Лоренс фон Штейн томонидан илгари сурилган. Лоренс Штейн “1789 йилдан Франция ижтимоий ҳаракати тарихи” асарида ижтимоий масалани ҳал қилишда қуйидаги ечимни таклиф қилди: “аҳолининг камбағал табақаси давлат ҳокимияти ёрдамида меҳнат муносабатини мустақил, моддий эркин ҳолатда ўзгартириши керак”.

Давлат ҳокимиятининг ёрдамисиз аҳолининг камбағал табақаси меҳнатга оид муносабатларни мустақил амалга ошира олмайди. Ижтимоий давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларининг ҳуқуқларини таъминлашда тенгликни сақлашга мажбурдир.

Л.фон Штейн ижтимоий ислохотларни амалга оширишни давлатнинг мақсадли сиёсати билан боғлайди, чунки давлат капитал ва меҳнатдан устун туради ва ўзи “қарам бўлган давлатдан кўп азоб чекади”. Қуйи, соф ишчилар синфи қанча кўп бўлса, давлатнинг ўзи ҳам қашшоқроқ бўлади.

Давлат “ижтимоий масала”ни шундай давлат тузумини ва меҳнатнинг ўзи мулкка эга бўлишига олиб келиши мумкин бўлган институтларни яратиш орқали ҳал қилиши мумкин. Бу йўл давлатни ижтимоий давлатга айлантиради ва ҳар бир инсонга (фаровонлик) ижтимоий шароитларни таъминлаш имконини беради.

Л.Ф.Штейннинг тушунчасига кўра, давлат ижтимоий адолатнинг ягона кафолатидир ва шу тариқа “барча ижтимоий институтлар ва манфаатлардан устун туради”.

Олимнинг ижтимоий давлатга берган таърифида ижтимоий давлатнинг маълум бир жиҳатларига эътибор берилган (суғурта, соғлиқни сақлаш, қашшоқликка чек қўйиш) бўлсада лекин, ижтимоий давлат гоёси ҳақидаги ҳар қандай тадқиқот ушбу таърифдан бошланиши керак, чунки у давлатга синфий институт сифатида ёндашишни рад этди ва кураш олиб борди, биринчи марта собиқ “жамият-давлат” ўрнига “шахс-давлат” муносабатларининг устуворлигини қўйди ва давлатнинг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт деб эълон қилди. Барча ижтимоий давлатларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган шахс-давлат муносабатларининг устуворлиги XIX асрда эътироф этилди. Демак, ижтимоий давлатда шахс жамиятда моддий бойликлар яратишда иштирок этиши ёки иштирок этмаслигидан қатъий назар муносиб турмуш шароити билан таъминлаши лозим.

Ижтимоий давлатнинг замонавий назариётчиси Е.А.Лукашева ҳам немис мутафаккири Л.фон Штейннинг ижтимоий давлат тўғрисидаги ҳулосаларини тасдиқлаб: давлатнинг шахс эркинлиги ва ҳуқуқий тенглик тамойилларига аралашмаслиги ижтимоий давлатнинг ҳуқуқий давлатдан кейин пайдо бўлганлигини эътироф этади, дейди.

Шахснинг давлат томонидан яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ижтимоий масалаларни ўз мулкка эга бўлиши орқали ҳал қилиши ижтимоий давлатга хос бўлган белгилардан биридир. Ижтимоий давлатда ҳокимият ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш мақсадида ижтимоий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши зарур.

Ижтимоий давлатда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами давлатдан олинган ёрдамни моддий таъминот сифатида қабул қилиши,

келажакда ушбу таъминот ёрдамида ўз мулкка эга бўлиб, давлат томонидан берилган мулкдан самарали фойдаланиши лозим.

Ижтимоий давлат турларининг биринчи таснифини амалга оширган Лондон Иқтисодиёт мактабининг (ЛСЕ) Ижтимоий бошқарув профессори Ричард Титмусс ижтимоий давлатни “Бозор ўрнини босишга асосланган ижтимоий давлат модели”, “Саноат муваффақияти намоиш модели” ва “Институционал қайта тақсимлаш модели” асосида таърифлади. Ижтимоий давлатнинг мақсади ижтимоий сиёсат воситалари ёрдамида жамиятдаги заиф, камбағал ва муҳтож одамларни ҳимоя қилиш, ходимларнинг аҳолини яхшилаш, одамларнинг келажакдаги хавфсизлиги ва жамият фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ижтимоий давлат амалиёти мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий, маданий хусусиятларига қараб фарқланади ва ўзининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳадаги йўналишларини халқ манфаатларидан келиб чиқиб белгилайди.

Бу атама давлатнинг ижтимоий фаровонликини оммалаштириш мақсадида иқтисодиётга фаол ва ҳар томонлама аралашувини назарда тутувчи давлат тушунчасини ифодалайди.

Ижтимоий давлатнинг асосий мақсади кенг маънода бозор иқтисодиётидаги носозлиқлар ва камчиликларни бартараф этишдир.

Ривожланган бозор иқтисодиёти даврида мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини конституциявий норма ва жорий қонунларда мустақамланмоғи зарур.

Академик Акмал Саидовнинг фикрига кўра ижтимоий давлатнинг муҳим тамойиллари бирдамлик ва шахсий жавобгарликдир. Ҳукумат уларни амалга ошириш учун кенг тармоқли ижтимоий хизматларни ташкил этади. Ижтимоий давлат тушунчаси шахснинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш бўйича давлат мажбурияти туфайли фуқаролар эркинлиги соҳаларини ҳам ҳимоя қилишни кўзда тутди. Ижтимоий суғуртанинг иш берувчи ва ёлланма ходимлар томонидан молияланадиган бешта тури (нафақа, касаллик туфайли, зарурият юзасидан беморга қараш, бахтсиз ҳодиса, ишсизлик) билан бир қаторда, ижтимоий тармоқ солиқлар ҳисобидан молияланадиган хизматлар, масалан, кўп болали оилаларга нафақа тўлаш (аниқроғи оилавий сарф-харажатлар юкини барабарлаштириш) ёки ижтимоий таъминот бўйича нафақаларни ҳам ўз ичига олади.

Демак, ижтимоий давлатда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларига ажратиладиган маблағлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши лозим.

Ижтимоий бошқарув тизимида тенгликни таъминлаб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш механизмнинг бир меъёрида ишлаши учун ҳуқуқий жиҳатдан шарт-шароитлар яратиш ва ушбу тизимнинг тўлиқ амалда бажарилишини назорат қилувчи давлат ижтимоий давлатдир.

Шу билан бирга олим ижтимоий давлатни тавсифлашда унинг таркибий тузилмасини ташкил этувчи аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш маъносида унинг иш билан бандлиги таъминланишини, ишсизликдан муҳофазаланиши, фаол меҳнат бозори тизими яратилиши; таълим, тиб-

бий хизмат кўрсатиш тизими яратилганлиги, инсонлар вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган чоғларида ижтимоий тўловлар ва нафақалар воситасида уларга қўмаклашиш, ногиронлар, ўзгалар қарамоғидан махрум бўлган ва боқувчисидан ажралганларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги; ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнида жароҳатланганларга ғамхўрлик кўрсатилиши, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали камбағалликдан ва яқкаланиб қолишдан ҳимояланганлиги, бирон бир даромад манбаи бўлмаганларга турмуш кечириш учун етарли минимал моддий ёрдам кўрсатилиши; минимал истеъмол саватчаси билан таъминланганлиги каби унсурларга ҳам эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлайди.

Файласуф олим, профессор Қ.Назаровнинг фикрича давлат инсон ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини ва манфаатларини таъминлаш ва-зифасини аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари (ишсизлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, боқувчисидан ажралганлар, ногиронлар, кўп болали оилалар ва ҳ.к)ни ижтимоий ҳимоялаш билан қўшиб олиб боради.

Ижтимоий хавфсизлик мамлакатдаги ижтимоий тенгсизликка барҳам беришда намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий давлат деб эътироф этилган давлатларда инсон ва фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлмоғи зарур.

Ижтимоий давлатнинг қуйидаги хусусиятлари унинг ижтимоий тузилишига (социал бошқарув унсурлари), ижтимоий меъёрларнинг моҳиятига ўз таъсирини ўтказиши:

1. Шахс-давлат муносабатларининг “жамият-давлат” муносабатларидан устунлигини таъминлаш.

2. Давлат ҳокимияти ижтимоий барқарорликни сақлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши.

3. Кам таъминланган фуқароларга иш ва уй-жойларни яратиш.

4. Тадбиркорлик субъектлари ва кўчмас мулк ишлаб чиқарувчиларга солиқ имтиёзларини қўллаш.

5. Хайрия ва ижтимоий хизматларнинг тизимли назоратини йўлга қўйиш.

6. Ижтимоий адолат ўрнатилганлиги, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш механизмнинг бир меъёрга ишлаши учун шарт-шароитлар яратиш.

7. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

8. Ногиронлиги бор болаларнинг таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш.

9. Ижтимоийлаштирилган соғлиқни сақлаш хизматини кафолатлаш.

10. Фуқароларнинг касб танлаш эркинлиги ва меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш.

11. Шахс ҳаётининг асосий эҳтиёжларини кафолатлаш орқали барча фуқароларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш.

12. Иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

13. Шахсга, жамиятда моддий бойликлар яратишда иштирок этиш ёки иштирок этмаслигидан қатъий назар муносиб турмуш шароитини таъминлаш.

14. Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларига ажратиладиган маблағларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш.

15. Ижтимоий давлат манфаатлари ҳар қандай ноқонуний тажовузлардан давлат ҳокимияти тизимининг субъектлари томонидан муҳофаза қилиниши ва ҳ.з. Ўзбекистонда ижтимоий давлатнинг асосий тамойиллари бу — халқ жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилишда бирдамлик билан фаол иштирок этиши ва ушбу жамиятда яшаётган халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланганлигидир.

Ижтимоий суғуртанинг энг юқори даражаси ўрнатилган давлатнинг бошқарув тизими, ижтимоий давлатга хос бўлган белгилар мавжуд давлатлар қаторида эътироф этилиши мумкин.

Демак, бошқарув тизимида кучли ижтимоий сиёсатнинг белгилари мавжуд бўлган давлатни ижтимоий давлат деб қарасак, ижтимоий давлатда:

биринчидан, мамлакат аҳолиси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни камайтириш;

иккинчидан, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини, мулкка эгалик қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш, бепул таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиш, оила, оналик ва оталик, болаликни, ногиронлар ва кекса фуқароларни давлат томонидан муҳофаза қилишни конституциявий нормалар билан мустаҳкамлаш;

учинчидан, давлат сиёсатининг асосий бўғини бўлган аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши, эркин ривожланишини таъминлайдиган ижтимоий шарт-шароитларни яратиш;

тўртинчидан, мамлакатдаги фаол ижтимоий сиёсатни таъминлаш; бешинчидан, давлат инсон ва фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини масъулият билан таъминлаши шарт.

Ижтимоий давлат амалда бўлган жамиятда, давлат томонидан инсон кадр-қиммати юксак даражада эъзозланиши, ижтимоий қарама-қаршилиқлар бартараф этилиши лозим.

Ижтимоий давлатнинг бош мақсади, ижтимоий соҳанинг бузилишига йўл қўймаслик, ушбу қоидага амал қилган ҳолда келгусида ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатини қабул қилиш;

ҳар йил якунида кейинги йил учун “Ижтимоий давлат дастури”ни ишлаб чиқиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини давлат томонидан ижтимоий суғурта қилиш;

ижтимоий солиқларни жорий этиш;

ижтимоийлаштирилган соғлиқни сақлаш хизматини жорий этиш чора-тадбирларини кўриш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, мавжуд ижтимоий давлатлар аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини муҳофаза қилиш механизми ҳуқуқий жиҳатдан тўғри йўналтирилган бўлса, ушбу давлат ижтимоий давлат деб белгиланади.

Каримахон МИНГБоева,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алябьева Т.К. Теория и общественная практика происхождения государства. Курс лекций-М.: Изд-во МГОУ 2012-С. 359.
2. Azizov N.P.O'zbekistonda ijtimoiy davlat barpo etishning konstitutsiyaviy – huquqiy asoslari. –Toshkent: Yurist Axborotnomasi. Huquqiy,ijtimoiy,ilmiy-amaliy jurnal.2023 y.6-son,3-jild.3-bet.
3. Кочеткова Л. Н. Теория социального государства Лоренца фон Штейна/ Философия и общество 3/2008 – С.71.
4. Nazarov Qiyom. Jaxon falsafasi qomusi, 1-kitob/T.;“O'zbekiston Faylaso'flari milliy jamiyati” nashriyoti,2022,-445-446 betlar
6. Odilqoriev X.T. Konstitutsiya va ijtimoiy davlatlilik. –Toshkent : Yuridik adabiyotlar Publish, 2022 y.-79-bet
7. Serdar YAY Tarihsel Süreçte Türkiye'de Sosyal Devlet Cilt 3 Sayı 9 Kış 2014 21. Yüzyılda Eğitim ve Toplum 148-b
8. Saidov A.X. GFR Asosiy Qonunining g'oyaviy qadriyatları va an'anaları.-T.: Demokratlashtirish va inson huquqlari. Ilmiy-ma'rifiy jurnal, 2019 yil fevral, 2-son-23-24 bet.
9. Штейн, Л. фон. История социального движения Франции с 1789 г. – СПб.: Тип.А. М. Котомина, 1872. – С.95-ст.

КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада коррупцияга оид жиноятларнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар, ўзаро алоқадорлиги, таснифланиши, сабаб ва оқибатнинг бозглиқлиги, илмий ёндашувлар, илмий тадқиқотлар ҳамда хорижий ва миллий олимларнинг илмий ишлари қиёсий таҳлил қилиниб ўзига хос жиҳатлари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: коррупцияга оид жиноят, сабаб, шарт-шароит, сабаб-оқибат, тадқиқот, стратегия, илмий ёндашувлар.

коррупцияни белгиловчи сабаблар ва шарт-шароитлар умумий (демократик анъаналарнинг чуқур илдиз отмаганлиги; фуқаролик жамиятининг заифлиги; ҳокимият институтларининг самарасизлиги; қонунчиликнинг номукаммаллиги; иқтисодий таназзул, сиёсий беқарорлик) ва хусусий (ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, тарбиявий, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа) гуруҳларга ажратилади.

Барчага маълумки, коррупцияни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммолар келтириб чиқаради. Коррупцияга оид жиноятларга қарши курашишда унинг юзага келиш сабаб (шарт-шароит)ларини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Улар коррупциянинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий табиатига мос равишда шаклланиб боради.

Ҳуқуқшунос А.А. Онасенконинг таъкидлашича, иқтисодиётнинг турли соҳаларида давлат томонидан тартибга солинадиган муносабатлар (экспорт-импортни жорий этиш, чекловлар қўллаш, солиқ имтиёзлари, субсидиялар жорий қилиш) мавжуд экан коррупция пайдо бўлади ва ривожланиб боради.

Е.О.Каволёва коррупцияга оид жиноятлар юзага келишининг сиёсий сабабларини ҳокимиятнинг иқтисодий элита манфаатларига қарамлиги халқ ишончини сўндириб бориши, ҳокимият вакилларида коррупцияга қарши курашиш истагининг йўқлиги, жамоатчилик назоратининг сустлиги, демократик жамият томонидан иқтисодий йўналишда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти назорат қилинишининг самарасизлиги билан изоҳласа, иқтисодий сабабларини аҳолининг даромади юқори бўлган қисми жамиятнинг турли соҳаларида монополиялар ўрнатиш мақсадида ҳокимиятга интилиши, моддий манфаат кўриш истаги, иқтисодий-ижтимоий вазиятнинг ёмонлашуви сингари ҳолатлар билан изоҳлайди.

Унинг фикрича, бюджет маблағларидан фойдаланишда кузатиладиган коррупцияга оид жиноятларни назорат функцияларининг етарли эмаслиги келтириб чиқаради.

А.Т.Насиров эса коррупция жиноятларининг институционал сабаблари сифатида давлат органлари фаолиятининг ёпиқлиги ҳамда қонун ижодкорлигининг шаффоф эмаслигини кўрсатиб ўтади.

Бугунги кунда барча жиноятлар учун хос бўлган умумий, асосий ёки хусусий аҳамиятга эга бўлган сабаблар ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар мавжуд эмас.

Рус олими А.Алексеевнинг фикрича, жиноятчиликнинг содир этилиши сабаблари ва шартлари аниқлан-

ган тақдирдагина унинг олдини олиш мумкин бўлади ва буни жиноятчининг шахсига эътибор қаратмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Шахснинг бундай хатти-ҳаракатни келтириб чиқарадиган ёки унга ҳисса қўшадиган хусусиятлари профилактика ҳаракатларининг бевосита объекти бўлиши керак.

Олимлар коррупцияга оид жиноятларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганишга доир стратегияларнинг турли шакллари мавжудлигини кўрсатиб ўтадилар.

В.В.Потомский коррупцияга қарши курашиш стратегияларини 4 хил типологияга ажратади:

1. Коррупция сабабларини тизимли равишда бартараф этиш стратегияси. Асосий эътибор ушбу муаммонинг ташқи кўринишларига, яъни коррупционерларнинг фаолиятига эмас, балки коррупция сабабларини бартараф этишга қаратилган. Ушбу стратегия Фарбий Европа мамлакатларига хос бўлиб, коррупция оқибатларини янада минималлаштириш учун қўлланилади;

2. “Уруш” стратегияси. Ушбу стратегия коррупциянинг ташқи кўринишларига, мавжуд коррупцияга ва аниқ коррупционерларга қарши курашишдан иборат. Шунинг таъкидлаш керакки, ушбу стратегия фақат икки турдаги (аномал ва авторитар) жамиятларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Бу стратегия қоида тариқасида, узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёнинг авторитар мамлакатларида кенг тарқалгани бежиз эмас;

3. Аралаш коррупцияга қарши стратегиялар. Юқорида таклиф қилинган коррупцияга қарши стратегияларининг бирлашуви бўлиб, коррупция сабабларини бартараф этиш стратегияси аниқ коррупционерларга қарши курашишни ўз ичига олади ва “уруш” стратегияси сабабларини бартараф этишга қаратилган бўлади;

4. “Онгли пассивлик” стратегияси. Коррупцияга қарши курашнинг бундай ёндашуви унга қарши курашишга қаратилган фаол ҳаракатлар самарасиз деган фикрга асосланади. Коррупцияга бир томондан муҳим муаммо сифатида қаралади, унинг жамият ва давлатга зарарли таъсири тан олинади, лекин бошқа томондан, бу вақтинчалик ҳодиса ва бозор иқтисодиётига эга либерал демократия деб ҳисобланади. Натижада, давлат коррупция динамикасини тартибга солиш қобилиятига эга бўлмайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга оид жиноятлар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш тартибларини белгилаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди.

2017 йилда илк бор қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ҳамда бу борада-

ги давлат дастурларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида коррупциянинг ҳолатини, унинг жиҳатларини, кўламини, ўсиш суръатларини ҳамда тенденцияларини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг самарадорлигини миллий, ҳудудий ва соҳалар кесимида ўрганишни назарда тутувчи илмий тадқиқотларни ўтказиш алоҳида кўрсатиб ўтилмоқда.

Мустақиллик йилларидан бошлаб 2017 йилга қадар мамлакатимизда коррупция муаммоси илмий доираларда мансабдорлик жиноятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиб келинган. Кейинчалик маълум бир коррупцияга оид жиноятлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, тергов қилиш тактикаси, тарихий ривожланиш босқичлари ёки давлат идоралари ички ишлар, солиқ, божхона ва бошқа шу каби органлар кесимида ўрганилганлигини кўриш мумкин.

Мисол учун Ю.М.Каракетов гараз ниятларда содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммоларини, Ш.Р.Умиров, Б.У.Дадажонов, М.К.Пўлатов, О.Х.Набиев, Р.А.Зуфаровлар коррупцияга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини, Б.Д.Ахроров ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик ҳамда уларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини, М.Собиров иқтисодий жиноятчилик, шу жумладан коррупциянинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ижтимоий ва криминологик жиҳатларини, И.Исмаилов, Ж.А.Неъматов, М.А.Мусаев, И.А.Соттиевлар жиноий уюшма ташкил этиш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар билан боғлиқ муаммоларни ўрганишган.

Шунингдек О.Ю.Исмаилов коррупция йўналишидаги латент жиноятларни фош этиш, баҳолаш усулларини ўрганган бўлса, У.М.Алоев коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий механизмларини, В.Т.Суннатов мансаб сохтакорлигига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини, жумладан ушбу турдаги жиноятларнинг сабаблари, олдини олиш чораларини тадқиқ этган.

Ш.Р.Жалолов коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик жиҳатларини ўрганиб, коррупцион жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳисобини юришнинг марказлашган тизимини яратиш ҳамда электрон кўринишда тақдимномалар тузиш воситасини яратувчи "е-тақдимнома", "Жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитлари", "Тақдимномалар ва уларнинг жавоблари", "Жиноят содир этган шахслар ва уларнинг шахси ҳақидаги маълумотлар" деб номланувчи базаларни яратиш таклифларини кўрсатиб ўтган.

Фикримизча, ушбу таклифларнинг биринчидан илмий тадқиқот давомида моҳияти очиб берилмаган, иккинчидан базалар яратиш борасида умумий терминдан фойдаланилган. Электрон тақдимнома расмийлаштириш, уларнинг марказлашган базаларини яратиш ҳақида таклифлар қилдирилсада, яхлит тизим сифатида, яъни жиноят оқибати билан узвий боғлиқ ҳолда илмий ўрганилмаган.

Коррупциявий жиноятчиликнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари хусусиятларини ёритиб берган олим Д.Ю.Каракетовнинг фикрлари эътиборга молик. У томонидан 2020 йилдаги коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳисоботида кўрсатилган жами 2270 нафар мансабдор шахс коррупция жиноятини содир этганлиги таҳлил қилиниб, коррупция жиноятчилиги даражасини билишнинг имконсизлигини, чунки мансабдор ва хизматчиларнинг аниқ сони йўқлиги таъкидлаб ўтилган. Коррупция муаммосини ўрганган қозоғистонлик олимлардан О.Б.Хусаинов коррупцияга оид жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув тадбирларининг тутган ўрни ва аҳамиятини очиб бериб, тадқиқот давомида тезкор-қидирувни амалга оширувчи органларнинг вазифалари қаторида жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш билан профилактикани кучайтириш таклифлари фикримизча аҳамиятли ҳисобланади.

Хорижлик назариётчи ва амалиётчи олимлар В.С.Овчинский, В.Н. Бондарь, С.Г.Капаров, Р.А. Исмаилов, Юрген Денлар коррупцияга қарши курашни белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни гуруҳлаштирган ҳолда ўрганиб, миллий қонунчиликда халқаро меъёрларни қўллаш амалиёти ва коррупциянинг трансмиллий даражада намоён бўлиш шакллари таҳлил қилган.

Шу ўринда тадқиқот ишларида юридик шахсларнинг коррупциявий қилмишларни содир этганликдаги жиноий жавобгарлиги масаласи айрим давлатлар ўртасида мунозарага олиб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, муҳокама қилинган илмий қарашлар, ёндашувлар, тадқиқотлар шундан далолат берадики, мамлакатимизда коррупцияга оид жиноятларнинг юзага келиш сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни таҳлил қилиш тизимини яхлит ҳолатда илмий ўрганиш, тадқиқотлар олиб бориш зарур. Бу каби илмий тадқиқот натижалари келгусида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларининг самарадорлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутати.

Одилбек ЭГАМБЕРДИЕВ,

мустақил тадқиқотчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алексеев А.И. Криминология: Курс лекций. - М., - 1999.
2. А.И.Долгова. Криминология: учебник для вузов. Норма-2000.
3. Ахроров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари. Юридик ф. д-ри дис. - Т.: ТДЮИ, 2008.
4. Зуфаров Р.А. Порахўрликка қарши жиноий жавобгарлик (Жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари). Юр номзодлик дис. - Т.: ТДЮИ, 1994. Порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: назария ва амалиёт: Юридик ф. д-ри дис. - Т.: ТДЮИ. 2005.
5. Каракетов Ю.М. Проблемы борьбы с корыстно-насильственными преступлениями: Дис.... дра юрид. наук.— Т.: Академия МВД РУз, 1996.
6. Собиров М. Иқтисодий жиноятчиликнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ижтимоий-криминологик жиҳатлари. Юридик ф. ном. дис. - Т.: УэР ИИВ Академияси, 2002.
7. Э.Кампос, С.Прадхан. "Многоликая коррупция. Выявление уязвимых мест на уровне секторов экономики и государственного управления". Москва-2022.
8. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
9. Ўзбекистон юридик энциклопедияси, "Адолат" 2010.
10. 2017 - 2024 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури.

КОРРУПЦИЯНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАЪСИРЛАРИ

Коррупция кўплаб шаклларда намоён бўлади ва ҳар бири турли вазиятларда содир бўлиши мумкин. Порахўрлик бу энг кенг тарқалган коррупция шакли бўлиб, унда давлат ёки хусусий сектор вакиллари хизмат ёки бирон-бир манфаат эвазига пора олади. Қуйида ана шу жиноятнинг турларини келтириб ўтамиз.

Непотизм (таниш-билишчилик) — бу шаклда шахслар ўзининг қариндошлари ёки яқин танишларига давлат хизматларида, корхоналарда ёки бошқа соҳаларда имтиёзлар яратади. Бу коррупциянинг яширин шакли бўлиб, давлат бошқаруви ва иқтисодий ривожланишга катта зарар келтиради.

Кейинги кўриниш мансабни суиистеъмол қилиш бўлиб бундай вазиятда давлат ёки хусусий сектор вакиллари ўз ваколатларини нотўғри ишлатади ва шахсий ёки жамоавий манфаатлар учун хизмат қилади. Масалан, бирор давлат органи раҳбари ўз хизмат ваколатларидан фойдаланиб, ноқонуний қарорлар қабул қилади ёки шартномалар тузади.

Давлат маблағларини талон-тарож қилиш жинояти давлатнинг ёки хусусий ташкилотнинг маблағларини ноқонуний равишда ўзлаштириш ёки ўз шахсий мақсадлари учун ишлатишдир. Бу коррупция шакли давлат бюджетига катта зарар етказиши ва давлат хизматларининг сифатини пасайтиради.

Фальсификация ва фирибгарлик. Бу ҳолда қонуний ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бузиш ёки четлаб ўтиш мақсадида сохта ҳужжатлар яратиш ёки ҳақиқатни бузиш содир этилади. Фальсификация одатда молиявий ҳужжатлар, солиқ ҳисоботлари ёки давлат шартномаларида юзага келади.

Ўзаро манфаатли келишувлар (клиентелизм) жинояти юз берганда давлат ва бизнес вакиллари ёки бошқа манфаатдор шахслар ўртасида яширин келишувлар тузилади. Мазкур келишувлар орқали муайян шартлар ёки хизматлар эвазига бир-бирларига хизмат ёки имтиёзлар кўрсатишади. Овоз сотиб олиш сиёсий коррупциянинг шакли бўлиб, унда сайловларда номзодлар ёки уларнинг тарафдорлари сайловчиларга пул ёки бошқа имтиёзлар бериб, уларнинг овозларини сотиб олади. Бу ҳолатда сиёсий жараёнларнинг адолатли ўтиши бузилади ва демократияга зарар етади. Давлат ва хусусий ташкилотларда тендер ва шартномалар нотўғри йўллар билан, яъни рақобатни четлаб ўтиб, манфаатдор шахсларга топширилади. Ушбу вазиятда ресурслар самарали тақсимланмайди ва давлат иқтисодиёти зарар кўради.

Коррупция нафақат мамлакат ичидаги фуқароларнинг давлатга ишончини йўқотиб, иқтисодиётни синдиради балки, давлатнинг халқаро майдондаги обрўсини ҳам пасайтиради. Коррупцияга қарши қатъий чоралар кўрмаган, коррупция жиддий муаммо бўлган давлатлар халқаро дипломатик алоқаларда ишончсиз, деб қабул қилиниши мумкин. Бу эса бошқа давлатлар билан сиёсий ва дипломатик ҳамкорликни заифлаштиради. Бундай мамлакатлар халқаро ташкилотлар ва форумларда ҳам ўз нуфузини йўқотади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш учун жамоатчилик онги ва ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳимдир. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ривожлантириш, давлат бошқарувида шаффофликни таъминлаш ва фуқароларни коррупцияга қарши курашга жалб қилиш коррупциянинг олдини олишда асосий чоралар ҳисобланади.

Зикруллоҳ РАҲМОНАЛИЕВ,

Фарғона давлат университети талабаси.

*Бир ҳикмат мени
ҳайратга солди:
«Битта дарахтдан миллион
та гугурт донаси ясаш
мумкин. Биргина гугурт
донаси билан эса миллион
та дарахтни ёқиб юборса
бўлади».*

*Демак, биргина ёмон иш
билан ҳаётингдаги миллион-
лаб яхши ишларингни қуйди-
риб юборишинг мумкин.*

**Ҳикматлар саодатга
етақлар китобидан.**

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ, ПОРЯДОК И ЗНАЧЕНИЕ ПРЯМОГО ПРИМЕНЕНИЯ СУДАМИ НОРМ КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ: в статье освещаются правовые основы и порядок прямого применения судами норм Конституции Республики Узбекистан путем научно-теоретического анализа сути и содержания Конституции, действующих процессуальных кодексов, законов, а также судебной практики. Обосновано, что ее значение заключается в том, что она дает возможность непосредственной защиты основных прав и свобод человека и гражданина, соблюдает конституционные принципы осуществления правосудия, а также применение положений международного договора Республики Узбекистан поскольку, в Новом Узбекистане соблюдаются общепризнанные принципы и нормы международного права.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: Конституция, закон, суд, постановление Пленума, судебные акты, международные договоры.

Конституция должна быть актом прямого действия. Государственные органы, особенно суды, в своей деятельности должны непосредственно обращаться к Конституции, руководствоваться ее нормами.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Принятая на референдуме 30 апреля 2023 года всенародным голосованием в новой редакции Конституция Республики Узбекистан отразила коренные качественные изменения правовой политики нашего государства. Впервые в истории нашей страны высшей ценностью провозглашен человек, его жизнь, свобода, честь и достоинство. Основные права и свободы человека и гражданина не только были полностью и последовательно закреплены в Конституции, но и гарантированы путем создания необходимых механизмов для осуществления их конституционных прав и свобод.

В соответствии с Конституцией Республики Узбекистан права и свободы человека действуют непосредственно и определяют суть и содержание законов, деятельности государственных органов, органов самоуправления граждан и их должностных лиц, а также обеспечиваются правосудием.

Это конституционное положение, закрепленное в нашей Конституции, и гарантия судебной защиты прав и свобод каждого определяют исключительно важное место суда в обществе и государстве и в то же время возлагают на него особую ответственность за надлежащее применение законов, обеспечивающих защиту прав и свобод человека.

В нашей стране признается безусловное верховенство Конституции, которая имеет высшую юридическую силу, прямое действие и образует основу единого правового пространства на всей территории страны, кроме того, ни один закон или иной нормативно-правовой акт не может противоречить принципам и нормам Конституции.

В связи с тем, что основными задачами суда являются защита гарантированных Конституцией и другими законами, международными договорами Республики Узбекистан, а также международными актами о правах

человека прав и свобод граждан, государственных и общественных интересов, прав и охраняемых законом интересов юридических лиц и индивидуальных предпринимателей, суды должны прямо применять ее нормы при рассмотрении конкретных дел.

Правовые основы прямого применения норм Конституции судами, в частности, закреплены в Конституции Республики Узбекистан (статьи 15, 16, 19, 20, 21, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 34, 42, 44, 46, 47, 48, 49, 55, 63, 65, 66, 67, 68, 136, 137, 138, 139), Конституционном законе Республики Узбекистан "О Конституции Республики Узбекистан" (статьи 3, 4, 11), законах "О нормативно-правовых актах" (статьи 5, 6, 7, 8, 9, 18, 45), "О судах" (статьи 4, 62), Уголовном кодексе (статьи 1, 2, 141–149), Уголовно-исполнительном кодексе (статья 1), Экономическом процессуальном кодексе (статья 13), Кодексе об административном судопроизводстве (статьи 11, 179), Гражданском кодексе (статьи 1, 8, 9, 10, 11, 12, 15), Гражданском процессуальном кодексе (статьи 3, 14) и Кодексе Республики Узбекистан об административной ответственности (статьи 2, 7, 269).

Законы и иные нормативно-правовые акты Республики Узбекистан принимаются на основе и во исполнение Конституции Республики Узбекистан (статья 16), в соответствии с которыми государство и его органы, другие организации, должностные лица, институты гражданского общества и граждане должны действовать в соответствии с Конституцией и законами (статья 15), а судьи должны быть независимыми и подчиняться только Конституции и закону (статья 136).

В Новом Узбекистане права и свободы человека признаются и гарантируются согласно общепризнанным нормам международного права и в соответствии с Конституцией. Права и свободы человека принадлежат каждому с момента его рождения и все граждане имеют

одинаковые права и свободы и равны перед законом независимо от пола, расы, национальности, языка, религии, убеждений, социального происхождения, общественного положения. Права и свободы человека, закрепленные в Конституции и законах, являются незыблемыми, и никто не вправе без суда лишить или ограничить их.

Каждому для восстановления своих нарушенных прав и свобод гарантируется право на рассмотрение его дела компетентным, независимым и беспристрастным судом в установленные законом сроки. Именно поэтому судьи обязаны неукоснительно соблюдать Конституцию и законы Республики Узбекистан при ведении уголовных, административных, гражданских и экономических дел.

В целях полноценного обеспечения гарантий прав человека путем прямого и единообразного применения судами норм Конституции Республики Узбекистан Пленум Верховного суда Республики Узбекистан на основании Конституционного закона «О Конституции Республики Узбекистан» № ЗРУ-837, принятого по итогам референдума, проведенного 30 апреля 2023 года, а также статьи 22 Закона Республики Узбекистан «О судах» 23 июня 2023 года принял Постановление №16 «О некоторых вопросах прямого применения норм Конституции Республики Узбекистан при осуществлении правосудия».

Пленум Верховного суда обратил внимание судей на то, что положение о высшей юридической силе Конституции означает верховенство ее норм над другими законами и иными нормативно-правовыми актами. В связи с этим, судам следует оценивать содержание закона или иного нормативно-правового акта, регулирующего рассматриваемые судом правоотношения и применять нормы Конституции как акта прямого действия, обладающего непосредственно действующей высшей юридической силой.

Было также отмечено, что судам следует обратить внимание на недопустимость отказа в применении норм Конституции в связи с тем, что соответствующие законы и иные нормативно-правовые акты не приняты, а в случаях, когда нормы Конституции, которые должны быть применены в конкретном деле содержат ссылку на иной нормативно-правовой акт, судам, рассматривающим дело, следует руководствоваться нормами Конституции и закона, регулирующие соответствующие правовые отношения.

В связи с тем, что международные договоры Республики Узбекистан наряду с общепризнанными принципами и нормами международного права (Всеобщая декларация прав человека, Пакт о гражданских и политических правах, Пакт об экономических, социальных и культурных правах и другие) являются составной частью правовой системы Республики Узбекистан и когда международным договором Республики Узбекистан установлены иные правила, чем те, которые предусмотрены законом Республики Узбекистан, то применяются правила международного договора Республики Узбекистан.

В случаях применения норм международных договоров при рассмотрении дел, в мотивировочной части судебного акта следует ссылаться на нормы данного международного договора.

Пленум разъяснил судам о том, что нормы Конституции действуют напрямую с момента вступления в силу Конституционного закона «О Конституции Республики Узбекистан», то есть с 1 мая 2023 года и независимо от принятия или наличия соответствующих законов и иных нормативно-правовых актов. В судебных актах, в качестве правовой основы, в первую очередь, как правило, должны применяться соответствующие нормы Конституции, а затем — иные нормативно-правовые акты в зависимости от их юридической силы. В случае, если законы или иные нормативно-правовые акты противоречат нормам Конституции, должны применяться исключительно соответствующие нормы Конституции.

Исходя из требований статьи 20 Конституции было отмечено, что судьи должны учитывать, что меры правового воздействия, применяемые в отношении лица, должны основываться на принципе соразмерности и быть достаточными для достижения целей, предусмотренных законами, при этом наказание либо иная мера правового воздействия, применяемая в отношении лица, виновного в совершении правонарушения, должна быть справедливой, то есть соответствовать тяжести правонарушения, степени вины и общественной опасности его личности.

На основании части четвертой статьи 29 Конституции были даны разъяснения о недопустимости использования при осуществлении правосудия доказательств, полученных с нарушением закона, и о том, что доказательства, полученные с нарушением личных прав и свобод человека, установленных Конституцией, порядка, установленного законами, а также в результате действий, не предусмотренных законом, признаются доказательствами, полученными в нарушение закона.

В настоящее время судебные коллегии Верховного суда, Высшая школа судей при Высшем судебном совете, суды областей и приравненные к ним суды проводят семинары-тренинги по разъяснению судам низшей инстанции сути постановления данного Пленума и уделяют внимание формированию единой судебной практики в этой области.

В ходе рассмотрения гражданского, уголовного, экономического и административного дела суды, руководствуясь разъяснением указанного постановления Пленума, применяют соответствующие нормы Конституции.

Соответствующие нормы Конституции Республики Узбекистан, которые могут напрямую применяться экономическими судами, содержат нормы как материального, так и процессуального права. Поэтому экономическими судами нормы Конституции применяются в том порядке, в котором применимо действующее материальное и процессуальное законодательство.

В частности, статья 55 Конституции Республики Узбекистан гарантирует каждому судебную защиту своих

прав и свобод, право на обжалование в суде незаконных решений, действий и бездействия государственных органов и иных организаций, их должностных лиц, а также для восстановления своих нарушенных прав и свобод гарантируется право на рассмотрение его дела компетентным, независимым и беспристрастным судом в установленные законом сроки.

В соответствии со статьей 3 Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан любое заинтересованное лицо вправе обратиться в экономический суд за защитой своих нарушенных или оспариваемых прав либо охраняемых законом интересов в порядке, установленном настоящим Кодексом. Также в случаях, предусмотренных законодательством, в суд могут обратиться и иные лица.

Согласно вышеуказанному, в случае обращения заинтересованного лица в экономический суд с исковым заявлением со ссылкой на статью 55 Конституции Республики Узбекистан, то экономический суд должен указать об этом в судебных актах (например, в определениях о принятии искового заявления к производству и возбуждении дела и подготовке дела к судебному разбирательству, а также в описательной части решения).

Другим примером является закрепленное в части четвертой статьи 67 Конституции положение о том, что монопольная деятельность регулируется и ограничивается законом. Важные условия, требования и обязательства, связанные с такой деятельностью субъектов предпринимательства, отражены в Гражданском кодексе Республики Узбекистан, Кодексе об административной ответственности Республики Узбекистан, а также в законах "О конкуренции", "О защите прав потребителей", "О лицензировании, разрешительных и уведомительных процедурах" и других законодательных актах.

В соответствии со статьей 302 Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан к делам о конкуренции относятся споры между юридическими лицами, в том числе иностранными, органами хозяйственного управления, индивидуальными предпринимателями и антимонопольным органом, вытекающие из отношений в области конкуренции на товарных и финансовых рынках. Такая категория дел подсудна в межрайонный, районный, городской экономический суд или Верховный суд Республики Узбекистан.

Таким образом, в мотивирующей части решения экономического суда, принятого по делам о конкуренции, следует сначала указать четвертую часть статьи 67 Конституции, за которой следует норма закона, регулирующего правоотношения в области конкуренции.

Важное значение прямого применения судебных нормы Конституции Республики Узбекистан проявляется в следующем:

во-первых, она предоставляет возможность непосредственного осуществления основных прав и свобод человека и гражданина, определенных Конституцией, принятой всенародным голосованием;

во-вторых, будет достигнуто прямое действие норм Конституции независимо от того, содержится ли процедура их применения в отдельных законодательных актах или нет;

в-третьих, она способствует укреплению доверия народа к Конституции, формированию чувства конституционного патриотизма и решению их жизненных проблем путем прямого применения Конституционных норм;

в-четвертых, обеспечение конституционных прав и свобод лиц достигается путем выявления судами в процессе рассмотрения дел законов или иных нормативно-правовых актов, противоречащих принципам и нормам Конституции Республики Узбекистан, и их устранения в установленном порядке;

в-пятых, в случае установления в международном договоре Республики Узбекистан иных положений, чем те, которые предусмотрены законом Республики Узбекистан, посредством применения положений международного договора Республики Узбекистан в Новом Узбекистане отражается соблюдение общепризнанных принципов и норм международного права;

в-шестых, будет обеспечено неукоснительное соблюдение судами конституционных принципов осуществления правосудия, закрепленных в Конституции Республики Узбекистан, таких как верховенство Конституции и законов, ведение судебных процессов на основании законодательных актов, равенство всех перед законом, осуществление правосудия исключительно судом, независимость судей и их подчинение только Конституции и закону, открытое рассмотрение дел во всех судах, обязательность актов судебной власти для всех государственных органов, организаций, должностных лиц и граждан, а также использование языка, на котором ведется судопроизводство.

в-седьмых, будут обеспечены права и свободы человека, закрепленные в Конституции и законах, которые действуют непосредственно, являются незыблемыми, и никто не вправе без суда лишить или ограничить их, а также при применении меры правового воздействия на человека, суды будут основываться на принципе соразмерности и достаточности для достижения целей, предусмотренных законами, кроме того все противоречия и неясности в законодательстве, возникающие во взаимоотношениях человека с государственными органами, будут толковаться в пользу человека.

Фозилжон ОТАХОНОВ,

*профессор Высшей школы судей,
доктор юридических наук.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Главная цель конституционной реформы — обеспечение на практике чести и достоинства человека, интересов народа // Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на встрече с членами Конституционной комиссии.
2. Конституция Республики Узбекистан.
3. Экономический процессуальный кодекс Республики Узбекистан.
4. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 23 июня 2023 года № 16 "О некоторых вопросах прямого применения норм Конституции Республики Узбекистан при осуществлении правосудия".

ВОПРОСЫ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОГО ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ НЕЛЕГАЛЬНОЙ ЛОББИСТСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

АННОТАЦИЯ: статья посвящена изучению основополагающих подходов к правовому регулированию лоббистской деятельности в демократических странах. Констатируется, что правовая регламентация лоббистской деятельности способствует минимизации рисков коррупции во взаимоотношениях властных органов и институтов гражданского общества.

Ключевые слова: лоббизм, лоббистская деятельность, группы интересов, принятие политических решений, демократия, представительство интересов, воздействие на государственную политику, коррупционные риски.

По общепризнанному мнению, специалистов институт лоббизма как элемент политического процесса присутствует в структуре любого государства играя положительную роль в демократизации политической активности, процессов взаимоотношения между властью и институтами гражданского общества.

Считается, что термин “лобби” приобрел политический смысл в США в первой половине XIX в. где стал обозначать группу людей, объединенную общими интересами (деловыми, территориальными, профессиональными и пр.), а производные от “лобби” понятия “лоббизм” (lobbyism) и “лоббирование” (lobbying) начали использоваться для определения неформального влияния на голоса законодателей в коридорах парламента (в лобби) за пределами законодательной палаты.

Правовое оформление лоббистской деятельности впервые осуществлено в США где в 1938 году был принят “**Закон о регулировании иностранных агентов**” (Foreign Agents Registration Act, FARA) который ввел обязательную регистрацию иностранных лоббистов, а в 1946 году принят “**Закон о регулировании лоббизма**” (Lobbying regulation Act,) установивший, требование, что лоббист должен иметь высшее юридическое образование, 8 летний стаж работы в федеральных органах власти, быть зарегистрированным, своевременно предоставлять сведения (о заказчике, срок найма, суммы гонораров) и ежеквартально предоставлять в Государственный департамент отчет о своей деятельности.

Следующим актом, регламентирующим лоббизм на федеральном уровне, стал “**Закон о раскрытии лоббистской деятельности**” от 1 января 1996 года. Этот закон ввел понятие “лоббист” — бывший или действующий политик, который тратит более 20 % своего времени на продвижение интересов той или иной группы давления. Закон ввел понятие “лоббистский контакт” — устное или письменное обращение физического лица или организации по определенным вопросам.

В 2007 году после коррупционного скандала, связанного с делом известного лоббиста Джека Абрамоффа регулирование лоббизма, было ужесточено. Конгресс принял “**Закон о честном лидерстве и открытом правительстве**” (The Honest Leadership and Open Government Act of 2007), который ограничил деятельность лоббистов введя запрет на занятие лоббистской деятельностью сенаторами (они могли заняться ей только через 2 года после отставки), государственным секретарем и министром обороны. Им было пожизненно запрещено

заниматься лоббизмом в той сфере, которую они курировали в правительстве.

В США, где в федеральных органах власти действуют порядка **12,3 тыс. лоббистов**, а их суммарные расходы **превышают 3 млрд долл.** в год. Лоббизм признается отдельным видом деятельности регулируемым как специальным нормативным правовым актом, так и кодексами этики поведения должностных лиц, правилами, руководствами, резолюциями парламента и другими документами.

Исходя из опыта правоприменения США к 2024г. специальные законы о лоббировании были приняты в более чем 20 странах мира. Точное их число зависит от того, какими критериями пользоваться при отнесении документа к закону. Глубина и содержательность законов варьирует в зависимости от целей и задач правового регулирования.

Континентальная (европейская) система лоббизма характеризуется тем, что **она не имеет институционализированных форм.** Ярким подтверждением тому служит практика лоббирования в ФРГ.

В Германии развиты консультации власти с представителями крупных коммерческих организаций. “Классическими” лоббистами в ФРГ считаются союзы и объединения (**Vsrbande und Vsreine**). На основании регламентов органов исполнительной власти и положений об их деятельности представители этих организаций на постоянной основе “прикомандированы” к министерствам и иным государственным структурам.

Сегодня более 100 немецких фирм, промышленных союзов и научных фондов имели около 300 “своих” сотрудников, участвующих в консультациях при принятии публично-властных решений, в том числе в работе над законопроектами почти во всех федеральных и земельных министерствах. При президенте Бундестага ведется открытый список регистрации союзов и объединений, желающих получать информацию и влиять на работу парламента. Их общая численность свыше 2000.

Объектом лоббистской деятельности там в силу сильных стабильных позиций правительства, федерального канцлера стала исполнительная власть.

Непосредственное взаимодействие между ними, осуществляемое в форме консультации, создания различного рода совещательных органов при федеральных ведомствах (большинство из них сосредоточено при министерствах экономики и труда), позволило группам интересов участвовать в процессе политического волеформирования.

Результат такого сотрудничества налицо: примерно три четверти принимаемых федеральных законов основывается на проектах, подготовленных в правительстве.

Наиболее важным и значимым нормативно-правовым актом, регулирующим лоббистскую деятельность в Германии, можно считать **“Единое положение о федеральных министерствах”**. Согласно этому документу, министерства имеют право привлекать к работе над законопроектами ведомственных экспертов, консультантов и иных представителей “заинтересованных профессиональных кругов”.

Положение наделяет руководство министерства правом организовать по мере надобности на временной или постоянной основе различные совещательные органы для решения своих внутренних задач в процессе подготовки законопроектов.

В 2024 г. в ФРГ приняты нормативные правовые акты, криминализирующие недобросовестное представление интересов и изменяющие требования к регистрации лоббистов. Первый из них – **Закон от 17 июня 2024 г. № 190 “О внесении изменений в Уголовный кодекс – об уголовной ответственности за недобросовестное представление интересов” (Gesetz zur Änderung des Strafgesetzbuches – Strafbarkeit der unzulässigen Interessenwahrnehmung)** – вводит уголовную ответственность (статья 108f УК) за: вымогательство неправомерного материального вознаграждения для себя и/или третьего лица в обмен на обещание или предположение выполнить (воздержаться от выполнения) действие в интересах лица, предоставляющего вознаграждение, и/или третьего лица в течение срока полномочий получателя вознаграждения.

При этом преступлением будет считаться любое действие (бездействие) в интересах взяткодателя вне зависимости от наличия у получателя вознаграждения необходимых полномочий; предложение, обещание предоставить или предоставление такого неправомерного материального вознаграждения.

Под действие соответствующей статьи попадают: члены Бундестага (Bundestag) и парламентов земель; члены Европейского парламента (European Parliament) от Германии; члены парламентских ассамблей международных организаций.

За недобросовестное представление интересов предусмотрена ответственность в виде лишения свободы на срок до 3 лет или штрафа.

Закон от 18 января 2024 г. № 10 “О внесении изменений в Закон от 16 апреля 2021 г. “О создании Реестра лоббистов для представления интересов в Бундестаге и в федеральном правительстве” (Gesetz zur Änderung des Lobbyregistergesetzes), вступивший в силу 1 марта 2024 года, предусмотрел:

распространение действия Закона на всех служащих органов, комитетов, фракций и парламентских групп Бундестага;

расширение перечня условий, влекущих за собой необходимость регистрироваться в Реестре лоббистов: теперь, помимо прочего, лоббист обязан подавать информацию о представлении интересов в случае, если: представление интересов осуществляется на коммерческой основе в интересах третьих лиц; в течение последних трех месяцев лоббист установил более 30 различных контактов для представления интересов (ранее нижняя граница была выше – более 50 контактов за три месяца);

представление интересов осуществляется за вознаграждение;

расширение перечня сведений, необходимых для регистрации в Реестре, в том числе включение в него следующих сведений: если лоббист является физическим лицом: наименование организации, служащим (работником) которой он является, данные о членстве в членских организациях (например, профсоюзах), связанном с представлением интересов, фамилия, имя, информация об ученой степени (по желанию), псевдоним и/или религиозное имя (по желанию) лиц, которым доверено представление интересов;

если лоббист является юридическим лицом, организацией в форме товарищества или организацией иной формы: количество сотрудников / для членской организации – количество членов в разбивке по физическим лицам, юридическим лицам, организациям в форме товариществ и организациям иных форм, данные о членстве в членских организациях (например, профсоюзах), связанном с представлением интересов, для юридических лиц публичного права – указание на то, что они уполномочены представлять интересы (по желанию), для представителей организаций – данные о замещении должности члена Бундестага, члена федерального правительства, парламентского государственного секретаря, должности в парламентской группе или фракции в Бундестаге, должности в федеральной администрации в течение 5 предыдущих лет, указание на нормативные правовые акты / проекты нормативных правовых актов, в отношении которых планируется представление интересов;

возложение на представителей интересов обязанности раскрывать основных клиентов в случае привлечения субподряд;

лишение права на отказ от публикации в открытом доступе отдельных сведений, включенных в Реестр: например, ранее лоббисты могли отказаться от публикации финансовой информации;

предоставление отделу администрации Бундестага, ответственному за ведение Реестра, права требовать подтверждения предоставленной информации, а также налагать на лиц, нарушающих законодательство о лоббистской деятельности, штрафы и/или навсегда исключать их из Реестра;

установление ответственности за неподтверждение и/или обновление данных в Реестре на ежегодной основе в форме штрафа в размере до €50 тыс. в случае умышленного совершения соответствующих действий или до €20 тыс. в случае халатности.

В Австрии и Голландии пошли по пути создания соответствующей структуры, специального института – “социально-экономического совета”, который, имея весьма четкий юридический статус, исполняет роль своеобразного альтернативного парламента. Он может выступать и в качестве консультативного совещательного органа, а может и обладать правом решающего голоса в законотворческом процессе.

Французский подход коренным образом отличался от американского и немецкого. Лоббистская деятельность во Франции на основании Регламента Национального Собрания Французской Республики считалась незаконной. Здесь действует Социально-экономический и экологический совет, предусмотренный Конституцией 1958 г. Совет состоит из представителей профессиональных групп и призван давать

правительству заключения по всем законопроектам экономического и социального характера.

Согласно **Закону Франции “О финансовой гласности политической жизни”** (нормы включены в Избирательный кодекс) каждый парламентарий в 15-дневный срок после вступления в должность и не позднее месяца до истечения срока мандата должен представить декларацию о своем имущественном положении. Бюро национального собрания оценивает изменения в имущественном положении депутатов на основании деклараций и изменении, представленных депутатами.

В свою очередь **Закон Хорватии от 18 марта 2024 года № 36 “О лоббировании” (Zakon o lobiranju No. 36)**, вступивший в силу 1 октября 2024 года регулирует участие представителей интересов (лоббистов) в процессах принятия государственных и муниципальных решений, а также иных стратегических и плановых документов..

Закон распространяется на:

физических и юридических лиц частного права, в том числе иностранных, намеревающихся участвовать в процессах принятия государственных и/или муниципальных решений от имени лиц, чьи интересы они представляют, в частности, на сотрудников, избранных или уполномоченных на представление интересов, консультантов по представлению интересов и профессиональных лоббистов, представителей профессиональных интересов, бизнес-интересов или иных отраслевых интересов, включая интересы профессиональных, спортивных, экономических и иных ассоциаций, неправительственных организаций и организаций гражданского общества;

